

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

---

*Қўлёзма ҳуқуқи асосида*  
УЎК: 336.71 (575.1):28

**ИМАМНАЗАРОВ ЖАҲОНГИР МУҲАМЕДОВИЧ**

**ИСЛОМ МОЛИЯ ТИЗИМИ ИМКОНИАТЛАРИДАН ЎЗБЕКИСТОН**  
**ИҚТИСОДИЁТИДА ФОЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.01 – Иқтисодиёт назарияси**

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

илмий даражаси олиш учун ёзилган

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар:**

Иқтисодиёт фанлари доктори,  
профессор Нурислом Тўхлиев

**Тошкент – 2023 йил**

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b>	<b>3</b>
<b>I боб: ИСЛОМ ИҚТИСОДИЙ-МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ КОНЦЕПТУАЛ ЖИҲАТЛАРИ</b>	<b>13</b>
§1.1. Ислом банк-молия муносабатлари тушунчаси ва унинг илмий талқини	13
§1.2. Исломда молиявий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари, ундаги тақиқ ва чекловлар	21
§1.3. Ислом банк-молия муносабатлари ривожланишининг хориж тажрибаси	40
<b>II боб: ИСЛОМ БАНК-МОЛИЯ ТИЗИМИ ФАОЛИЯТИНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ</b>	<b>60</b>
§2.1. Ислом банк-молия тизимининг асосий маҳсулотлари ва хизмат турлари	60
§2.2. Анъанавий ва ислом банклари фаолияти самарадорлигининг қиёсий таҳлили	73
§2.3. Инқироз шароитида ислом банк-молия тизими фаолиятининг самарадорлиги	82
<b>III боб ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИСЛОМ МОЛИЯ ТИЗИМИ ИМКОНияТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФойДАЛаниШНИНГ УСтУВор йўналиШЛАРИ</b>	<b>96</b>
§3.1. Инвестицияларнинг ички ва ташқи манбаларини диверсификациялашда ислом банк-молия тизими имкониятларидан фойдаланиш	96
§3.2. Ўзбекистоннинг хорижий ислом молия муассасалари ва халқаро ислом молия ташкилотлари билан ҳамкорлигини кенгайтириш	112
§3.3. Ўзбекистон банк-молия тизимини ривожлантиришда ислом молияси маҳсулотлари ва хизмат турларидан фойдаланиш имкониятлари	122
<b>ХУЛОСА</b>	<b>143</b>
<b>ФойДАЛаниЛГАН АДАБИётЛАР РўЙХАТИ</b>	<b>148</b>

## Кириш

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ислом молия тизими сўнги йилларда жаҳон банк-молия тизимининг муҳим тармоғи сифатида танилиб, йилдан йилга юқори кўрсаткичларга эришиб ўз мавқеини мустаҳкамлаб келмоқда. Бир неча йил ичида Жаҳон Ислом банк-молия тизими ҳажми 758 млрд. АҚШ долларидан (2007 йил) 3,37 триллион АҚШ долларига етди (2021 йил)<sup>1</sup>. Ушбу тизим жадаллик билан ривожланиб, анъанавий банк-молия тизимига ёндош тизим сифатида дунёнинг кўп мамлакатлари, жумладан мусулмон бўлмаган (яъни Ислом ҳамкорлик ташкилоти аъзолари бўлмаган) давлатларда ҳам оммалашиб бормоқда.

Жаҳонда ислом иқтисодиёти ва молияси тушунчасининг назарий-концептуал асослари, ислом молия тизимининг дунё мамлакатлари банк-молия тизимидаги ўрни, аҳамияти, ривожланиш тенденциялари ва келажагини баҳолашга оид кўплаб тадқиқотлар олиб борилган ва бу жараён давом этмоқда. Тадқиқотларда ислом молия тизимининг жаҳон миқёсидаги мавқеини мустаҳкамлаш ҳамда унинг имкониятларини кенгайтириш масалалари ҳам ўрганилмоқда. Ислом молия тизимининг ривожланиб бориши ушбу мавзуга доир барча масалаларни тартибга солиш, мувофиқлаштириш, тизимлаштириш, ҳамда ушбу тизимнинг жаҳон иқтисодиёти тараққиётига таъсир даражасини жиддий равишда ўрганиш ва қамровини кенгайтириш бўйича илмий изланишлар олиб бориш тақозо этилади.

Ўзбекистонда кейинги йилларда ислом молияси маҳсулотларига қизиқиш сезиларли даражада кучайгани сабаб, ушбу соҳада илмий изланишлар олиб бориш, ҳамда амалий ишлар, хусусан Ислом тараққиёт банки ва унинг гуруҳи таркибига кирувчи ташкилотлардан чекланган миқдорда *муробаҳа* ва *ижара* молиялаштириш линиялари жалб қилишга қаратилган ишлар кўлами ортган. Бироқ, ислом молиявий хизматлари ва

---

<sup>1</sup> <https://www.refinitiv.com/en/resources/special-report/islamic-finance-development-report>

маҳсулотларини маҳаллий молия муассасалари томонидан тўлақонли қўллаш учун зарур бўлган ҳуқуқий-меъёрий асос ишлаб чиқилмаганлиги сабабли ислом банк-молия тизимида қўлланиладиган восита ва маҳсулотлар Ўзбекистонда мавжуд эмас. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга мурожаатномасида Ўзбекистонда ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш вақти-соати келганлиги ва бунга Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия ташкилотлари экспертлари жалб этилиши таъкидланган эди. Мамлакатда ушбу тизимни жорий банк-молия тизимига интеграция қилишдан олдин унинг аҳоли фаровонлиги ва бизнес ривожига таъсири даражасини ҳар томонлама баҳолаш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон фармонида асосан қабул қилинган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси, 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон «2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги фармони, “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги (17.02.2020й. ЎРҚ-604-сон), “Солиқ кодекси” (2020 йил 1 январдан кучга кирган янги таҳрири), “Ислом тараққиёт банки гуруҳи ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳи фондлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш чоралари тўғрисида”ги қарори (05.03.2019й. ПҚ-4224-сон), “Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори (29.04.2019й. ПҚ-4300-сон), “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида хорижий инвесторлар кенгашини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (13.11.2019й. ПҚ-4519-сон), “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида” (25.12.2019й. ЎРҚ-598-сон), “Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (24.11.2018й. ПФ-5583-сон) ва бошқа ушбу соҳага алоқадор меъёрий-ҳуқуқий

хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ислом иқтисодиёти ва молияси муаммолари ислом уламолари, жумладан Ҳанафий мазҳаби вакили Абу Юсуфнинг «Китаб аль-Хараж» (Исломда солиқчилик масаласи) китобида<sup>2</sup>, замонавий олимлардан А.Мирахор, Х.Ахмад, М.Иқбол, Т.Усмонининг асарларида ёритилган. Мавзуни ўрганишда доктор Алий Муҳийиддин Қорадоғийнинг “Исломда мол мулк ва битимлар ҳақида сабоқлар” асари ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди.<sup>3</sup>

Россия иқтисодчи олимлари ҳам ушбу мавзуда бир қанча илмий ишлар қилишган. Масалан Л.Р. Сюкияйнен, В.В. Павлов, А.Ю. Журавлев, Е.Н. Мирошник, Р.И. Беккин, А.А. Казаков, Р.Р. Вахитов, Б.Ф. Мулюков, А.М. Чумакова ва бошқалар томонидан ислом иқтисодиёти, ислом молия ҳуқуқи, ислом банклари фаолияти, ҳамда ислом молия маҳсулотлари бўйича бир қанча илмий ишлар қилинган ва китоблар чоп этилган. Юқорида кўрсатиб ўтилган тадқиқотлар доирасида А.Ю. Журавлев томонидан ислом банкларининг ўзига хос жиҳатлари ва уларнинг фаолиятида учрайдиган асосий хатарлар таҳлил

---

<sup>2</sup> Абу Юсуф Яъқуб ибн Иброҳим Куфий. Китоб Ал-Харож (таржимон А.Маннапова). // Т.: “Ўзбекистон халқаро ислом академияси” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2021, 240 б.

<sup>3</sup> Abbas Mirakhor. A Note on Islamic Economics // Islamic Research and Training Institute, 2007, 23 p.; Habib Ahmed. A Microeconomic Model of an Islamic Bank // Islamic Research and Training Institute, 2002, 39 p.; Habib Ahmed, Mohammad Umar Chapra. Corporate Governance in Islamic Financial Institution // Islamic Research and Training Institute, 2002, 77 p.; Munawar Iqbal, Mabid Ali Al Jarhi. Islamic Banking: Answers to Some Frequently Asked Questions // Islamic Research and Training Institute, 2001, 81 p.; Muhammad Taqi Usmani. An Introduction to Islamic Finance // 1998, 169 p.;

Алий Муҳийиддин ал-Қорадоғий (таржимон Н. Набижон ўғли). Исломда мол-мулк ва битимлар ҳақида сабоқлар // – Т.: “Ўзбекистон халқаро ислом академияси” нашриёти, 2019, 320 б.

қилинган. Л.Р. Сюкияйнен ислом иқтисодиётининг ҳуқуқий жиҳатларини кўриб чиққан. Р.И. Беккин ислом иқтисодий моделини таҳлил қилган.<sup>4</sup>

Молиявий муносабатларнинг шаръий жиҳатлари Ўзбекистонлик диний уламолар, хусусан Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг Тафсири Ҳилол, Шайх Абдулазиз Мансурнинг Қуръони карим маънолари таржимаси ва тафсири, Усмонхон Алимовнинг Тафсири Ирфон, яъни Қуръони карим оятларининг ўзбекча таржима ва тафсири ҳамда уларнинг бошқа асарларида<sup>5</sup> кўриб ўтилган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олим ва тадқиқотчилар ҳам ислом иқтисодиёти ва молияси соҳасида изланишлар олиб боришмоқда. Жумладан, С.Аброровнинг “Ўзбекистонда сукук – исломий қимматли қоғозларни жорий этиш истиқболлари” мавзуидаги, А.Турсуновнинг “Тижорат банкларида исломий банк хизматларини ривожлантириш йўналишлари” мавзуидаги фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси олиш учун ёзган диссертациялари, Р.Абдуллаев ва С.Дусановларнинг дарслиги, А.Абдуллоҳнинг тадбиркорларга мўлжалланган китоби, Х.Хасанов, Давлатяров О. ва Т.Бобоқуловларнинг илмий мақолалари шулар жумласидандир. Бундан ташқари, Б.Жўраев томонидан ислом молиясига оид баъзи адабиётлар рус тилидан ўзбек тилига таржима қилинган<sup>6</sup>.

---

<sup>4</sup> Л.Р. Сюкияйнен. Мусульманское право // Вопросы теории и практики, М. 1986, 254 с.;

В.В.Павлов. Исламские банки в исламском финансовом праве. // М. 2003, 256 с.;

А.Ю. Журавлев. Теория и практика исламского банковского дела // М.: Институт востоковедения РАН, 2002.;  
Мирошник Е.Н. Исламские банки в социально-экономической структуре мусульманских стран // Автореферат диссертации к.э.н. М., 2000, 24 с.;

Р.И. Беккин. Исламская экономика: Краткий курс // М. 2008, 288 с.;

<sup>5</sup> Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт, 11-жуз, Савдо, зироат ва вақф. // Т. “Шарк”, 2005. 269 б.;  
Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Бозор ва унга боғлиқ масалалар. – Т. “Ҳилол-Нашр”, 2014. 104 б.;  
Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Қарз ва унга боғлиқ масалалар. – Т. “Ҳилол-Нашр”, 2014. 128 б.

<sup>6</sup> Р.В. Абдуллаев. Ислам иқтисодиётида савдо ва тадбиркорлик. – Т.: “EFFECT-D” нашриёти, 2022. – 232 б.;  
Р.В. Абдуллаев, С.М. Дусанов. Ислам иқтисодиётида молиявий муносабатлар. – Т.: Тошкент ислом университети, 2007. – 104 б.;

Абдуллоҳ А. Тижорат ва ишлаб чиқариш ҳақида тасаввур. // Т.: Ҳилол-Нашр, 2021. 160 б.;

Х.Хасанов. Ўзбекистон Республикасида исломий молиялаштириш // Исламий молия асослари китоби, 5-қисм, 13 боб. O‘zbekiston 2019, 11 б (401-411);

Т.Бобоқулов. Ўзбекистон Республикаси банк тизимида омонат жалб қилиш билан боғлиқ мавжуд муаммоларни исломий банк маҳсулотларини жорий этиш орқали бартараф этиш. // Логистика ва Иқтисодиёт 2020 №3;

Бирок, бугунги кунгача Ўзбекистонда ислом иқтисодиёти ва молияси бўйича тайёрланган диссертация ишлари, монографик тадқиқотлар, дарслик ва ўқув қўлланмалар жуда кам сонли бўлиб, уларнинг амалий аҳамияти сезиларли даражада эмас. Ушбу ҳолат диссертация мавзусини танлашга асосий сабаб ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг мақсади** ислом молия тизими имкониятларидан Ўзбекистон иқтисодиётида самарали фойдаланишнинг назарий асосларини такомиллаштириш юзасидан илмий ва амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб муаммоларини ҳал қилишда, хусусан банк-молия тизимини такомиллаштиришда ислом молия тизими имкониятларидан фойдаланиш истиқболларини кўрсатиб бериш, жумладан:

ислом иқтисодий-молиявий муносабатларининг моҳияти ҳамда назарий асосларини очиб бериш;

анъанавий ва ислом банклари фаолиятининг қиёсий таҳлилин аналга ошириш орқали ислом банкларининг ўзига хос хусусиятлари ва афзал жиҳатларини очиб бериш;

ислом молиясини жорий этиш хориж тажрибасини тадқиқ қилиш ва бунинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб бериш;

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда ислом банк-молия тизимини ривожлантириш орқали ички ва ташқи (яъни хорижий) инвестициялар жалб қилиш ва шу орқали инвестицияларни диверсификация қилиш зарурати, аҳамияти ва имкониятларини очиб бериш;

Ўзбекистоннинг хорижий ислом банклари ва бошқа молия муассасалари билан ҳамкорлиги доирасини кенгайтириш ва шу орқали мамлакатга инвестициялар жалб қилиш имкониятларини кўрсатиш;

---

Е.А. Байдаулет. Ислоний молиялар ва банк тизими. // Таржимон: Жўраев Б. – Т.: О‘zbekiston, 2014. – 464 б.;  
Е.А. Байдаулет. Ислоний молия асослари. // Тошкент: «О‘zbekiston» НМИУ, 2019. – 432 б.;  
Р.И. Беккин. Ислон иқтисодий модели ва замон /– Тошкент: О‘zbekiston НМИУ, 2019. – 360 б.

Ўзбекистон шароитида ислом банк-молия тизимини жорий қилиш ва ривожлантиришнинг ҳуқуқий-ташқилий асосларини таҳлил қилиш ва шу бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида банк-молия муассасалари фаолиятида ислом молия тизими тамойиллари ва маҳсулотларидан фойдаланиш жараёнлари белгиланган.

**Тадқиқотнинг предмети** ислом молия тизимини Ўзбекистондаги мавжуд молиявий-иқтисодий тизимга интеграция қилиш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда илмий абстракция, диалектик тадқиқот, индукция ва дедукция, тизимлаш, монографик кузатув, тизимли ва қиёсий таҳлил, график тасвирлаш, эксперт баҳолаш, иқтисодий статистик ва гуруҳлаш усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

услугий ёндашувга кўра “ислом банк-молия муносабатлари” тушунчаси савдо ёки ҳамкорликка асосланган ва бизнес фаолиятнинг ажралмас қисми бўлган хатарларни томонлар ўртасида мутаносиб равишда тақсимланиши таъминланган муносабатлар мажмуи жиҳатидан такомиллаштирилган;

анъанавий ва ислом банк-молия тизимларига хос бўлган умумий ҳамда фарқли жиҳатлари илмий нуқтаи назардан асосланган ва ушбу икки тизимнинг Ўзбекистон шароитида параллел равишда (дуал тизим сифатида) инвестиция ва лизинг компаниялари орқали фаолият юритиш имкониятлари очиб берилган;

Ўзбекистоннинг амалдаги молия тизимида ислом молияси маҳсулот ва хизматларини нобанк молия ташкилотларида татбиқ қилиш ва улардан амалда фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги асосланган;

миллий иқтисодиётга жалб этилаётган ташқи ва ички инвестицияларни диверсификация қилишда ислом молияси тамойилларига мувофиқ бўлган инвестиция лойиҳалари, хусусан ислом лизинги – *ижара* молия маҳсулоти бўйича лойиҳалар ишлаб чиқиш таклифи киритилган.



### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

ислом банк-молия тизимида молиявий манбалар самарадорлигини оширишнинг назарий-услубий жиҳатлари асосланган;

анъанавий ва ислом банклари фаолияти қиёсий таҳлил қилиниб, ҳозирги шароитда Ўзбекистонда дуалистик тизимнинг талабгирлиги кўрсатиб берилган;

ислом банк-молия муносабатлари ривожланишнинг хорижий мамлакатлар тажрибаси ва ундан фойдаланиш имкониятлари ёритилган;

ислом банк-молия тизимининг асосий восита ва маҳсулотлари таркиблаштирилган;

жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва пандемия шароитида ислом банк-молия тизимининг барқарорлиги сабаблари кўрсатиб берилган;

ислом банк-молия тизими анъанавий банк-молия тизимига рақобатчи эмас, балки уни тўлдирувчи муқобил тизим эканлиги асосланган;

ислом банк-молия тизимининг инвестицияларни диверсификация қилишдаги имкониятлари ёритилган;

Ўзбекистон банк-молия тизимига ислом молияси восита ва маҳсулотларини татбиқ қилиш бўйича тавсия ва хулосалар берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда қўлланилган услубий ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, шунингдек халқаро ташкилотларнинг очиқ статистик ҳисоботларидан олинганлиги, хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилинганлиги билан тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот иши натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, улардан банк-молия тизимини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва ривожлантиришга оид илмий тадқиқотлар доирасида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти, унинг натижаларидан банк-молия тизимини ривожлантиришда, хусусан, банк-молия тизимини

хусусийлаштириш, тизимга ички ва ташқи (хорижий) сармоядорлар ва молия муассасалари эътиборини, бизнес субъектлари ва аҳолининг бўш маблағларини жалб қилиш мақсадида қабул қилинадиган қонун ва қонуности ҳужжатлари, Президент фармонлари, қарор ва фармойишлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва соҳага оид бошқа меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Шунингдек, тадқиқот натижаларидан олий ўқув юр்தларининг бакалавр йўналишида “Ислом иқтисодиёти таълимотлари тарихи”, “Ислом иқтисодиёти асослари”, “Ислом молияси асослари”, “Ислом банклари стандартлари”, “Ислом банки амалиёти”, “Ислом банкларида хатарларни бошқариш” каби фанлар ишчи ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқув жараёнларида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистоннинг амалдаги молия тизими доирасида ислом молияси восита ва маҳсулотларини татбиқ қилиш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

услугий ёндашувга кўра савдо ёки ҳамкорликка асосланган ва бизнес фаолиятнинг ажралмас қисми бўлган хатарларни томонлар ўртасида муносиб равишда тақсимланиши таъминланган муносабатлар мажмуи жиҳатидан такомиллаштирилган “ислом банк-молия муносабатлари” тушунчасининг таърифи Ўзбекистон халқаро ислом академияси томонидан нашрга тавсия этилган “Иқтисодчилар учун фикҳ” ўқув қўлланмасида акс эттирилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 29 декабрдаги 02-06/9833-сонли маълумотномаси). Ушбу илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши ислом иқтисодиёти ва молияси йўналишида назарий билим олувчилар ва амалий фаолият юритувчилар учун ислом иқтисодиёти ҳамда банк-молия муносабатларининг моҳиятини тўлароқ ва чуқурроқ англашга имкон яратган; анъанавий ва ислом банк-молия тизимларига хос бўлган умумий ҳамда фарқли жиҳатлари илмий нуқтаи назардан асосланган ва ушбу икки тизимнинг

Ўзбекистон шароитида параллел равишда (дуал тизим сифатида) инвестиция ва лизинг компаниялари орқали фаолият юритиш имкониятларидан фойдаланиш таклифи АТБ “Asia Alliance Bank” томонидан ўз мижозларига ислом молия маҳсулотлари (*муробаҳа, ижара* ва *мушорака*)ни таклиф қилишни кўзда тутган “Express Finance Group Boshqaruv Kompaniyasi” инвестиция бошқарув компанияси фаолиятини ташкил этишда қўлланилган (АТБ “Asia Alliance Bank”нинг 2022 йил 21 декабрь 4545/10-02-сонли маълумотномаси). Мазкур илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши Ўзбекистоннинг анъанавий иқтисодий-молиявий тизими доирасида ислом иқтисодий муносабатларини йўлга қўйиш, хусусан инвестиция ва лизинг компаниялари орқали фаолият юритиш имкониятини асослаб берган;

Ўзбекистоннинг амалдаги анъанавий молия тизимида ислом молияси маҳсулот ва хизматларини нобанк молия ташкилотларида татбиқ қилиш ва улардан амалда фойдаланиш таклифи Ўзбекистон Республикасининг “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг нобанк кредит ташкилотлари фаолиятига доир чекловлар (6 модда)га аниқлик киритиш ҳамда нобанк кредит ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган молиявий амалиётлар (хизматлар) рўйхатини белгилашда ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2022 йил 13 июндаги 05-10/1424-сонли маълумотномаси). Бу илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши аҳоли ва кичик бизнес вакилларига ислом молияси маҳсулот ва хизматларидан нобанк молия ташкилотлари ёрдамида фойдаланиш имконини берган;

миллий иқтисодиётга жалб этилаётган ташқи ва ички инвестицияларни диверсификация қилишда ислом молияси тамойилларига мувофиқ бўлган инвестиция лойиҳалари, хусусан ислом лизинги – *ижара* молия маҳсулоти бўйича лойиҳалар ишлаб чиқиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги хузуридаги Инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқиш маркази томонидан янги инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи

савдо вазирлигининг 2022 йил 13 сентябрдаги 80-41-09398-сонли маълумотномаси). Ушбу илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида аҳоли ва тадбиркорлар учун ислом молияси тамойилларига мувофиқ бўлган бизнес лойиҳалар, хусусан ислом лизинги – *ижара* молия маҳсулоти бўйича лойиҳалар ишлаб чиқиш ҳамда бундай лойиҳаларга ислом молия муассасаларидан инвестициялар жалб қилиш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та, жумладан 2 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тавсия этган республика журналларида 3 та илмий мақола, хорижий журналлар ва бошқа илмий нашрларда 2 та илмий мақола, маҳаллий ва хорижий илмий-амалий конференцияларда 4 та маъруза тезиси нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, учта боб ва хулосани ўз ичига олган ҳолда 160 бетдан иборат. Бундан ташқари 4 бетдан иборат 3 та илова ва 8 бетдан иборат фойдаланилган адабиётлар рўйхати диссертация иши таркибига киритилган.

# 1 бо6 ИСЛОМ ИҚТИСОДИЙ-МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ КОНЦЕПТУАЛ ЖИҲАТЛАРИ

## 1.1. Ислом банк-молия муносабатлари тушунчаси ва унинг илмий талқини.

“Ислом банк-молия тизими” ислом иқтисодиёти ёки ислом иқтисодий тизимининг муҳим таркибий қисми бўлиб, энг аввало молия муассасалари ва миждозлар ўртасидаги муносабатларни ифодалайди. “Ислом иқтисодиёти” тушунчаси ўтган асрнинг ўрталарида иқтисодий адабиётларга кириб келди. Келиб чиқиши Покистонлик бўлган Саудиялик тадқиқотчи Муҳаммад Умар Чапра ислом иқтисодиёти тушунчасига шундай таъриф беради: “...Ислом иқтисодиёти – чекланган ресурсларни ислом дини таълимотига мувофиқ равишда тақсимлаш воситасида инсон фаровонлигига эришиш учун ёрдам берувчи билимлар мажмуаси бўлиб, бунда шахс эркинлиги ҳаддан ташқари чекланишига ҳамда давомий макроиқтисодий ва экологик номутаносибликка йўл қўйилмайди”<sup>7</sup>. Таърифдан кўриниб турибдики, Муҳаммад Умар Чапра ислом иқтисодиётини фаровонликка етакловчи билимлар, шахс эркинлиги, барқарор макроиқтисодиёт ва экологик мувозанат билан боғлайди. Фикримизча бу ислом иқтисодиётига берилган муносиб таърифлардан биридир.

Саиф Тожиддин ислом иқтисодиётини Қуръони карим ва суннатга асосланган иқтисодий сиёсат<sup>8</sup>, Муҳаммад Маннан иқтисодий муаммоларни ислом асосида ўрганувчи ижтимоий фан<sup>9</sup>, Муҳаммад Сиддиқи иқтисодий чақириқларга жавоб берувчи таълимот<sup>10</sup>, Саид Нақвий мусулмонларнинг

---

<sup>7</sup> Chapra M.U. The Global Financial Crisis: Can Islamic Finance Help? // Islamic Economics and Finance: A European Perspective, edited by J. Langton, C. Trullols and A. Turkistani. London: Palgrave Macmillan, 2011, 135-142 pp.

<sup>8</sup> Seif el-Tag el-Din. What is Islamic Economics? // Review of Islamic Economics. – 1994. Vol.3, №2. 97-100 pp.

<sup>9</sup> Mannan M.A Islamic Economics: Theory and Practice. // Lahore, 1970. – 18 p.

<sup>10</sup> Siddiqi M.N. History of Islamic Economics Thought // - Jeddah, 1992. – 69 p.

ахлоқ усули<sup>11</sup>, Мўнзир Қаҳф мулкни бошқарувчи ислом ахлоқи<sup>12</sup>, Ҳасан Зубайр эса инсон хатти-ҳаракатлари (ҳаёт тарзи)ни эҳтиёжларнинг кўплиги ва ресурслар танқислигидан келиб чиққан ҳолда ўрганувчи фан дейди.<sup>13</sup>

Ушбу таърифлардан кўриш мумкинки, ислом иқтисодиётига мусулмон тадқиқотчилари билим, фан, таълимот, мулкый муносабатлар, исломий ахлоқ усули сифатида ёндашадилар.

Россиялик тадқиқотчи Р.Беккин бу борада янада кескинроқ фикрлайди. У ислом иқтисодиёти тадқиқотчиларини уч гуруҳга ажратади:

Биринчи гуруҳга у мутаассиб деб ҳисоблайдиганларни киритади. Ушбу гуруҳга киритилганларнинг фикрича Қуръон ва ҳадисларда асосий иқтисодий низомлар мукамал тарзда шакллантириб қўйилган ва шунинг учун “ислом иқтисодиёти” деб аталувчи махсус фанга ҳеч қандай зарурат йўқ деб ҳисоблашади. Бу гуруҳнинг намоёндалари сифатида, «Қуръон – бу энг мукамал асосий қонун, энг яхши сиёсий иқтисод асаридир. Замонавий мусулмонлар учун у «Инсон ҳуқуқлари декларацияси» ва «Капитал»нинг ўрнини муваффақият ила боса олади», деган марокашлик илоҳиётчи ва сиёсий арбоб Аллол ал-Фосий ва малайзиялик фикҳшунос Закий Бадавий кўрсатилади.

Иккинчи гуруҳга асосан, илоҳиётчи ва анъанавий фикҳшунослар киритилади. Уларнинг фикрича ислом иқтисодиёти – Қуръон, ҳадис, фикҳ илмлари каби исломий фанлардан биридир. Шунга мувофиқ равишда иқтисодий муаммолар билан шуғулланувчи тадқиқотчиларнинг саъй-ҳаракатлари мусулмон диний-фикҳий фанлар доирасидан четга чиқмаслиги, ислом иқтисодиёти эса бутун инсониятнинг мақсадлари учун эмас, балки фақат мусулмон жамоаси манфаатлари йўлида ривожланиши лозим.

---

<sup>11</sup> Naqvi S.N.H. Islam, Economics and Society. // London, 1994. – 13 p.

<sup>12</sup> Monzer Kahf. Islamic Economics: Notes on Definition and Methodology // [http://monzer.kahf.com/papers/english/paper\\_of\\_methdology.pdf](http://monzer.kahf.com/papers/english/paper_of_methdology.pdf) 42 p.

<sup>13</sup> Hasan Zubair. “Nature and significance of Islamic economics”// INCEIF: The Global University of Malaysia, KL, 2016. 19 p.

Учинчи гуруҳга ислом иқтисодиётини жаҳон иқтисодий тафаккури йўналишларидан бири деб ҳисоблайдиганларни киритади. Бу гуруҳ ислом иқтисодиётига анъанавий иқтисодиётнинг муқобили, ислом иқтисодий андозасини (моделини) замонавий иқтисодиёт фани талқинида ўрганувчи мўтадил фан сифатида қарайди.

Албатта иқтисодиётнинг ўзагини ташкил этувчи мулк масаласига муносабат ислом ва ғарб иқтисодий таълимотларида бир биридан жиддий фарқ қилишини эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Ислом таълимотига кўра барча мулк Аллоҳники, инсон эса ўз тасарруфидаги моддий ва маънавий неъматларни бошқарувчидир. Демак, исломда мулк Аллоҳ ва инсонлар ўртасидаги муносабатларни ифодалайди. Шу нуқтаи назардан ислом иқтисодиётини капиталистик иқтисодиётга ҳам, социалистик иқтисодиётга ҳам киритиб бўлмайди, лекин шу билан бирга улар ўртасидаги бир қатор ўхшашликларни ҳам инкор этиб бўлмайди.

Россиялик тадқиқотчи А. Журавлёв ислом иқтисодиётини “жамият хўжалик фаолиятини ташкил этиш механизми ва тамойилларига мусулмонларнинг қарашлари тизими”, Р.Беккин эса “мусулмон фикҳи тамойиллари ва меъёрларига мувофиқ келувчи хўжалик тизими” сифатида тасвирлайди.

Биз, юқорида келтирилган таърифлардан келиб чиқиб ислом иқтисодиётига қуйидагича таърифни таклиф қиламиз:

*Ислом иқтисодиёти – моддий ва номоддий неъматлар<sup>14</sup> (жумладан хизматлар) ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилишни ислом дини талаблари асосида амалга оширишдир.*

Таъкидлаб ўтилганидек, ислом банк-молия тизими ислом иқтисодиётининг муҳим таркибий қисми бўлиб, энг аввало молия муассасалари ва мижоз ўртасидаги муносабатларни ифодалайди. Ислом-банк

---

<sup>14</sup> Номоддий активлар ёки неъматларга муаллифлик ҳуқуқлари, патентлар, интеллектуал (ақлий) мулкни тасдиқлаш доирасида шу масалага мутасадди бўлган ташкилотлар томонидан берилган расмий ҳужжатлар (лицензиялар), муайян фаолият турлари учун тақдим этилган рухсатномалар (лицензиялар), мижозлар рўйхати, ноу-хау ва технологиялар, маҳсулот (товар) белгилари ва бошқалар қиради.

молия муносабатларининг ўзига хос жиҳати шундаки, улар ислом қонунлари мажмуи бўлган шариатга асосланади. Шариат эса мусулмонларнинг ўзаро муносабатларида маънавий-ахлоқий қадриятларга эътибор бериши билан ажралиб туриши маълум.


Шундан келиб чиқиб, *ислом банк-молия муносабатларини савдо ёки ҳамкорликка асосланган ва бизнес фаолиятнинг ажралмас қисми бўлган хатарларни томонлар ўртасида мутаносиб равишда тақсимланиши таъминланган муносабатлар мажмуидир*, деб таърифлаш мумкин.

Ислом молиясининг замонавий тарихи, янги иқтисодий-молиявий муносабатлар сифатида XX асрнинг 50-йилларидан шакллана бошлади.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан аҳолисининг асосий қисмини мусулмонлар ташкил қиладиган мамлакатлар мустақилликка эришгач (БАА 1971 йил, Жазоир 1962 йил, Қувайт 1961 йил, Малайзия 1957 йил, Судан 1956 йил, Покистон 1947 йил), ушбу мамлакатларда катта миқдорда нефть ва табиий газ конлари топилди ва улар кенг кўламда қазиб олина бошланди ва ушбу маҳсулотлар экспортининг ҳажми ҳам ошиб борди. Бу ўз навбатида, жаҳон бозорида нефть нархининг ўсиб бориши мазкур мамлакатларда йирик жамғармалар шаклланишига замин яратди. Аммо тўпланган жамғармаларни мавжуд анъанавий банк-молия маҳсулотларидан фойдаланган ҳолда тасарруф қилиш аҳолисининг аксарияти мусулмонлар бўлган жамиятлар талабига мос келмаслиги сингари муаммолар пайдо бўла бошлади. Бу эса, ислом тамойилларига асосланган молия тизимини шакллантириш талабини юзага келтирди.

Ислом тамойилларига мос келувчи илк молиявий муассаса Мит Ғамр жамғарма банки 1963 йилда Мисрда ташкил этилган. Ушбу жамғарма ислом молия тизимининг анъанавий банк-молия тизимига муқобил сифатида ишлай олишини амалда кўрсатди. 1975 йилда Ислом тараққиёт банкининг таъсис этилиши ислом молиясининг глобал босқичга ўтганлигини жаҳон ҳамжамиятига эълон қилди. Шундан бошлаб ислом молия муассасалари сони ортиб, уларнинг географик қамрови кенгайиб борди.





**1.1-расм. Ислом молиясининг замонавий тарихи<sup>15</sup>**

Ислом молия маҳсулотлари жаҳон миқёсида XX аср иккинчи ярмида жадаллик билан жорий этилиб, ривожланган бўлса, XXI асрда ислом молиясининг молиявий инқирозларга бардошлилиги, хатарларнинг томонлар ўртасида уларнинг иштирокига ва улушига мутаносиб равишда тақсимланиши, реал активларга асосланганлиги ва иқтисодиётда қиймат яратиш учун хизмат қилиши каби омиллар ҳисобига ўз жозибадорлигини оширди. Ислом молияси хизмат ва маҳсулотларидан, хусусан, ислом қимматбаҳо қоғози – сукукдан мусулмонлар кам истиқомат қилувчи ривожланган мамлакатларда ҳам кенг фойдаланиш бошланди<sup>16</sup>.

Ушбу тизим дунёда анъанавий банк-молия тизимига ёндош тизим сифатида дунёнинг кўп мамлакатлари, жумладан мусулмон бўлмаган (яъни Ислом ҳамкорлик ташкилоти аъзолари бўлмаган) давлатларда ҳам оммалашиб бормоқда. Бунинг сабабларидан бири, ислом молия маҳсулотлари фақатгина мусулмонларга қаратилмаган ва барча қизиқиш билдирган жисмоний ва юридик шахслар учун таклиф қилинади, шу сабабли ислом молияси нафақат аҳолисининг аксарияти мусулмон бўлган мамлакатларда, балки Буюк

<sup>15</sup> Ушбу расм муаллиф томонидан тайёрланган.

<sup>16</sup> <https://www.iifm.net/public/frontend/general-documents/bcd691cfb4233fb37d783550210103921635251580.pdf>

Британия (аҳолисининг 4,4%ини мусулмонлар ташкил этади), АҚШ (0,9%), Сингапур (14%), Швейцария (5,2%), Канада (3,2%), Австралия (2,6%), Франция (9%), Германия (5%), Россия (15%) ва Испания (2,1%) каби давлатларда ҳам қўлланилмоқда.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида 47 та мамлакатда<sup>17</sup> ислом молия муносабатларини қўллаш учун ҳуқуқий асос яратилган бўлиб, ушбу давлатларда кенг қўламли молиявий хизматлар таклиф этаётган 1600 га яқин ислом молия муассасалари мавжуд.

Шунингдек, жаҳоннинг кўплаб йирик илғор банкларида (ABN Amro, Bank of America, Barclays Plc., BNP-Paribas, Chase Manhattan, Citibank, Deutsche Bank, Goldman Sachs, HSBC, JPMorgan Chase, Lloyds Bank, Societe Generale, UBS ва бошқалар) “Ислом молия дарчалари” мавжуд бўлиб, уларда анъанавий банк маҳсулотларига тўлақонли муқобил ҳисобланувчи барча турдаги ислом банк хизматлари кўрсатилади.

Бу ўринда Лондонни Европа ислом банк-молия тизимининг марказига айлантиришга эришган Буюк Британия ҳукуматининг тажрибаси диққатга сазовордир. 2000 йилда Англия банки давлат Ҳазначилиги билан ҳамкорликда бу тармоқни ривожлантиришнинг имконият ва муаммоларини кўриб чиқиш бўйича ишчи гуруҳи ташкил қилди ва 2003 йилда мамлакат солиқ ва бошқариш тизимига шу мақсадга мувофиқ қатор ўзгартиришлар киритилди. Бугунги кунга келиб Буюк Британияда 20 га яқин банк-молия муассасалари (жумладан Standard Chartered, HSBC, BNP Paribas каби дунёнинг етакчи анъанавий тижорат банклари ҳам махсус ислом дарчалари орқали) ислом дини талаблари доирасида мусулмонларга хизмат кўрсатмоқда. Мамлакат аҳолисининг 5%ни ҳам ташкил қилмайдиган мусулмонлар банк-молия тизимига катта иқтисодий фойда келтирмаса ҳам, нафақат анъанавий, балки ислом банк-молиясида ҳам етакчилик қилаётган Буюк Британия дунёнинг молиявий маркази деган номга лойиқлигини кўрсатади, ҳамда мусулмонларга

---

<sup>17</sup> [https://www.refinitiv.com/content/dam/marketing/en\\_us/documents/gated/reports/report-2021-all-color2.pdf](https://www.refinitiv.com/content/dam/marketing/en_us/documents/gated/reports/report-2021-all-color2.pdf)

танлаш имконияти тақдим қилган ҳукуматга мусулмон оламида катта сиёсий манфаатларга эга бўлиш имконини беради.

Ўзбекистонга кўшни бўлган давлатлар, жумладан Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонда ҳам мавжуд банк-молия тизимига кўшимча сифатида ислом молия тизимини жорий қилиш бўйича тегишли қонунлар қабул қилинган ва ушбу мамлакатларда ислом молия муассасалари фаолият кўрсатмоқда.

Бугунги кунда, ислом молияси энг ривожланган мамлакатларнинг бештаси Малайзия, Индонезия, Саудия Арабистони, Баҳрайн ва БАА ҳисобланади<sup>18</sup>. 2019 йил Индонезия ислом молияси соҳасида саводхонлик ва хабардорлик даражасининг юқорилиги туфайли биринчи марта иккинчи ўринга кўтарилди.

Шу билан бирга, бугунги кунда ҳеч бир мусулмон давлатида (яъни Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатларда) ислом молия тизими тўлиғича жорий қилинмаган. Яқин пайтгача дунёнинг фақат иккита давлатида ислом молия тизими тўлиқ жорий қилинган эди: Эрон Ислом Республикаси ва Суданда. Аммо Эрон Ислом Республикаси мамлакат доирасида тўлиқ ислом молия тизимини жорий қилган деб эълон қилган бўлсада, бунга шартли равишда ишониш мумкин. Чунки,

- Эрон ўзининг бошқа давлатлардаги ваколатли банк бўлимларида анъанавий банк-молия тизими талаблари асосида фаолият юргизади<sup>19</sup>;
- Ислом молия тизими тўлиғича фаолият юритмоқда дейиш учун ўзаро ёрдамга асосланган ислом суғурта тизими – *такафул* ҳам жорий қилинган бўлиши керак, лекин Эрон шиа<sup>20</sup> уламолари ислом динининг сунний мазҳаби

---

<sup>18</sup> [https://www.refinitiv.com/content/dam/marketing/en\\_us/documents/gated/reports/report-2021-all-color2.pdf](https://www.refinitiv.com/content/dam/marketing/en_us/documents/gated/reports/report-2021-all-color2.pdf)

<sup>19</sup> Бунга, Эрон “Содерот” банкининг Ўзбекистонда анъанавий банк сифатида фаолият юритаётган шўба банки “Садерат банк” мисол бўлиши мумкин.

<sup>20</sup> “Шиа” луғатда «гуруҳ, тарафдорлар» деган маъноларни билдиради. Исломдаги суннийликдан кейин турадиган асосий йўналиш номи. Ҳозир жаҳондаги мусулмонларнинг қарийб 8 фоизи шиалардир. Шиалик милодий еттинчи аср охирларига келиб, Ироқ ва Эрон ҳудудларида кенг тарқалди ҳамда мустақил диний йўналишга айланди.

уламоларидан фарқли равишда анъанавий суғурта тизимини шаръий жиҳатдан жоиз (яъни қўллаш мумкин) деб ҳисоблашади<sup>21</sup>.

Суданда эса турли сиёсий жараёнлар туфайли ҳолат янада мураккаб бўлди, яъни тўлиқ ислом банк-молия тизимига эга бўлган ушбу давлат 2021 йилнинг бошида икки тизимли банк тармоғини ривожлантириш йўлига ўтишини эълон қилди. Бу Судан давлат банк тизимини такомиллаштириш ва анъанавий банкларни мамлакатга жалб қилиш мақсадида қилинаётганлиги билан изоҳланди<sup>22</sup>.

Демак, ҳозирда бирорта давлатда ҳам ислом молия тизими тўлиғича жорий қилинмаган, ислом банк-молия муассасалари фаолият кўрсатаётган мусулмон давлатлари ҳам (мас. Покистон, Саудия Арабистони, БАА, Малайзия) анъанавий банк-молия тизимидан воз кечишгани йўқ ва ушбу давлатларда дуал тизим ишламоқда.

Ҳозирча ислом банк-молия тизими ҳали етарли даражада ривожланиб улгурмаган. Лекин шу билан бирга қуйидаги омиллар ушбу тизим ривожланишининг жиддий истиқболлари борлигини кўрсатади:

- мусулмонларнинг, яъни ислом банк-молия муассасаларининг эҳтимолий мижозлари сонининг кўплиги;
- мусулмон давлатларининг улкан молиявий имкониятлари;
- ислом молия институтларининг сўнгги глобал инқирозга бирмунча яхши бардош берганлиги туфайли дунё жамоатчилигининг эътиборига сазовор бўлганлиги;
- ислом молия муассасалари даромадининг лойиҳа натижаларига боғлиқлиги;
- молиявий чайқов амалиётлари шуғулланиш ҳамда ўзини оқламайдиган даражада катта хатар ва таваккалчиликка эга бўлган лойиҳаларни молиялаштирилишининг тақиқланиши;

---

<sup>21</sup> Журавлев А.Ю. Теория и практика банковского дела. // М. 2002. 139 с.

Беккин Р.И. Исламская экономическая модель и современность. // М. 2010. 233 с.

<sup>22</sup> <https://www.reuters.com/article/sudan-economy-currency-banks-idUSC6N2FD02F>

- қимматбаҳо қоғозларни (сукук) фақат мавжуд активлар билан таъминланган аниқ лойиҳалар асосидагина чиқарилиши ва ҳ.к.з.

## **1.2. Исломда молиявий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари, ундаги тақиқ ва чекловлар**

Бугунги кунда Ислом иқтисодиёти бўйича замонавий адабиётларнинг аксарияти ислом молия маҳсулотлари, воситалари ҳамда ислом молия муассасаларини таърифлаш билан чегараланиб қолганлиги сабабли, капиталистик иқтисодиёт ва ислом иқтисодиёти фақатгина молиявий ва иқтисодий воситалар ва бир қатор тақиқ ва чекловлар билангина фарқ қилади, деган нотўғри тушунча шаклланиб қоляпти.

Бу албатта, икки иқтисодий тизим ўртасидаги фарқларнинг асл моҳиятини билмаслик ва шунингдек уларнинг асосида ётган маънавий-ахлоқий ғоя, муносабатлар ва мақсадларни тўғри тушуниб етмасликдан келиб чиқади.

Исломга биринчи кирган мусулмонлар ислом душманлари томонидан турли тазйиқларга учраганларидан сўнг улар Маккадан ўша вақтларда Ясриб номи билан танилган ва номи Мадина деб ўзгартирилган кичик бир шаҳарга кўчиб ўтдилар.

Мадина шаҳрининг янги пайдо бўлган Ислом дини пойтахти бўлиши замирида нафақат сиёсий, балки бир қанча иқтисодий омиллар ҳам ётар эди. Масалан, Мадина шимол ва жанубдан келадиган барча савдо қарвонлари учун чорраҳа бўлган, шунингдек шаҳар денгиз соҳилидан унчалик узокда жойлашмаган ва шаҳарда Маккада бўлмаган нарса – ривожланаётган агроиқтисодиёт мавжуд эди.

Мадинада биринчи бўлиб учта масжид – Кубо, Бану Салим ва Масжидун-Набавийга асос солиниши ҳам ислом иқтисодиёти шаклланишига қўшимча омил бўлди<sup>23</sup>. Ўша вақтнинг муҳити мазкур уч масжид билан боғлиқ бўлиб, инсонларга рўй бераётган ўзгаришлар ва янги тизим ҳақида тасаввурга

---

<sup>23</sup> Исмоил ибн Касир. Ал-Бидоя ва ал-Ниҳоя. // Қатар. 2015.

эга бўлиш имкониятини тақдим этарди. Зеро масжидларда ислом динига мувофиқ савдо-сотик қилиш, исломда бозор иштирокчилари ўртасидаги молиявий-иқтисодий муносабатлар қандай бўлиши кераклиги бўйича асосий тушунчаларга эга бўлиш, уларни шакллантириш бўйича билимлар ўзлаштирилди.

Ҳар қандай иқтисодиёт сиёсий барқарорлик бўлмаса таназзулга юз тутиши мумкин, шунинг учун биринчи навбатда Мадинадаги асосий жамоалар билан сулҳ тузилди ҳамда Маккадан кўчиб келган муҳожирлар ва маҳаллий аҳоли ўртасида дўстлик алоқалари ўрнатилди.

Улар ўртасида ўрнатилган алоқалар, ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий битим бўлди. Ушбу битим доирасида, мадиналик мусулмонлар ўз бойлик ва мулкларини бир қисмини Маккадан келган муҳожирларга бепул тақдим этишган. Шу орқали, барча нарсасини Маккада қолдириб келган муҳожирлар сармоя билан таъминланди. Бугунги кунда бундай амалиёт (яъни бундай сармоя ажратиш) замонавий иқтисодиётда “angel investor”лик ёки “business angel”лик деб ҳам номланади.

Ўша вақтда Мадинада 4 та бозор мавжуд бўлиб, улардан иккитаси яҳудий қабилалар томонидан, қолган иккитаси эса мусулмон бўлмаган маҳаллий аҳоли томонидан назорат қилинарди.<sup>24</sup>

Ушбу тўртта бозор Мадинанинг турли минтақаларида, аҳоли зич истиқомат қиладиган ҳудудларда жойлашган эди. Бу бозорлар уларга кириш учун сунъий тўсиқлар кўплиги, юқори даражадаги бож ва солиқлар билан машхур эди. Шу сабаб зудлик билан янги бозор ташкил этишга киришилди.

Бозор учун муносиб жой топилгандан кейин, у жой бозорлиги, у ерда савдо тўхтатилмаслиги, ҳеч кимнинг савдо қилишига тўсқинлик қилинмаслиги, адолатсиз ишлар бўлмаслиги ва солиқлар олинмаслиги ҳақида эълон қилинди.<sup>25</sup>

---

<sup>24</sup> Бадр Абдулбосит. Тарих аш-Шамил ли ал-Мадина ал-Мунаввара // Мадина 1993.

<sup>25</sup> Умар ибн Шаббоҳ. Тарих ал-Мадина. // 1399 ҳ.

Бозор учун танланган ер шаҳарнинг шимолий-ғарбий қисмида, иқтисодий жиҳатдан муҳим стратегик аҳамиятга эга жойида жойлашган бўлиб, одатда, савдо карвонлари келиб тушадиган кенг очиқ майдон бўлган. Бозор шаҳарга “кириш дарвозаси”га яқин жойида барпо этилган.<sup>26</sup>

Ушбу махсус жой нафақат маҳаллий савдогарлар учун, балки бошқа минтақадаги савдогарлар учун ҳам ўз эшикларни очган, яъни бугунги кун тилида экспорт ва импорт деб аталадиган жараён бошланишига сабаб бўлган.

Янги ташкил этилган бозорларнинг фаолият юритишига оид, ислом дини талаблари доирасидаги иқтисодий қоидалар ўрнатилган, жумладан:

- бозорни юритувчи омиллар – талаб, таклиф, рақобат ва бошқалар, марказдан бошқариладиган қандайдир тизимга бўйсунмасдан, шариатда белгиланган қоидалар доирасида эркин ишлашига рухсат берилган;
- янги иштирокчиларнинг бозорга киришига ғов бўладиган тўсиқлар, яъни кераксиз рухсатномалар бериш каби чекловлар олиб ташланган;
- барча бозор иштирокчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида айрим ширкатларга имтиёз бериш ҳам тақиқланган (маълумки, муайян тоифаларга имтиёзлар бериш амалиёти рақобатни чеклайди);
- ҳамма учун бозорда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ҳуқуқ ва имконияти тақдим этилган ва барча бозор иштирокчилари учун тенг шароитлар яратилган.

Бозорга киришдаги тўсиқларни олиб ташлаш ва бозорга эркин кира олиш тадбиркорлар учун асосий рағбат бўлди.

Бозор эгалари томонидан бозор иштирокчиларига сунъий равишда ўйлаб топилган турли хусусий солиқлар солиш тақиқланди. Чунки бу бозор эгаларининг хазинасини тўлдирадиган хусусий солиқлар эди. Бундай солиқлар фуқароларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини таъминлашга қаратилмаган бўлиб, улар одамлар орасида қайта тақсимланмас эди.

---

<sup>26</sup> Абдуллоҳ Абдулазиз ибн Идрис. Мужтама ал-Мадина фи Аҳди ал-Расул соллаллоҳу алайҳи ва саллам. // Мадина, 1992.

Ушбу амалга оширилган тадбирлар савдогарлар савдо-сотик қилиши ёки тадбиркорлар томонидан сармоя киритилиши натижасида олинадиган даромадлар ошишига, ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига ва охир-оқибат иқтисодий ўсишнинг кучайишига олиб келди ва албатта, буларнинг ҳаммаси жамият тараққиётига хизмат қилди.

Янги савдо марказларининг ташкил этилиши ортидан бозор ишларини назорат қилиш учун янги муассаса – *Ҳисба* ташкил этилди. *Ҳисба*нинг вазифаси бозорда шариат қонунларига риоя қилинишини, тартиб-интизом сақланишини ва адолатли савдо-сотик олиб борилишини таъминлаш ва назорат қилишдан иборат бўлган.<sup>27</sup>

Иқтисодиётнинг жадал ривожланиши ҳолатида молиявий қийинчиликларга дуч келган, қарздор ёки муҳтож бўлиб қолган ҳамда фавқулодда вазиятларда қолиб кетганлар ҳам бўлиши мумкин, шундан келиб чиққан ҳолда, давлат хазинасидаги маблағларнинг муайян қисмини ижтимоий ҳимояга муҳтожларга ёрдам сифатида ажратишга қарор қилинган. Ушбу манбалар *Закот*, *Садақа*, *Луқта* (йўқолган ва топилган нарсалар), *Хирож* (ер солиғи), *Жизя* (ғайридинлардан уларни ҳимояси учун олинадиган тўлов), *Ғанима* ва *Файъ* (уруш ва сария (кичик жанглар)ларда олинган ўлжалар)) ҳисобидан шакллантирилган.<sup>28</sup>

Ҳар бир фуқарога қашшоқлик домидан чиқиб кетиши учун имконият яратиш мақсадида дастлабки таъминот ва қўллаб-қувватлаш кафолатланган. Уйсизлар келиб яшашлари мумкин бўлган *вақф* уйлари (вақф шаклидаги бошпаналар) ташкил қилинган. Биринчи бундай жой ас-Суффа деб номланган, ва Мадинадаги Масжидун Набавий ичида бўлган.<sup>29</sup>

Инфратузилмани шакллантириш ва яхши ҳолатда ушлаб туриш учун давлат хазинасидан маблағ ажратилган ва бу ишлар орқали иқтисодиётни

---

<sup>27</sup> Ал-Қарний. Ал-Ҳисба фил-Мозий вал-Ҳозир. // Мадина. 1411х.

<sup>28</sup> Алоуддин ибн Муҳаммад Абубакр ибн Масъд Косоний Ҳанафий. Бадоиъус Санойй. // Байрут. Дарул Кутуб ал-Илмия. 2003.

<sup>29</sup> Муҳаммад ибн Юсуф Ал-Солиҳий Аш-Шомий. Субух ал-Худа вар-Рошад. // Қоҳира. 1997.



ривожлантириш учун яхши инфратузилма муҳимлиги амалда кўрсатиб берилган.

Амалга оширилган ишлар кучли иқтисодиёт дин ва фуқароларни химоя қилишнинг асоси эканлигини амалда кўрсатиб берди. Эътибор бериладиган жиҳати шуки, масжидлар бунёд этилганидан сўнг дархол бозор ва бошқа иқтисодий муассасалар ташкил этиш бошланган. Ушбу амалга оширилган ишлар, мусулмонлар нафақат ибодатга, балки кучли ва ишлайдиган иқтисодий тизим яратишга ҳам жиддий эътибор қаратишлари лозимлигини кўрсатади.

Муҳаммад (с.а.в) ва у кишидан кейин жамиятни бошқариб турган Хулафойи Рошидин<sup>30</sup> даври ўтиб, Умавийлар сулоласи кудрат касб этгач, подшоҳликлар даври бошланди. Бу ҳолат, кудрат Аббосийлар қўлига ўтгандан кейин ҳам мазмунан ўзгармади. Иқтисодий ривожланиш (юксалиш) асосан экстенсив (ислом халифалигининг ҳудудий кенгайиши) ҳисобига бўлди. Исломни қабул қилган турли миллат ва элатларнинг ўзаро таъсири асосида умумминтақавий илм ва маданият доираси кенгайиб ва чуқурлашиб борди. IX-X асрларга келиб, машҳур швейцариялик шарқшунос олим, Базель университети Шарқ тиллари кафедраси мудири, профессор Адам Мецнинг таърифига кўра “Мусулмон Ренессанси” (*Die Renaissance des Islams*)да бошланди<sup>31</sup> ва бу ривожланиш то XIII аср бошларигача (яъни мўғуллар босқинигача) маълум даражада давом этди.

Айнан шу пайтга келиб, яъни XIII-XIV асрлардан бошлаб Европа жамияти турли сабабларга кўра (кўпроқ географик омиллар – ҳудудий чекланганлик ва об-ҳаво шароити туфайли), иқтисодий жиҳатдан интенсив ривожланиш йўлига ўта бошлади. Аммо мусулмон дунёсидаги иқтисодий ривожланиш асосан экстенсив (ҳудудий кенгайиш) ҳисобига бўлганлиги ва баъзи бошқа омиллар (жумладан, Европага нисбатан об-ҳавонинг деҳқончилик учун нисбатан қулайлиги) сабабли саноат моллари ишлаб

---

<sup>30</sup> Муҳаммад (с.а.в)дан кейин жамиятни бошқарган 4 халифа: Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али (р.а)лар давр шундай ном билан аталган (маъноси – тўғри йўлдаги халифалар).

<sup>31</sup> А.Мец А. Мусульманский Ренессанс (*Die Renaissance des Islâms*)// М.: Наука, 1966.

чиқариш хусусий хунармандчилик даражасидан жиддийроқ даражага кўтарилмади. Иқтисодий соҳада ҳам интенсив йўналишга ўтиш йўлида жиддий уринишлар кўзга ташланмади. XVIII-XIX асрларга келиб саноат соҳасида кескин янгиланишларга ўта бошлаган Европа эса энди янги бозорлар ва арзон хомашё топиш илинжида Осиё ва Африка қитъаларини ўзлаштиришга киришди.

Ўтган асрнинг охирида социалистик тузумларнинг кулаши ортидан Европада бир неча асрлар илгари пайдо бўлган капитализм, дунёда ҳукмрон мафкурага айланди.

Анъанавий капиталистик тизим бозор механизмлари орқали инсоннинг ҳар қандай хоҳиш-истакларини қондириш вазифасини ўз олдига қўйган бўлса, ислом иқтисодий тизими инсонларнинг хоҳиш-истаклари худди уларнинг орзу-умидлари сингари чексиздир ва шу сабабли уларнинг барчасини рўёбга чиқаришга интилиш тўғри эмас ва инсоннинг дунёдаги асл мақсади ҳам бу эмас, балки яхши амаллар орқали Аллоҳ розилигини топишга ҳаракат қилишдир деган ёндашувдан келиб чиқиб ҳаракат қилади. Инсоният тарихига назар соладиган бўлсак ҳам, инсонларнинг хоҳиш-истаклари қарама-қаршиликларга тўла ва уларнинг аксарияти инсоният учун зарарли ва ҳалокатли эканлигига амин бўлишимиз мумкин.

Маълумки, иқтисодиётдаги асосий саволлар – “нима”, “қандай қилиб” ва “ким учун ишлаб чиқариш керак”, деган саволлардир. Бу саволлар ҳар қандай иқтисодий тизим - капиталистик иқтисодиёт бўладими, социалистик иқтисодиёт бўладими, ислом иқтисодиёти бўладими ёки аралаш иқтисодиёт бўладими, фарқи йўқ, барчасининг олдида туради. Бироқ турли иқтисодий тизимлар бу саволларга турлича ёндашув асосида ечим беради. Агар капиталистик тизим гедонизмни, яъни шахснинг худбин манфаатларини жамият манфаатларидан устун қўйса, социалистик модель жамият манфаатларини устувор деб билади ва шахс эркинлигини бўғади.

Ислом иқтисодий тизимининг ўзига хос жиҳати шундаки, у инсонларнинг моддий эҳтиёжларидан ташқари руҳий, маънавий ва ижтимоий

эҳтиёжларини ҳам инобатга олади ва шу сабабли эркин бозор қонунларини маъқуллаган ҳолда, жамият манфаатларини таъминлаш ҳамда шу эркин бозорда йўл қўйилиши мумкин бўлган тутуриқсизлик ва адолатсизликларни олдини олиш мақсадида муайян маънавий-ахлоқий чегаралар ўрнатади.

Ислом иқтисодиётининг мақсади маънавий масъулиятга эга бозор иқтисодиёти тизимини яратиш дейиш мумкин. Ислом иқтисодиётида бойликларнинг жамият ичида адолатли тақсимланишига алоҳида эътибор қаратилади, бусиз ижтимоий барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлаш мумкин эмас, деб ҳисобланади.

Бойликларни яратиш ва тақсимлашнинг энг адолатли усули бу бизнес-шерикчиликдир, чунки бунда, амалга оширилган фаолият самараси барча шериклар ўртасида адолат билан тақсимланиши учун шароит яратилади ва бир тараф иккинчи тарафни молиявий жиҳатдан эксплуатация қилишининг асосий кўринишлари олди олинади.

Ислом иқтисодиётида бойликларнинг бойлардан камбағал ва ижтимоий ҳимояга муҳтож табақаларга қайта тақсимланиши асосан қуйидаги усуллар ёрдамида амалга оширилади – *закот, садақа, қарзи ҳасан* (фоизсиз қарз), *такафул* ва *вақф*.

Ислом иқтисодиёти шариат аҳкомлари, яъни ислом ҳуқуқи тамойилларига асосланади.

Шариат ислом динининг ажралмас бўлаги бўлиб, Қуръон, саҳиҳ (ишончли) ҳадислар, шунингдек ислом олимларининг ижтиҳодларига (илмий-ҳуқуқий хулоса) асосланган қоидалар мажмуидир.

Фикҳ ал-муомала – одамлар ўртасидаги муносабатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятларга оид қоидалардир.

Фикҳ ал-муомала қуйидаги расмда кўрсатилгандек бир қанча бўлимлардан ташкил топган бўлиб, иқтисодий-молиявий масалалар муомалотга тегишлидир.



## 1.2-расм. Исломда иқтисодий-молиявий муносабатлар<sup>32</sup>

Ислом дини инсон ҳаёти ва фаолиятининг ҳар бир жабҳаси каби унинг молиявий-иқтисодий фаолиятини ҳам муайян маънавий-ахлоқий чегаралар орқали тартибга солади ва унинг моддий бойликлардан фойдаланишида турли адолатсизликлар келиб чиқишининг олдини олишга қаратилган молиявий-иқтисодий тамойилларни белгилаб беради.

Ислом иқтисодиёти *рухсат этилган* – ман қилинган мезонларидан келиб чиққан ҳолда *ҳалол* ва *ҳаром* нималигини белгилайди ва инсонга ана шу *ҳалол*ни энг самарали ва ислом дини нуқтаи назаридан тўғри усуллар билан муайян чекловларга амал қилган ҳолда қўлга киритишга, *ҳаромдан* эса қочишга чорлайди. Шундай қилиб, ислом иқтисодиёти шахсий эркинлик, тадбиркорлик руҳи, хусусий мулк, шахсий манфаат, қилинадиган саъй-ҳаракатлар ва мукофот ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқликни белгилайди.

<sup>32</sup> Ушбу расм муаллиф томонидан, Др. Асиф Заманнинг “Ислом молиясининг концептуал асослари” номли илмий иши асосида тайёрланган.

Бошқа тарафдан эса, ислом иқтисодиёти муайян ахлоқий чекловлар ўрнатиш орқали турли даражаларда ижтимоий адолатни таъминлашга хизмат қилади.

Бундан келиб чиққан ҳолда, ислом иқтисодиёти – ислом дини аҳкомларига асосланган, жамиятнинг тараққиётига хизмат қиладиган, унинг аъзолари орасидаги иқтисодий муносабатларни белгилаб берадиган ҳамда тартибга соладиган яхлит тизим деб эътироф этиш мумкин.

Ислом молия тизимидаги асосий тақиқлар қуйидагилардир:

- Пулнинг моҳиятини ўзгартириш, яъни уни айирбошлаш воситасидан савдо қилинадиган маҳсулотга айлантириш;
- Таваккалчилик қилмасдан, хавф-хатарни зиммага олмасдан, реал иқтисодий фойда яратмасдан ёки шундай яратишни рағбатлантirmасдан пул топиш;
- Ўзи эгалик қилмайдиган мол-мулкни сотиш;
- Фақат тасодифга таянган ҳолда пул топиш (қимор, лотерея);
- Томонлар ўртасида хавф-хатарларни адолатли тақсимлаш ўрнига уни ўзгалар зиммасига ўтказиб юбориш орқали пул топиш;
- Ҳаётнинг барча асосий жабҳаларида бошқа шахс ва/ёки жамиятга таҳдид соладиган ёки зарар келтирадиган нарсалар ортидан пул топиш;
- Эҳтикор (яъни монополия) қилиш;
- Ҳийла, алдаш, маълумотни/ҳақиқатни яшириш, қаллоблик ва бошқа шу каби найранглар ишлатиб пул топиш;
- Ҳақиқий иқтисодий фойдани яратиш билан боғлиқ бўлмаган, ортиқча хатар-таваккалчиликни зиммага олиш;
- Олдини олиш мумкин бўлган ҳар қандай ноаниқлик, мавҳумликка йўл қўйиш;
- Исроф қилиш.

Ушбу тақиқларнинг асл мақсади умумий ижтимоий-иқтисодий манфаат, мувозанат, барқарорлик, бирлик ва фаровонликка эришишдир. Қолган барча нарсалар жоиз (мумкин)дир.

Ислом молиясида яна шундай қатъий тақиқлар мавжудки, уларнинг мавжудлиги битим ёки савдо амалиётини бекор қилиб юборади. Улардан асосийлари *рибо*, *гарар*, *майсир* ва *габн*.

Ислом молияси ва бизнеси асослари, жумладан, иқтисодий/бизнес фаолиятни шариат доирасида тартибга солиш мақсадида ўрнатилган асосий меъёрий ва ахлоқий чеклов ва рағбатлантириш механизмлари мавжуд бўлиб, баъзи асосий чекловлардан ташқари, ноҳақ равишда манфаатга эришишнинг олдини олиш ва адолатсизликка йўл қўймаслик мақсадида ислом ҳуқуқи яна бир қанча чегара ва меъёрий тақиқлар ўрнатган. Шундай тақиқлардан бири, жуда кўпчиликка маълум бўлган, замонавий банк-молия соҳасида фоиз, истилоҳда судхўрлик деб аталувчи *рибонинг* ман қилинишидир.

Мусулмон олимлари орасида *рибонинг* тақиқланиши масаласида ҳеч қандай зиддият йўқ. *Рибо* сўзи тақиқланган фойда маъносида Қуръонда савдодан кўриладиган фойда маъносига қарама-қарши қўйилган. Ислом уламолари *рибони* икки тоифага, яъни *рибо ан-насия* ва *рибо ал-фазлга* бўлишади.

*Рибо* сўзининг маъноси ҳаддан зиёд деганидир. Шариатда эса берилган қарз/кредит устига оз миқдорда бўлса ҳам қўйилган қўшимча (устама/фоиз)ни англатади.

Насия сўзининг маъноси эса, шартномада кўрсатилган маҳсулотнинг етказиб берилиш муддати кечиктирилишидир. Шундай қилиб, «*рибо ан-насия*» қарз муносабати асосидаги алмашинув жараёнида кечиктирилган муддат учун қўшимча ҳақ олиш орқали фойдага эришишдир. Анъанавий банкларнинг фоиз асосидаги қарз бериш амалиёти *рибо ан-насия*нинг айна ўзи бўлиб, бунда қарздор кредит шартномаси бўйича асосий қарз тўлови устига қўшимча пул (фоиз) ҳам тўлайди.

Аҳоли ва корхоналар фаолиятида вужудга келадиган барча турдаги молиявий амалиётларни икки турга бўлиш мумкин: а) Савдо ва тадбиркорликдан келадиган фойда ва у билан бирга вужудга келадиган мажбуриятлар – рухсат этилган, б) Пул ёки мол кўринишида берилган қарз

маблағлари ва шу берилган қарз натижасида (яъни бизнес фаолият натижасига боғлиқ бўлмаган ҳолда) олинган даромад/фойда – тақиқланган.

Асосий муаммо, мана шундай амалиётларнинг бир биридан фарқини ажрата олишда.

Насия рибосига изоҳ ва мисоллар (Рибо ан-насия)		
Айирбошлаш амалиёти	Етказиб бериш вақти	Ҳукми
\$100 га 1,000,000 сўм	Қўлма-қўл (спот)	Рибо йўқ
\$100 га 1000,000 сўм	Кечиктирилган	Рибо
100 тонна буғдой 100 тонна буғдой	Қўлма-қўл (спот)	Рибо йўқ
100 тонна буғдой 100 тонна буғдой	Кечиктирилган	Рибо
100 тонна буғдой 150 тонна арпа	Қўлма-қўл (спот)	Рибо йўқ
100 тонна буғдой 150 тонна арпа	Кечиктирилган	Рибо

### 1.3-расм. Насия рибоси кўринишлари<sup>33</sup>

*Рибо* қарз устига фоиз қўйиш билангина чегараланмайди. Хусусан, *рибо* айирбошлаш амалиётларида ҳам вужудга келиши мумкин бўлиб, бу айниқса бугунги кунда валюта айирбошлаш амалиётида кўп учрайди.

Савдо шартномаларида ва бошқа алмашув амалиётларида пайдо бўладиган *рибо* (қўшимча)га *Рибо ал-Фазл* дейилади. Амалда, *рибо ал-фазл*, қуйидаги ҳадисда айтилганидек, бир жинсдаги маҳсулотларни алмаштиришда ёки олди-сотдисидида зиёда олишдир.

Муҳаммад алайҳиссалом: «Олтинга (тенг қийматдаги) олтин, кумушга (тенг қийматдаги) кумуш, буғдойга (тенг қийматдаги) буғдой, арпага (тенг қийматдаги) арпа, хурмога (тенг қийматдаги) хурмо, тузга (тенг қийматдаги) туз, ўхшашига ўхшаш, тенгма-тенг, қўлма-қўл. Бас, ким зиёда қилса ёки зиёда қилишни талаб қилса, батаҳқиқ, *рибога* йўл қўйибди. Уни олувчи ҳам, берувчи ҳам барибир» деганлар<sup>34</sup>. Бу ҳадисга биноан ушбу олтига маҳсулот олди-сотдиси тенгига тенг ва қўлма қўл (яъни жойида) бўлиши керак.

<sup>33</sup> Ушбу расм муаллиф томонидан тайёрланган.

<sup>34</sup> Абу Исо Ат-Термизий, Сунани Термизий шарҳи. // Т.: Ирфоннашр, 2021.

Баъзи олимлар ушбу олти маҳсулотнинг умумий хусусиятлари *рибо ал-фазл* учун иллат (асос) бўлиши мумкин дейишади. Иллат, бу маълум бир воқеа, ҳодисанинг умумий белгиси / хусусияти бўлиб, барча шундай умумий хусусиятга эга ҳолатларда қиёс, яъни аналогия асосида ҳукм чиқарилади.

Шундай қилиб, *рибо* моллари – *рибо* қоидаларини қўллаш учун асос ҳисобланади. Ислом динининг ханафийлик мазҳабида фақат иккита умумий хусусият: оғирлик ва миқдор олинади. Яъни, ушбу олтига маҳсулот оғирлик ёки миқдорга қараб (асосланиб) сотилади. Шу сабабли, оғирлик ёки миқдорга эга бўлган барча маҳсулотлар ўз жинсидаги маҳсулотларга айирбошланса / олди-сотди қилинса, *рибо-ал-фазл* қоида-сига тушади.

Имом Нававий<sup>35</sup>. “Саҳиҳи Муслим”га<sup>36</sup> ёзган шарҳида ушбу қоидаларни қуйидагича изоҳлайди:

1. Алмашинаётган икки маҳсулотнинг асосий иллоти турлича бўлса, ундай алмашинувда (масалан, буғдойни олтинга ёки долларни автомобилга алмашиш) етишмаслик, зиёдалиқ ёки маҳсулот етказиб беришда узилишга (яъни тўлов билан маҳсулотни етказиб бериш орасидаги узилиш) йўл қўйиш мумкин (яъни қўлма-қўл бўлиши шарт эмас);

2. Алмашинадиган маҳсулотлар бир жинсли бўлса (масалан: олтинга олтин, буғдойга буғдой, долларга доллар), у ҳолда зиёдалиқ ҳам, етказиб беришда узилишга йўл қўйиш ҳам тақиқланади;

3. Алмашинаётган маҳсулотлар турлича бўлса-ю, лекин уларнинг умумий хусусиятлари (яъни иллоти) бир хил бўлса (масалан олтин-кумуш, доллар-сўм ёки буғдой-гуруч), у ҳолда зиёдалиқ ёки камомад жоиз, аммо узилиш (кечкиш) мутлақо мумкин эмас.

---

<sup>35</sup> Фақиҳ ва муҳаддис Яҳё ибн Шарофиддин ибн Муррий ибн Ҳасан ал-Ҳизомий ал-Ҳувроний ан-Нававий Ҳозирги Сурия давлати ҳудудида ҳижрий 631-йил (мелодий 1234й.)да тавваллуд топган олим;

<sup>36</sup>Абу Ҳусайн Муслим ибн Ҳажжож, Саҳиҳ Муслим. // Байрут. 1991.



Бир жинсли маҳсулотларни айирбошлашдаги талаблар			
Пул бирлигини (валюта) пул бирлигига		Озиқ-овқат маҳсулотини озиқ-овқат маҳсулотига	
Мазмуни	Талаб	Мазмуни	Талаб
Бир пул бирлиги (сўмни сўмга)	✓ Қўлма-қўл (спот) амалиёт ✓ Тенг миқдорда	Бир хил озиқ-овқат маҳсулоти (буғдойни буғдойга)	✓ Қўлма-қўл (спот) амалиёт ✓ Тенг миқдорда
Турли пул бирликлари (сўмни долларга)	✓ Қўлма-қўл (спот) амалиёт	Турли озиқ-овқат маҳсулотлари (буғдойни арпага)	✓ Қўлма-қўл (спот) амалиёт

#### 1.4-расм. Рибо ал-фазлдан сақланишдаги талаблар<sup>37</sup>

Бир жинсдаги маҳсулотларнинг алмашинуви, асосан уларнинг сифат ва хусусиятлари бир биридан фарқ қилсагина керак бўлади. Масалан, гуруч ёки буғдойнинг турли навлари, юқори сифатли олтин/кумуш – паст сифатли олтин/кумуш, кон тузи – денгиз тузи ва бошқалар. Бир жинсдаги маҳсулотларни алмашишда, агар улар тур жиҳатдан ўзаро фарқ қилмаса, унда нотенглик тақиқланади. Бунинг сабаби шундаки, бу маҳсулотларни тенг бўлмаган миқдорда алмаштириш одамларда ислом дини нуқтаи назаридан ҳалол бўлмаган даромад топиш иштиёқининг пайдо бўлишига олиб бориши мумкин. Мисол учун, бир фирибгар бирор машҳур компания томонидан қадоқланган сифатли буғдойнинг бир килограми бошқа хил буғдойнинг 3 килограмига тенг бўлади деб даъво қилиши ва шу билан одамларни алдаб уларга зарар етказиши мумкин. Бундай ҳолатларни олдини олиш учун исломда махсус қоидалар ишлаб чиқилган. Ушбу қоидаларга асосан, бир хил жинсдаги аммо турли сифатга эга маҳсулотларни алмаштириш қуйидаги кўринишдагина амалга оширилиши мумкин:

- Қиймат ва сифатдаги ҳар қандай фарқ эътиборга олинмайди ва маҳсулот тенг миқдорда алмаштирилади (яъни тенг оғирлик ёки ҳажмда);

<sup>37</sup> Ушбу расм муаллиф томонидан тайёрланган.

- Бир жинсдаги маҳсулотларни тўғридан-тўғри алмаштириш ўрнига, маҳсулот эгаси ўз молини бозор нархида сотиши ва тушган пулга бошқа бировнинг молини сотиб олиши керак;
- Маҳсулот қайта ишлаш жараёнида бутунлай ўзгариб кетган бўлса, масалан, пахта матога ёки темир бирор дастгоҳга айланган бўлса, оз миқдордаги матони кўпроқ миқдордаги пахтага ёки кўп темир-терсакни тайёр дастгоҳга алмаштиришда муаммо йўқ.

<b>Рибо ал-фазлга изоҳ ва мисоллар</b>		
<b>Айирбошлаш амалиёти</b>	<b>Миқдори</b>	<b>Ҳукми</b>
Сўмга сўм	Тенг	Рибо йўқ
Сўмга сўм	Тенг эмас	Рибо
Сўмга \$	Тенг эмас	Рибо йўқ
Буғдойга буғдой	Тенг	Рибо йўқ
Буғдойга буғдой	Тенг эмас	Рибо
Буғдойга арпа	Тенг	Рибо йўқ
Буғдойга арпа	Тенг эмас	Рибо йўқ

### **1.5-расм. Рибо ал-фазлга изоҳ ва мисоллар<sup>38</sup>**

Турли жинсдаги маҳсулотлар тенг бўлмаган ҳолда алмаштирилиши мумкин, лекин бунда тўлов кечиктирилиши тақиқланади. Масалан, бир кг буғдой 2 кг хурмога алмаштирилиши ёки бир грамм олтин 4 гр кумушга алмаштирилиши мумкин, чунки бу спот (яъни бозор нархида савдо жойининг ўзида амалга оширилган) амалиёти ҳисобланади. Шунга қарамасдан агар ушбу алмашинувлар қарзга амалга ошириляётган бўлса, унда бу ҳолат бевосита рибо ҳисобланади. Масалан, харидор 100 грамм кумушни бугун қарзга олиб, бир ойдан сўнг 4 грамм олтин билан қайтармоқчи бўлса, бир ойдан кейин 100 гр кумуш 4 гр олтинга тенг бўлишига ҳеч қандай кафолат йўқ, чунки ҳар қандай ҳолат юз бериши мумкин. Шу сабабли, турли жинсдаги маҳсулотларни жойида (дарҳол) алмаштириш қоидаси жорий этилган.

<sup>38</sup> Ушбу расм муаллиф томонидан тайёрланган.

Исломда фоиз (рибо)нинг тақиқланишининг мантиқи ёки мақсади юзасидан турли фикрлар билдирилган. Умуман олганда, ижтимоий-иқтисодий адолат, одил тақсимот, шунингдек иқтисодий барқарорликни таъминлаш каби мақсадлар рибонинг тақиқланишига асос бўла олади, деб ҳисобланади. Барча шу мавзуга тегишли матнларни ва ислом қонунчилиги тамойилларини инобатга олган ҳолда, бунинг асл сабаби – одил тақсимот, яъни рибонинг таъқиқланиши жамиятдаги бойликлар бир гуруҳ кишилар қўлида тўпланиб қолишини олдини олиш учун керак дейиш мумкин.

Буюк Британиялик ёзувчи ва мутафаккир Жеймс Робертсон рибога асосланган тизимнинг бойлар манфаати йўлида қандай хизмат қилиши ҳамда жорий молиявий тизимнинг ишлаш тамойилларини қуйидагича тасвирлаб берган:

"Рибонинг замонавий иқтисодиётдаги қамрови ва аҳамияти шундаки, бу тизимда пуллар мунтазам равишда пули камроқлардан пули кўпроқларга оқиб ўтиб туриши таъминланади. Бунда, қарз бериш учун пул маблағи борлар, маблағи кам бўлганларга нисбатан фоизга (рибога) кўпроқ қизиқишади, чунки бу орқали улар даромад топишади, пули камроқлар эса кўпроқ қарз олишга мажбур бўлишади ва кредитлар бўйича фоизларни ҳам тўлашади, бунга улар ҳатто бошқа маҳсулот ва хизматларга сарф қилганидан ҳам кўра кўпроқ маблағ сарфлашади. Шундай қилиб, пул маблағлари оқими бир томонга қараб секин аста оқиб ўтаверади"<sup>39</sup>.

Қарзга асосланган молия тизими туфайли юзага келган салбий оқибатлар ҳозирги замон иқтисодчиларининг кўпини тизимни ўзгартириш ва сармоявий шерикчилик тамойилига асосланган тизимга ўтиш кераклиги ҳақида гапиришга мажбур қилмоқда. Шу ўринда, Жеймс Робертсоннинг яна бир фикрини келтириб ўтиш мумкин:

"Фоиз (рибо)ни бутун иқтисодиёт доирасида жиддий равишда чеклаш жуда ҳам маъқул иш бўларди. Масалан, олинган қарзларни сармоявий

---

<sup>39</sup> James Robertson, *Future Wealth: A new Economics for the 21st Century* // 1990. 130-131 pp.

шерикчиликка айлантириш орқали. Бу ислом таълимотига ҳам, рибо гуноҳ саналган насронийликнинг илк таълимотига ҳам мос келади. Гарчи амалда бу жуда қийин бўлиши ва узок вақт талаб қилиши мумкин бўлса-да, бу масалани жиддий ўрганиб чиқиш учун етарли асослар мавжуд"<sup>40</sup>.

Ислом молиясидаги навбатдаги тақиқ *гарар* деб номланади. Ғарар арабча сўз бўлиб кенг маъноли тушунча бўлиб, ўзбек тилига сўзма-сўз таржима қилинганда алдов, ҳаддан ошиқ таваккалчилик, товламачилик / қаллоблик, ноаниқлик / мавҳумлик ёки хавф-хатар маъноларини билдириб, ҳар қандай тадбиркорлик фаолияти ёки шартномада унга йўл қўйилиши томонлардан бирининг асоссиз йўқотишларига, бошқа томоннинг эса адолатсиз бойишига олиб боради.

*Ғарар* шартнома мавзусига тегишли турли масалалар тафсилоти, томонларнинг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари, шартноманинг якуний натижаси ҳақида ноаниқликларни ўз ичига олади. Ғарар кўриниши мавжуд бўлган ҳар қандай савдо ёки бизнес келишувлари қатъий тақиқланади. Шариат уламоларига кўра, шартноманинг тақиқланиши унинг асосий жиҳатларида хатар ёки ноаниқликнинг меъёридан ортиқ бўлиши ва шу сабабли шартноманинг умумий жиҳатларига таъсир қилиши билан изоҳланади. Жаҳолат, яъни билимсизлик *гарар*нинг бир қисмидир ва шартноманинг табиати, шартлари, жиҳатлари, тафсилоти ва ҳ.к.з.ларни аниқ-тиниқ тушунмаслик/билмасликни англатади.

*Ғарар* ҳаддан ошиқ/ўта ёки оз даражада бўлиши мумкин, яъни унинг битимга бўлган таъсири шартномани йўққа чиқарадиган даражада бўлиши ҳам бундай бўлмаслиги ҳам мумкин.

Шариатда битим шартларини амалга оширишни хавф остида қолишига сабаб бўладиган даражадаги *гарар* аралашган шартнома тузилишига рухсат берилмайди. Савдо, ижара ва шерикчилик шартномалари (яъни икки томонлама шартномалар) кабиларга *гарар* таъсир қилади, аммо

---

<sup>40</sup> James Robertson, Transforming Economic life: a Millennial Challenge // 1998. 80 p.

хайрия/грант/ҳадя каби бир томонлама шартномаларга таъсир қилмайди. Нега *ғарар* бир томонлама шартномаларда кузатилса ҳам рухсат этилади, лекин икки томонлама шартномаларда таъқиқланган, деган саволга жавоб шуки, икки томонлама шартномалар натижасида мол-мулк алмашинуви содир бўлади ёки манфаатга (даромад) эга бўлинади. Шу сабабли бундай амалиётларда ҳаддан ошиқ *ғарар*га қўл қўйилмайди, чунки бу, шартнома томонларининг бири қўллаган алдов ва ҳийла-найранг сабабли ҳар икки томон учун ҳам хатарли бўлиши ва зарар келтириши мумкин.

Бир томоннинг беғараз шартнома бўйича мажбурияти ихтиёрийдир. Бу шартноманинг асосий хусусияти, бир томон иккинчи томонга ўз мулкани ихтиёрий равишда хайр-эҳсон қилиши мумкинлигидадир. Бунда хайр-эҳсон қилувчи ўзининг ҳар мулкани ҳеч қандай тўловсиз бошқа томонга ўтказиб бериши мумкин. Шу сабабли бундай шартномаларда *ғарар*га йўл қўйилиши мумкин (агар бу фирибгарлик бўлмаса албатта), чунки бундай битимларда қабул қилувчи томоннинг зарар кўриш хавфи йўқ.

Бундай шартномалар тоифасига: совға, васият, вақф, хайрия (эҳсон/садақа), жуъала, кафолат ва қарз киради. Бунда совға қилувчи томон совға юзасидан муайян бир шартлар ўрнатиши мумкин (масалан фалон натижага эришсанг мен сенга қандайдир қимматбаҳо совға бераман, дейиш). Бундай шартлар *ғарар* кўринишларига эга бўлиши мумкин (масалан, қачон ва қандай ҳолатда совға иккинчи томонга берилиши юзасидан). Бундай бир томонлама хайрия шартномаларида иккинчи томоннинг ҳеч қандай йўқотиш ёки молиявий зарар кўриш хавфи бўлмаганлиги учун *ғарар*нинг мавжуд бўлишига тақиқ йўқ.

Ғарарнинг ҳаддан ортиқ бўлиши, унинг шартномада жиддий тортишув ва келишмовчиликларга сабаб бўладиган даражада катта бўлиши ва шу сабабли шартноманинг бузилишига олиб келишидир.

Буни қуйидаги мисолларда кўриш мумкин:

- ҳуқуқий ёки ҳақиқий эгалиги бўлмаган (яъни сотувчининг тасарруфида бўлмаган) маҳсулот савдоси;

- савдо пайтида мавжуд бўлмаган ёки бўлишига кафолат йўқ бўлган маҳсулот савдоси;
- харидорга молни кўриш ёки уни (яъни молни) тўлиқ тавсифини (жинси, тури, хусусиятлари, белгилари, серия рақами, русуми, синфи ва бошқа ўзига хос жиҳатлари каби) олиш имкониятини тақдим қилмасдан савдо қилиш;
- миқдори аниқ бўлмаган маҳсулот савдоси;
- маҳсулот нархи, ҳажми, пул бирлиги (яъни савдо қайси пул бирлигида амалга оширилиши) ва ҳ.к.з. аниқ бўлмаган савдо;
- тўлов шартлари аниқ бўлмаган савдо;
- амал қилиш муддати кўрсатилмаган савдо шартномаси;
- маҳсулотни етказиб беришнинг аниқ ёки эҳтимолий имкони йўқлиги.

Шартномаларда ҳаддан ортиқ *ғарар*нинг кўринишлари қуйидагилардан иборат:

а) Икки савдони бир савдода жамлаш.

Икки савдони бир савдога бирлаштириш шартномани бекор қилади. Бунинг мисоли қуйидагича: шартномада икки хил тўлов шартидан бирини аниқ белгиламай, “нақд пулга бир миллион сўм, насияга икки миллион сўм”, деб нарх кўрсатиш. Бундай шартноманинг тақиқланишининг сабаби - бу нархнинг мавҳумлиги сабаб юзага келган *ғарар*, чунки харидор шартнома бўйича қайси нархда тўлов амалга оширилиши кераклигини аниқ билмайди. Битта шартномада икки хил савдони, масалан, шартнома тузаётган томонлар ўртасида олди-сотди ва ижара битимларини бирлаштириш ҳам ғарар ҳисобланади.

б) Шартли савдо.

Мазкур савдода сотув шартли бўлади, яъни бир нарсанинг савдосини бошқа бир ноаниқ воқеага, агарда, қачонки каби сўзлар воситасида боғлаб шартли қилиб қўйилади.

Кичик *ғарар* - бу *ғарар* даражаси бўлиб, бу даражадаги *ғарар*дан шартномаларда деярли қочиб қутулиб бўлмайди ва бундай *ғарар* тортишувларга сабаб бўладиган даражада ҳам бўлмайди. Бундай ғарарга

уйнинг пойдеворини кўрмаган харидорга ўша уйни сотиш (чунки аксарият ҳолларда буни иложи йўқ) ёки шартномада “уй бир ойга ижарага берилади” деб кўрсатиш (ваҳоланки, ойлар 28, 29, 30 ёки 31 кун бўлиши мумкин) мисол бўла олади. *Ғарар*нинг бундай турлари шартномага таъсир қилмайди.

Шундай қилиб, *ғарар*ни ўз ичига олган шартномаларнинг яроқли ёки яроқсизлиги бўйича қарор қуйидагиларга асосланади:

а) агар ҳолат *ғарар*ни тақозо этса ва ундан катта харажатларсиз қутулиб бўлмаса, у ҳолда *ғарар*га рухсат берилади ва бундай шартномалар кучга эга ҳисобланади (масалан *салам* ёки *истисна* шартномалари);

б) агар *ғарар* аҳамиятсиз (яъни кичик) бўлса савдо бекор бўлмайди;

в) акс ҳолда савдо бекор бўлади.

Ислом молиясида ҳаддан ортиқ *ғарар*ни ўз ичига олган шартномалар тузишга фақат кучли зарурият (эҳтиёж) туфайлигина рухсат берилган. Бундай шартномаларнинг иккита асосий тури мавжуд бўлиб булар *салам* ва *истисна* шартномаларидир<sup>41</sup>.

Ислом молиясидаги яна бир асосий тақиқ – бу *майсир* деб номланади. Азалдан *майсир* (арабчадан сўзма-сўз таржима қилганда – қимор) исломгача бўлган даврда етарли даражада оммабоп бўлган қимор ўйинини ўзида гавдалантиради.

Мусулмон иқтисодчилари *майсир* деганда бирон-бир тасодиф натижасида, ҳеч қандай меҳнат ва маблағ сарфланмай, сармоя киритилмай пайдо бўлган даромадни тушунадилар. Шунингдек, казино (қиморхона)да турли ўйинларни ўйнаб пул ютиб олишлар, лотерея билетларига чиққан ютуқлар, дериватив битимлар (фьючерслар, своплар) бўйича олинган фойдалар ҳам майсир ҳисобланади.

Ислом молиясидаги шартномаларга таъсир қилувчи яна бир тақиқ *габн* ҳисобланади.

---

<sup>41</sup> Диссертация давомида *салам* ва *истисна* савдоси/шартномаси тафсилотлари батафсил ёритилган.

*Ғабн* сўзи луғатда алдов, уриб қолиш, адолатсиз баҳолаш, пасайтириш каби маъноларни билдиради.

Истилоҳда эса, *ғабн* – бу эвазли шартнома (*муробаҳа, ижара, салам* каби)ларда шартнома предмети ва маҳсулот баҳоси ўртасида номутаносиблик бўлиши, яъни нархнинг ҳақиқий бозор баҳосидан ўта юқори ёки ўта паст бўлиши, шунингдек савдо моли таъриф ва тавсиф қилинган даражада бўлмаслигини билдиради.

*Ғабн* 2 турга бўлинади:

а) *Ғабни ясир* (кичик) - тоқат қилса бўладиган номутаносиблик, масалан, 10 мингга сотиб олинган нарсанинг бозордаги баҳоси 9 минг ёки 11 минг бўлса ва одатда, бу фарқ унча эътиборга олинмаса, бундай *ғабн*га шариатда рухсат берилади;

б) *Ғабни фаҳиш* (катта) - ҳаддан ташқари номутаносиблик. Агар маҳсулот ва унинг баҳоси ўртасидаги нотенглик ҳаддан зиёд бўлса, у ҳолда сотувчи томонидан олинган фойда ҳаром ҳисобланади.

### **1.3. Ислом банк-молия муносабатлари ривожланишининг хориж тажрибаси**

Бугунги кунда ислом молияси жаҳон молия тизимининг кичик, аммо муҳим қисми сифатида ривожланиб бормоқда. Ислом молиясини татбиқ этиш бўйича нафақат Малайзия, Туркия, Бангладеш, Баҳрайн каби мусулмон давлатлар, балки МДҲ давлатлари, ҳамда мусулмон бўлмаган Буюк Британия каби давлатлар ҳам самарали натижаларга эришмоқда.

Малайзия тажрибаси.

Малайзияда ислом молия индустрияси барқарор суратлар билан ўсиб бормоқда. Ислом молия бозорида Бирлашган Араб Амирликлари ва Баҳрайн каби рақобатчи бозорларнинг пайдо бўлишига қарамай, Малайзия бу соҳада ўзининг етакчилигини сақлаб турганлиги аҳамиятлидир. Бунинг сабаби, Малайзияда бу йўналиш ривожини бўйича мақсадли ва режали ҳаракатлар олиб борилмоқда, мижозлар учун кўплаб турли қулай ислом молия маҳсулотлари



ва хизматлари татбиқ этилган ҳамда янги ислом молия муассасаларини ишга тушириш фаолияти тўхтатилмаган.

Малайзияда ислом банк тизими ривожига оид ташаббуслар, *такафул*, капитал бозорлари ва бошқа муқобил ислом молия соҳаларини қамраб олган.

Малайзияда ислом молия саноати яхлит ёндашув асосида ривожлантирилди. Ушбу яхлит ёндашув бир неча босқичларда амалга оширилди. Дастлабки босқич, яъни 1983-1992 йиллар оралиғида ислом молия тизимининг асослари яратилди. Ушбу босқичда, аниқ ҳуқуқий жиҳатлар белгилаб олинди ҳамда тегишли қонунлар қабул қилинди. Қабул қилинган қонунлар Ислом банки, *такафул* ва бошқа молиявий амалиётларни қамраб олган. Амалга оширилган хатти ҳаракатлар натижасида 1983 йилда "Bank Islam Malaysia" номи билан биринчи тўлақонли банк, орадан озроқ вақт ўтиб эса (1984 йилда) "Sharikat Takaful Malaysia" - тўлақонли шаръий мезонларга асосланган биринчи ислом суғурта ташкилоти тузилди.

Иккинчи босқич 1993 -2000 йилларга тўғри келди. Ушбу давр мобайнида, Ислом молия тизими такомиллашиши ортидан бу соҳадаги фаолият кучайди. Бундан ташқари, ушбу босқичда қонунчиликда баъзи ўзгаришлар рўй берди. Молия вазирининг рухсати билан 1993 йилда бир қатор анъанавий банклар таркибида ислом дарчалари очилди.

Ушбу йиллар оралиғида, ислом молия тизими ривожига сезиларли ҳисса қўшиши мумкин бўлган қуйидаги ташкилотлар тузилди:

- 1995 йилда Малайзия Ислом Молия Муассасалари бирлашмаси;
- 1997 йилда ислом молияси ва банки маҳсулот ва хизматларини такомиллаштириш ва кенгайтириш мақсадида Малайзия Миллий Шариат Маслаҳат Кенгаши;
- Банклараро Ислом Молия Бозори (Islamic Interbank Money Market);
- 1999 йилда иккита анъанавий банкнинг бирлашиши натижасида мамлакатда иккинчи йирик тўлақонли ислом банки вужудга келди. Ушбу банк ҳозирга қадар Малайзия молия бозорида "Банк Муамалат" номи билан фаолият юритиб келмоқда.

Учинчи босқич 2001-2010 йилларнинг ўз ичига олади. Ушбу давр мобайнида, Малайзияда ислом молия тизими халқаро ислом молия тизимида ўз ўрнига эга бўла бошлади. Малайзиядаги бутун ислом молия тизими жаҳон стандартларига мос равишда халқаро ислом молия бозорига чуқур кириб борди. Ушбу босқичда Малайзия ҳукумати ислом молия тизимининг янада ривожлантириш учун меъёрий-ҳуқуқий базани, маҳсулот ва хизматлар бозорини ҳамда билим ва тажрибаларни такомиллаштириш режаларидан иборат стратегик режани белгилаб берди.

2002 йилда Малайзия марказий банки соҳа ривожини учун Молиявий соҳа бош режасини дастурини ишга туширди. Кейинчалик ушбу дастур ислом молия соҳасидаги иштирокчилар учун асосий кун тартибидаги мавзуга айланди. Бундан ташқари, хорижий ислом молия ташкилотлар ва шўъбаларнинг кириб келишини осонлаштириш мақсадида ички молия тизимини етарлича эркинлаштирилди. Шу тариқа ислом молия индустриясининг глобал миқёсда жадаллашуви учун яна бир имкон пайдо бўлди.

2004 йил июнь ойида Малайзия Марказий банки учта тўлақонли банк; Kuwait Finance House, Al Rajhi Investment Bank ва Qatar Investment Bank учун ўз фаолиятини бошлашга рухсат берди. Ушбу йирик ҳодиса хорижий ислом банкларининг Малайзия ислом молия бозорига кириб келишини бошлаб берди.

Малайзияда ислом молиясини индустриясини бошқариш мақсадида зарур стандартларни шакллантириш учун 2002 йилда Ислам Молия Хизматлари Кенгашига (Islamic Financial Service Board, ISFB) асос солинди. Ислам Молия Хизматлари Кенгашининг муҳим вазифаларидан бири, ислом молиясини мунтазам равишда глобал миқёсда кенгайтириш қўллаб-қувватлаш бўлди. Шу билан бирга, трансчегаравий меъёрий-ҳуқуқий база ва ислом молия тизими учун энг яхши халқаро тажриба вазифасини ўтади.

Бу даврдаги яна бир муҳим босқичлардан бири шу бўлдики, ислом молия индустриясининг имкониятларини янада яхшилаш ҳамда трансчегаравий молиявий амалиётларни осонлаштириш мақсадида Халқаро

Ислом Молиявий Бошқариш Корпорацияси ташкил этилди. Ушбу ташкилотнинг вужудга келиши ислом молия муассасалари ривожланиши учун муҳим аҳамият касб этди.

Тўртинчи, яъни ҳозирги босқич 2011 йилдан бери давом этиб келмоқда. Бу давр мобайнида мамлакатда ислом молия саноати анчайин кенгайди. Малайзия ислом молия индустриясида сукук чиқариш ҳажмининг ўсиши ва амалда тўғри татбиқ этилиши, умумий (mutual) фонд бозорлари ривожланиши ҳамда таълим ва тадқиқотлар даражаси бўйича Баҳрайн, Қувайт, Бирлашган Араб Амирликлари ва Омон давлатларига қараганда юқори кўрсаткичлар билан устунликка эга бўлди. Шунингдек, Малайзия, Ислом Молия Тараққиёт Кўрсаткичи (Islamic Finance Development Indicator) мезони асосида 100 баллик баҳолаш тизимидан 93 баллни қўлга киритди. Ушбу баҳолаш тизими нафақат даромад ва активлар ҳажми балки ислом молиясининг умумий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатларда ислом молия индустриясининг ҳолатини баҳолайди.

Ушбу босқичда ислом молияси ва банк ишининг тараққий этишдаги энг муҳим ҳодисалардан бири бу, шубҳасиз 2013 йилда Ислом Молиявий Хизматлар Қонунинг (Islamic Financial Service Act 2013) жорий қилиниши бўлди. Ушбу акт (IFSA) Малайзия марказий банкига бир қанча имкониятларни, жумладан, молиявий ривожланишнинг минтақавий ва халқаро хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, мураккаб ва ўзаро боғлиқ муҳитда тартибга солиш ва назорат қилиш каби ваколатларини тақдим этди. Бундан ташқари, Ислом Молиявий Хизматлар Акти молиявий хизмат кўрсатувчи томонлар ўртасида адолатли, масъулиятли ва профессионал тарзда иш юритишларини таъминлаш учун ҳуқуқий меъёрларини аниқ қилиб белгилаб берди. Шунингдек, ушбу акт анъанавий ва ислом банк ўртасида аниқ чегараларни кўрсатиб беришда муҳим аҳамият касб этди.

Малайзияда ислом молиясининг яна бир яхши татбиқ этилган жиҳатларидан бири бу, ислом ҳуқуқининг молиявий бошқарувдаги ўрнидир. Малайзия Марказий банкининг юқоридан пастга ташаббуслари ёки

амалиётчиларнинг пастдан юқорига қарата қилган саъй-ҳаракатлари ислом молиясида шариат бошқарувини ижобий шакллантирди. Ислом молияси бўйича Халқаро Шаръий Тадқиқот Академияси (ISRA), Халқаро Ислом Молия Таълим Маркази (INCEIF) ва бир қанча олий ўқув юртлари тадқиқот ва ишланмалар билан боғлиқ масалаларда, ислом қонунчилиги бошқарувини такомиллаштириш бўйича ишларнинг бошида бўлишди. Ислом уламолари ташаббуси билан Шариат Маслаҳатчилари Ассоциациясининг ташкил этилиши, ислом молияси соҳасида шаръий масалалар бўйича маслаҳатчиларнинг билим ва тажрибалари ҳамда маҳорат ва истеъдодларини ривожлантириш учун муҳим омиллардан бир бўлди.

2009 йил апрель ойида ҳукумат Ислом банки ва *такафул* учун бериладиган лицензияларни ўз ичига олган либераллаштириш чораларини эълон қилди. Ушбу чоралар доирасида глобал ислом молия алоқаларини ривожлантириш учун 1 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi капитал билан учта йирик ислом банкининг фаолияти учун рухсат берилди. Шунингдек, мавжуд маҳаллий ислом банкларига ўз фаолиятлари ҳажмини ошириш ва глобал миқёсда фаолиятларини кенгайтириш ҳамда хорижий ташкилотлар билан стратегик ҳамкорликни йўлга қўйиш учун ҳукумат томонидан кенг имтиёзлар тақдим этилди.

Миллий ва халқаро даражада институционал салоҳият ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда, ислом молия тизимини янада ривожлантириш мақсадида Малайзия Марказий банки қуйидаги муҳим вазифаларни белгилаб олди:

- пруденциал меъёрларнинг (яъни хатар/таваккалчиликка оид талаблар) самарали бажарилишини таъминлаш;
- ликвидликни бошқариш бўйича тизимли инфратузилмани ривожлантириш;
- инқирозни бошқариш ва ҳал қилишнинг самарали тизимини яратиш;
- бухгалтерия ҳисоби, аудит ва шаффофлик стандартларини янада кучайтириш;

- жойларда самарали макропруденциал кузатувни йўлга қўйиш;
- ишончли кредит рейтинг ташкилотларига эга бўлиш;
- молиявий барқарорликни таъминлаш бўйича миллий саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, мамлакатлар ўртасида халқаро ҳамкорлик ва мувофиқлаштиришни кучайтириш, шу жумладан салоҳиятни ошириш ва малакали мутахассислар етиштириш.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, Малайзияда ислом молия саноати 40 йилдан ортиқ вақтдан бери мавжуд. Малайзиянинг ислом молия тизимини яратишда узоқ йиллик тажрибаси мамлакатда ушбу соҳанинг мустаҳкам пойдевори барпо этилишига олиб келди. Бугунга келиб Малайзия ислом молия индустрияси, хусусан ислом банкчилиги соҳасида хилма-хиллик ва барқарор натижалар билан мамлакат умумиқтисодий тизими ривожига ижобий натижалар билан ҳисса қўшиб турибди. Малайзиянинг ислом банк активлари 2020 йил декабрь ойига келиб 264.5 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Шунингдек 2020 йилда ислом банклари активларининг жами банк тизими активларидаги улуши 34,2 фоизга етди. 2030 йилга бориб ушбу кўрсаткични 50 фоизга етказиш мақсад қилинган. Ислом банкларида жойлаштирилган жами маблағлар банк соҳасида жами омонатлар (депозитлар)нинг 38,9 фоизига тенг.<sup>42</sup>

2021 йилга келиб Малайзияда 16 та тўлақонли ислом банки фаолият юритмоқда.

Ушбу ислом банклари ўз мижозларига уларнинг дини қарашларидан қатъий назар турли молия маҳсулот ва хизматлари, жумладан *муробаҳа*, *музораба*, *мушорака*, ва *истисна* каби ислом молияси тамойилларига мос бўлган омонат ва молиялаштириш маҳсулот ва хизматларини таклиф этиб келишмоқда.

1980 йилларнинг бошларида Малайзияда ислом суғурта (*такафул*) индустриясининг ривожланиши мусулмон жамоатчилигининг шариат

<sup>42</sup><https://www.ddcap.com/malaysias-34-2-islamic-banking-market-share-edges-towards-50-parity-with-conventional-sector-by-2030-as-sector-reinforces-its-resilience-and-relevance-during-covid-19-pandemic/>

талабларига жавоб берадиган анъанавий суғуртага муқобил бўлган суғурта тизимига бўлган эҳтиёжи, шунингдек, 1983 йилда ташкил этилган ислом банки фаолиятини тўлдириш ва такомиллаштиришга бўлган зарурат сабабли вужудга келди. Бу пайтга келиб Малайзия Миллий Фатво Кўмитаси ҳам анъанавий суғурта битимларида *гарар* (ҳаддан зиёд мавҳумлик/ноаниқлик) *рибо* (судхўрлик) ва *майсур* (қимор) аломатлари борлиги сабабли анъанавий суғуртанинг жоиз эмаслиги тўғрисида фатво чиқарган эди.

Бугунги кунда Малайзияда *такафул* илғор даражада ривожланмоқда ва бугунги кунга келиб Малайзияда 11 та *такафул* ва 4 та *ретакафул* (кайта суғурталаш) компаниялари фаолият юритиб келмоқда.

Ислом молиясининг бошқа соҳалари сингари ислом капитал бозори ҳам ислом ҳуқуқи асосида ишлайди. Малайзия ислом капитал бозори мижозларга шариат тамойиллари асосида хизмат кўрсатиш орқали, маблағлар жалб қилиш ва инвестиция ҳажмини ошириш билан Малайзия умумий капитал бозорига катта ҳисса қўшиб келмоқда. Ушбу соҳа маҳсулот ва хизматларнинг хилма-хиллиги, манфаатдор томонларнинг сони ва тури, инфратузилмаси ва имкониятлари ҳамда инсон капиталининг ривожланиши каби кўплаб жиҳатлар бўйича жадаллик билан кенгайиб бормоқда.

Малайзия ислом капитал бозорининг асосий жиҳати – бу унинг кенг қамровлилигидир. Ҳозиргача, Малайзия Ислом капитали бозори халқаро ислом капитал бозорида етакчилик қилиб келмоқда. Ҳукумат ислом капитал бозори индустрияси учун шариат асосларини ўз ичига олган кенг қамровли қонунчилик ишлаб чиқиш, тегишли солиқ тартибини амалиётга татбиқ қилиш орқали ислом капитал бозорининг ривожланиши ва ўсишига ёрдам бермоқда<sup>43</sup>.

Туркия тажрибаси.

Дунёнинг бошқа жойларида бўлгани каби Туркияда ҳам ислом молиясига бўлган қизиқиш кун сайин ошиб бормоқда. Туркиядаги Ислом

---

<sup>43</sup> Малайзияда ислом молияси ривожланишининг муҳим босқичлари 1 ва 2-иловада муаллиф томонидан тайёрланган расм ва жадвал шаклида берилган.

молия муассасалари дастлаб 1980 йилларда хусусий молия муассасалари сифатида ташкил топган, 2000 йиллардан бошлаб улар "шерикчиликка асосланган банк" ("Participation Banking") номи остида ишлай бошладилар.

Шерикчиликка асосланган банклар бу *рибодан* ҳоли банк тамойиллари асосида фаолият юритувчи банкчилик шакли бўлиб, бундай банклардаги барча амалиётлар ушбу тамойилларга мувофиқ шаклда ташкил этилади, яъни маблағлар фойда ва зарарни ўзаро тақсимлаш асосида жалб этилади, жалб этилган маблағлар эса савдо шартномаси, шерикчилик битими, молиявий ижара каби усуллар орқали сармоя қилинади. Туркияда ва дунёнинг бошқа минтақаларида аҳолининг муайян қисми диний қарашлари туфайли *рибога* боғлиқ фаолият натижасида олинadиган даромадлардан сақланишга қаттиқ ҳаракат қилади. Натижада анъанавий банкларга жойлаштирилмаган бўш молия манбалари вужудга келади. Мазкур ҳолат мамлакат иқтисодиёти учун ҳам, жамғарма эгалари учун ҳам молиявий йўқотишлар сифатида баҳоланади. Шерикчиликка асосланган банклар *рибодан* эҳтиёт бўладиган маблағ эгаларининг пулларини сақлаш ҳамда уларни инвестиция қилишга ёрдам бериш мақсадида, шунингдек муқобил инвестиция муҳитини яратиш орқали Кўрфаз мамлакатларидан сармоя жалб қилиш учун ташкил этилган. Шерикчиликка асосланган банклар томонидан йиғилган маблағларни инвестиция қилиш учун бутун дунёда кенг тарқалган энг яхши намуналардан фойдаланган ҳолда турли хил усуллар ишлаб чиқилган. Бундай усуллар орқали олинган даромад тижорат, тадбиркорлик фаолияти натижаси эканлиги ва бу *рибо* асосидаги даромад эмаслиги ҳақида мижозлар орасида тушунча ҳосил қилишга эришилди.

Туркия Ислом тараққиёт банкининг асосчиларидан бири ҳисобланади. Ислом молиясини Туркияда жорий этиш бўйича дастлабки уринишлар 1970-йилларда Республикачилар Халқ Партияси ва Миллий Нажот Партияси иттифоқи даврида амалга оширилди. Фойда ва зарарда иштирок этиш тамойилига асосланган биринчи муассаса DESİYAB (Devlet Sanayi ve İşçi Yatırım Bankası) бўлди. DESİYAB Европа мамлакатларидаги турк

ишчиларининг жамғармаларини инвестиция қилишни ўз олдига мақсад қилган эди. Муассасага 1975 йилда асос солинди. 1977 йилда Туркиянинг амалдаги ҳукумати ағдарилгандан сўнг, муассаса ўзининг институционал фаолиятни давом эттирди, аммо ислом молияси нуқтаи назаридан заиф ҳуқуқий асосга эга бўлганлиги сабабли кейинги ҳукумат даврларида фоизсиз банк ғояларидан четга чиқишига тўғри келди. Шундай бўлса-да, DESİYAB Туркияда фоизсиз банк фаолиятини йўлга қўйишда жуда муҳим тажриба бўлди<sup>44</sup>.

Дунё бўйлаб ислом молия муассасалари сонининг ортиб бориши ва уларнинг қисқа вақт ичида муваффақиятли ривожланиши Туркияда *рибодан* ҳоли банклар ташкил этишга масаласига туртки берди. Натижада, 1980 йилда Тургут Ўзалнинг Бош вазир этиб сайланиши билан бундай банк ташкил этиш масаласи яна кун тартибига чиқди. Шунинг сабабли Тургут Ўзал 1983 йил 16 декабрда 83/7506 сонли фармонни қабул қилди ва шу орқали Ислом Молия Уйлари (Islamic Finance House)ни ташкил этиш учун замин ҳозирлади. 1983 йилда "махсус молия уйлари" номи остида Ислом молия муассасалари ташкил этишга рухсат берилди. Бундан асосий мақсад аҳолининг “ёстик остида” бўш турган маблағларини иқтисодиётга йўналтириш бўлган.

Қонунчиликка киритилган ўзгаришлардан сўнг 1984 йил 25-февралда Ҳазначилик ва ташқи савдо котибияти (Hazine ve Dis Ticaret Müstesarlığı) ҳамда 1984 йил 21-мартда Туркия Марказий банки молиявий тизимда ислом молия уйлари фаоллигини ошириш ва уларнинг фаолиятини батафсил очиб беришга қаратилган низомларини эълон қилдилар. 1985 йил 25-февралда Ислом молия муассасалари ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланган бўлишига қарамай, 1999 йил 19-декабрда қонунчиликка ўзгартириш киритилди ва бундай муассасаларни ташкил этиш ва уларнинг бошқариш масалалари 4389 сонли Банк актидаги 4491 сонли қонун билан банклар тўғрисидаги қонунга боғлаб қўйилди. Банклар тўғрисидаги қонунга боғлиқ бўлиш махсус молия

---

<sup>44</sup> Halil İbrahim Bulut and Bünyamin Er, Katılım Finansmanı Katılım Bankacılığı ve Girişim Sermayesi (Participation Finance, Participation Banking and Venture Capital). // Istanbul: Participation Banks Association of Turkey, 2012, 24-25 pp.



уйлари учун бурилиш нуқтаси бўлди. 2001 йил 12 майда кучга кирган 4672-сонли янги қонун билан Банклар тўғрисидаги қонунга баъзи ўзгартиришлар киритилди ва махсус молия уйлари учун "Кафолат фонди" ташкил этилди. Ушбу ўзгаришлар натижасида Молия махсус уйларига нисбатан мавжуд бўлган адолатсиз рақобат йўқ қилинди.

2005 йилда махсус молия уйлари "Банклар тўғрисида"ги қонунга тўлиқ интеграция қилинди ва бошқа депозит ва инвестиция муассасалари билан тенглаштирилди. Ўша йили уларнинг номи шерикчиликка асосланган банклар (Participation Bank)га ўзгартирилди. "Махсус молия уйлари"нинг "Шерикчиликка асосланган банк"га ўзгартирилиши "махсус молия уйлари" учун ижобий таъсир кўрсатди, чунки "шерикчилик" атамаси қайси муассаса шерикчиликка асосланган банк эканлиги тўғрисида маълумот беради.


Шерикчиликка асосланган банклар Туркия жамияти томонидан яхши қабул қилинди. Натижада 1985 йилдан бери Туркияда бир нечта шерикчиликка асосланган банклар ташкил этилди. Масалан, Al-Baraka Turkish Finance House (1985 йил), Faisal (Family) Finance House (1985 йил), Kuwait Turkish Evkaf Finance House (1989 йил), Anadolu Finance House (1991 йил), İhlas Finance House (1995 йил), Asya Finance House (1996 йил), Türkiye Finance Participation Bank (2005 йил).

Юқорида санаб ўтилган муассасалардан учтасига хорижий сармоядорлар томонидан асос солинган, қолган тўрттаси эса маҳаллий жамғармалар ҳисобига ташкил этилган. Ўтган давр мобайнида, уларнинг баъзилари тўлов қобилятини йўқотди, баъзилари бошқалари билан бирлашиб, номларини ўзгартиришди. Бугунги кунда ушбу шерикчиликка асосланган банкларнинг тўрттаси (Al-Baraka, Kuwait Turkish, Türkiye Finance ва Asya шерикчиликка асосланган банклар) ханузгача фаолият юритмоқда.

Аҳоли ва бизнес ихтиёрида бўш турган маблағларни жалб қилиш ва турли инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириш орқали, ўзида венчур молия муассасалари (яъни фаолияти юқори таваккалчилик ва юқори хатарга эга лойиҳаларни молиялаштиришга қаратилган муассасалар)

хусусиятини жамлаган шерикчиликка асосланган банклар Туркия иктисодиёти ривожига сезиларли ҳисса қўшиб келмоқда. Сўнгги 10 йил ичида бундай банклар умумий активлари 56 млрд. турк лирасидан (2011й.) 717,3 млрд. турк лирасига етди (2021й.). Ушбу йиллар оралиғидаги ўсиш суръатлари ўртача 29%ни ташкил қилган.

Туркияда тижорат банклари фаолият турига қараб 3 турга бўлинади: узоқ муддатли лойиҳаларни молиялаштириш билан шуғулланувчи Тараққиёт ва Инвестиция банклари (1), қисқа муддатли лойиҳаларни молиялаштирувчи Депозит банклари (2) ҳамда Шерикчилик банклари деб аталувчи ислом банклари (3). Бугунги кунда Туркия молия бозоридаги Депозит банкларининг улуши 85%га, Тараққиёт ва Инвестиция банклари улуши 8%га ҳамда Шерикчилик банклари улуши 7%га тенг.



**1.7-расм. Шерикчилик банкларининг активлари ва уларнинг тармоқдаги улуши<sup>45</sup>**

<sup>45</sup> Katilim bankalari 2021 (йиллик ҳисобот) // [www.tkbb.org.tr](http://www.tkbb.org.tr) сайтида берилган маълумотлар асосида муаллиф томонидан шакллантирилган

Турк иқтисодчилари тахминига кўра 2025 йилга бориб Шерикчилик банкларининг Туркия банк тармоғидаги улуши 15%га етади.

Қозоғистон тажрибаси.

Қозоғистон собиқ иттифоқ мамлакатлари ичида биринчи бўлиб ислом молия тизими учун ҳуқуқий асос яратган мамлакат ҳисобланади. “Қозоғистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ислом банкларини ташкил этиш ҳамда ислом молия тизими фаолиятини татбиқ қилиш муносабати билан ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун 2009 йилнинг 12-февралида қабул қилинган. Ўтган 13 йил давомида мазкур қонунга бир неча ўзгартириш ва тузатишлар киритилган. Қонунга мувофиқ ҳар бир ислом банкида унинг фаолиятини назорат қилиб турадиган Шариат кенгаши мавжуд бўлиши белгиланган. Ҳозирги кунга келиб ислом қимматли қоғозлари (*сукук*) махсус молия компаниялари томонидан чиқарилиши мумкин. Шунингдек бошқа ислом молия маҳсулотлари билан бир қаторда, *Таварруқ* амалиётларига ҳам рухсат берилган.

Қонун қабул қилинганига 13 йил тўлган бўлса-да, мамлакатдаги 28 та банкдан бор-йўғи 2 таси – «Ал-Ҳилал» (Абу Даби тижорат банкининг шўбаси) ва Заман Банк (маҳаллий банк) ислом банки ҳисобланади. Ислом банк активларининг Қозоғистон банк тизимидаги улуши 0,3 фоиздан паст. Ҳукуматнинг молия бозорини 2030 йилгача ривожлантириш режасига кўра, 2020 йилга келиб ислом банкларининг республика умумий банк тизимидаги улуши 3-5 фоизни ташкил этиши керак эди. Бироқ ушбу тахминлар рўёбга чиқмади.

Маҳаллий мутахассислар Қозоғистонда ислом банк-молия тизимининг жадал суръатларда ривожланиб кетмаганига қуйидаги муаммоларни сабаб қилиб келтиришади (таъкидлаш лозим, улар кўпчилик мамлакатлар учун умумий бўлган муаммолардир):

- малакали мутахассисларнинг етишмаслиги;
- мижозлар, яъни тадбиркорлар ва аҳоли ўртасида ислом молияси бўйича билим ва тушунчаларнинг етишмаслиги;

- ислом молияси тамойилларини Қозоғистон қонунларига мослаштириш ишлари жадал олиб борилмаётганлиги;
- ислом молия маҳсулотлари бухгалтерияси бўйича ҳал этилмаган муаммоларнинг мавжудлиги;
- солиқ қонунчилигига мувофиқ ислом молия хизматларини солиққа тортишдаги ноаниқликлар.

Россия тажрибаси.

Россияда ҳам ислом молияси маҳсулот ва хизматларига бўлган талаб мусулмон аҳоли сонига мутаносиб равишда ошиб бормоқда. Рев тадқиқот марказининг 2017 йилда ўтказган тадқиқотига кўра, мамлакат жами аҳолисининг тахминан 10 фоизи, бошқача айтганда 14 миллион аҳоли мусулмонлардан иборат.

Ўз навбатида, федерация таркибида кўпроқ мусулмонлар истиқомат қиладиган автоном республикаларда ислом молия тизимини ривожлантириш бўйича дастлабки қадамлар 1990 йилларда қўйилган эди. 1991 йили “Бадр-форте банк” халқаро тижорат банки ташкил этилди ва мазкур банк 1997 йилдан бошлаб ислом молиясининг тамойиллари асосида ишлай бошлади. Лекин банк номида “ислом банки” атамаси қўлланилмаган. Шундай бўлса-да, “Бадр-форте банк” Ислом тараққиёт банки қошидаги “Ислом банклари ва молия муассасалари бош кенгаши” (General Council for Islamic Banks and Financial Institutions (CIBAFI)га аъзо бўлди. Бироқ 2006 йилга келиб турли сабабларга кўра банкнинг лицензияси Марказий банк томонидан бекор қилинди. Мамлакатда ислом молиясини ривожлантириш бўйича кейинги уринишлар Татаристон ҳудудида давом эттирилди. Банк ташкил этиш бўйича қийинчиликларни ҳисобга олган ҳолда бир гуруҳ тадбиркорлар 2010 йилда ислом молияси тамойиллари асосида ишловчи инвестиция компаниясига асос солишди. Шундан сўнг ислом молияси тармоғи мамлакатнинг бошқа ҳудудларига ҳам ёйила бошлади. Бугунги кунда Россияда фаолият юритаётган ислом молия муассасаларини 6 та йирик гуруҳга ажратиш мумкин:

- нобанк микромолиялаш муассасалари;

- банклар;
- инвестиция компаниялари;
- активларни бошқаришга ихтисослашган компаниялар;
- кўчмас мулкни молиялаштирувчи ширкатлар (кооперативлар);
- бошқа турдаги молия муассасалари (лизинг, микромолия, суғурта ташкилотлари каби).

Ислом молияси тамойилларига мувофиқ фаолият олиб борадиган нобанк молия муассасаларидан энг машҳурлари – Amal Finance House ва LaRiba Finance (араб тилидан «рибосиз молия» деб таржима қилиш мумкин) компаниялари ҳисобланади. Икки ташкилот ҳам чекланган шерикчилик жамияти (коммандит ширкат) шаклида тузилган. LaRiba Finance компанияси 2011 йил Доғистон автоном республикасида ташкил этилган бўлиб, асосан, қисқа муддатли (12 ойгача) чакана битимларни молиялаштиришга ихтисослашган. Компания ислом молияси битимларидан *муробаҳа* шартномаси асосида фаолият юритади. Amal Finance House ҳам 2011 йилда ўз ишини бошлаган бўлиб, асосий офиси Татаристон республикасида жойлашган. Мазкур компания асосий эътиборини бизнесни молиялаштиришга қаратган. Amal Finance House *музораба* инвестиция шартномаси орқали Россия Федерациясининг барча минтақаларидан сармоядорларни жалб қилишга ва сармоядорлар базасини доимий равишда кенгайтириб, янгилаб боришга ҳаракат қилади. *Музораба* битимига кўра, Amal Finance House музориб сифатида сармоядорлардан сармоя қабул қилиб олади ва йиғилган маблағларни шариат кўрсатмаларига мувофиқ иш олиб бораётган корхоналарга *музораба, муробаҳа, салам, истисна, ижара* каби шартномалар асосида инвестиция сифатида киритади. Молиялаштириш даври якунида барча лойиҳалардан олинган даромад Amal Finance House ва сармоядорлар ўртасида келишилган нисбатда тақсимланади.

Яна бир микромолия ташкилоти бўлган Fincity 2017 йилдан бошлаб Чеченистонда *муробаҳа* асосида чакана молиялаштириш хизматларини тақдим эта бошлади. Ушбу муассаса қурилиш моллари, маиший техника,

электрон жихозлар, спорт анжомлари кабиларни муддатли тўлов асосида харид қилишга ёрдам беради.

Нобанк микромолия ташкилотлари бозордаги ўрнини барқарор равишда мустаҳкамлаб бораётган бир пайтда, бошланғич сармоя етарлича бўлишига қарамасдан, банк тармоғи яхши ривожланиб кетмаяпти. Ислом молия бозорига ўз маҳсулотлари билан кирган Россиянинг 8та банки орасида фақат иккитаси 2019 йил якунида ислом молия хизматларини кўрсатмоқда эди. Чунки Россия Марказий банки бир неча банклардан берилган лицензияларини қайтариб олди ва мавжуд банкларнинг 3 тасида қайта ташкил этиш тартибини жорий этди, улар орасида Татфондбанк (Татаристон) қошида очилган Татагропромбанк ислом дарчаси ҳам бор эди. Банкнинг Ислом молияси бўйича лойиҳаси – “Шерикчиликка асосланган банк маркази” Татаристон Республикасининг ислом банк-молия соҳасидаги биринчи синов (пилот) лойиҳаси сифатида қаралган эди ва унинг тўхтатилиши ислом молияси бўйича экспертлар томонидан салбий кутиб олинishi табиий. Қолган икки банк – Sovcombank ва Express банк, ўз ихтиёрларига биноан миждозларга ислом молия маҳсулотларини тақдим қилишни тўхтатдилар.

Россиянинг энг йирик банки ҳисобланадиган Сбербанкнинг ислом молияси тармоғидаги активлари ҳажми 2019 йилда 16 млрд. рубл (тах. 250 млн. АҚШ доллари)дан ошди. Банк, асосан, экспортни (айниқса, ғалла экспортини) молиялаштиришга эътибор қаратган бўлиб, бу йўналиш банкдаги ислом молия амалиётларининг қарийб 98 фоизини ташкил қилади. Сбербанк фойдаланадиган ислом молия битимларининг хусусиятлари ва ҳуқуқий ёки шаръий жиҳатдан тузилиши тўғрисида очиқ маълумотлар мавжуд эмас. Банк махсус тадбирлар ва оммавий ахборот воситалари орқали ўзининг ислом молияси амалиётлари тўғрисида чекланган маълумотларни тақдим этади. Сбербанкнинг ислом молияси бўйича режаси лойиҳа бошлангандан бери ўзгарди. 2017 йилда Сбербанк махсус ислом молия субъектини ташкил этишни

ва тартибга солувчи тизимда ўзгаришларни амалга оширишни режалаштирган эди<sup>46</sup>. Бироқ икки йил ичида бу режалар амалга ошмади.

2019 йилда Сбербанк Россиянинг турли минтақаларида хайрия ташкилотлари учун маблағ йиғишга қаратилган Россиянинг ИТ-стартап лойиҳаси – Payzakat нинг акцияларини сотиб олди.

Сбербанкнинг қайд этишича<sup>47</sup>, Россия бизнес субъектларининг ҳар йили ўртача 8.5-9 млрд. рубл миқдордаги ислом молияси маҳсулоти ва хизматларига эҳтиёжлари бор.

2020 йилда Сбербанк ислом молияси соҳасида аҳамиятга эга қуйидаги ишларни амалга оширди:

- Биринчи марта Миср республикасига Россия бугдойини экспорт қилиш бўйича 13 млн. АҚШ доллари миқдорида савдо битимини Халқаро савдони молиялаштириш Ислом корпорация билан ҳамкорликда молиялаштирди;

- Сбербанк Россия ва Бирлашган Араб Амирликларида “Sberinvest Middle East Limited” деб номланган шуъба корхонасини рўйхатдан ўтказиш учун тегишли рухсат олди. Ушбу муассаса инвестиция маҳсулотларини шариат тамойилларига мослаштирадиган, ислом молия маҳсулотлари тақдим этадиган, Яқин Шарқ сармоядорлари билан тўғридан-тўғри шериклик алоқаларини ўрнатадиган ва Россия озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилишни ривожлантирадиган ислом дарчасига айлантирилиши мақсад қилиб қўйилган.

Payzakat хайрия платформаси Global Islamic Finance Awards мукофотига сазовор бўлди ва платформадан фойдаланувчилар сони 4000 дан ошди.

Бугунги кунда Россияда Сбербанк ва Ак-Барс банк ўз миждозларига ислом молия маҳсулотлари тақдим этмоқда.

---

<sup>46</sup> <https://www.reuters.com/article/islamic-finance-sberbank/russias-sberbank-considers-islamic-finance-entity-to-propose-regulatory-change-idUSL8N1MG05S>

<sup>47</sup> Madina Kalimullina. Islamic finance in Russia: A market review and the legal environment. // Global Finance Journal Volume 46, November 2020.

Россия Федерацияси хуудида 2 та инвестиция компанияси ислом молияси тамойилларига асосланган ҳолда ўз мижозларига хизмат кўрсатмоқда. Улар – «Татаристон халқаро инвестиция компанияси» (Tatarstan International Investment Company, ТИИС) ҳамда «Zayed жамғармаси» (Zayed Fund) ҳисобланади. Ушбу икки лойиҳа ҳам хорижий сармоядорлар иштирокида ташкил этилган. Татаристон халқаро инвестиция компаниясига Ислом Тараққиёт Банки, Татаристон ҳукумати ва Форс кўрфазидаги 5 та молия муассасалари ҳамкорлигида 2010 йилда асос солинган. Zayed жамғармаси эса БААнинг Тадбиркорликни ривожлантириш Халифа жамғармаси (Khalifa Fund for Enterprise Development) томонидан 2017 йилда таъсис этилган.

Zayed жамғармаси ташкил этилаётганда инвесторлардан 50 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағларни жалб қилиб, жамғарма дастурларига йўналтирган. 10 йил ичида Жамғарма 300 миллион АҚШ долларидан ортиқ лойиҳаларни молиялаштиришни режалаштирган. Жамғарма фақат Чеченистон Республикаси хуудида молиялаштиришни амалга оширади ва фаолияти давомида аҳолини иш билан таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш сиёсатини олиб боради.

Айтиш мумкинки, Чеченистонда ислом анъаналари кучли ривожланган бўлиб, шариат меъёрлари ва тамойиллари одамларнинг кундалик ҳаётига, шу жумладан, уларнинг бизнес юритиш услубларига жуда сингиб кетган.

Иқтисодий тармоқлар бўйича Zayed жамғармасининг асосий маблағлари озиқ-овқат ва ичимлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, улгуржи ва чакана савдо, шунингдек қишлоқ хўжалиги (шу жумладан, чорвачилик ва деҳқончилик) соҳаларига йўналтирилган. Компания молиявий хизматлар кўрсатиш, маслаҳат, маркетинг ва нашриёт фаолияти билан боғлиқ лойиҳаларни молиялаштирмайди ва жисмоний шахсларга кредитлар бермайди. Zayed жамғармасининг асосий молиялаштириш маҳсулотлари – *муробаҳа* ва *мушорака* ҳисобланади. Жамғарма томонидан молиялаштирилган жами лойиҳаларнинг қарийб 82 фоизи *муробаҳа* битими орқали



молиялаштирилган бўлса, *мушорака* шартномалари орқали жами битимларнинг 15 фоизи молиялаштирилган.

### **I боб бўйича хулоса:**

Ислом иқтисодиёти шахсий эркинлик, тадбиркорлик руҳи, хусусий мулк, шахсий манфаат, қилинадиган саъй-ҳаракатлар ва мукофот ўртасидаги тўғридан-тўғри боғлиқликни кафолатлайди. Бошқа тарафдан эса, ислом иқтисодиёти муайян ахлоқий чекловлар ўрнатиш орқали турли даражаларда ижтимоий адолатни таъминлашга хизмат қилади. Бундан келиб чиққан ҳолда, ислом иқтисодиёти – ислом дини аҳкомларига асосланган, жамиятнинг тараққиётига хизмат қиладиган, унинг аъзолари орасидаги иқтисодий муносабатларни белгилаб берадиган ҳамда тартибга соладиган яхлит тизим деб эътироф этиш мумкин.

Ислом иқтисодий тизимининг ўзига хос жиҳати шундаки, у инсонларнинг моддий эҳтиёжларидан ташқари руҳий, маънавий ва ижтимоий эҳтиёжларини ҳам инобатга олади ва шу сабабли эркин бозор қонунларини маъқуллаган ҳолда, жамият манфаатларини таъминлаш ҳамда шу эркин бозорда йўл қўйилиши мумкин бўлган адолатсизликларни олдини олиш мақсадида муайян маънавий-ахлоқий чегаралар ўрнатади.

Ислом молия тизимидаги асосий тақиқлар қуйидагилардир:

- пулнинг моҳиятини ўзгартириш, яъни уни айирбошлаш воситасидан савдо қилинадиган маҳсулотга айлантириш;

- таваккалчилик қилмасдан, хавф-хатарни зиммага олмасдан, меҳнат сарфламасдан, реал иқтисодий фойда яратмасдан ёки шундай яратишни рағбатлантирмасдан пул топиш;

- ўзи эгалик қилмайдиган мол-мулкни сотиш;

- фақат тасодифга таянган ҳолда пул топиш (қимор, лотерея);

- томонлар ўртасида хавф-хатарларни адолатли тақсимлаш ўрнига уни ўзгалар зиммасига ўтказиб юбориш орқали пул топиш;

- ҳаётнинг барча асосий жабҳаларида бошқа шахс ва/ёки жамиятга таҳдид соладиган ёки зарар келтирадиган нарсалар ортидан пул топиш;

- эҳтикор (яъни монополия) қилиш;

- хийла, алдаш, маълумотни/ҳақиқатни яшириш, қаллоблик ва бошқа шу каби найранглар ишлатиб пул топиш;

- ҳақиқий иқтисодий фойдани яратиш билан боғлиқ бўлмаган, ортиқча хатар-таваккалчиликни зиммага олиш;

- олдини олиш мумкин бўлган ҳар қандай ноаниқлик, мавҳумликка йўл қўйиш;

- исроф қилиш.

Ушбу тақиқларнинг асл мақсади умумий ижтимоий-иқтисодий манфаат, мувозанат, барқарорлик, бирлик ва фаровонликка эришишдир. Қолган барча нарсалар жоиз (мумкин)дир.

Демак, ислом иқтисодиётининг мақсади маънавий масъулиятга эга бозор иқтисодиёти тизимини яратиш дейиш мумкин. Ислום иқтисодиётида бойликларнинг жамият ичида адолатли тақсимланишига алоҳида эътибор қаратилади, бусиз ижтимоий барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлаш мумкин эмас, деб ҳисобланади.

Ислום иқтисодиётида бойликларнинг бойлардан камбағал ва ижтимоий ҳимояга муҳтож табақаларга қайта тақсимланиши асосан ислом ижтимоий молияси воситалари ҳисобланувчи – *закот, садақа, қарзи ҳасан, такафул* ва *вақф* ёрдамида амалга оширилади.

Бугунги кунда ислом молияси жаҳон молия тизимининг кичик, аммо муҳим қисми сифатида ривожланиб бормоқда. Ислום банк-молия тизими нафақат Малайзия, Туркия каби мусулмон давлатларда, балки МДХ мамлакатларида ва ҳатто Буюк Британия каби мусулмон бўлмаган давлатларда ҳам самарали натижаларга эришмоқда.

Турли мамлакатлар, шу жумладан МДХ давлатлари тажрибасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон учун ушбу мамлакатларнинг бирортаси тўлақонли намуна бўла олмайди деган хулосага келиш мумкин.

Масалан, Туркияда ислом дарчалари мавжуд эмас, чунки бу мамлакатда “ислом банки” деган ибора ҳам қўлланилмайди. Бирок, ислом дарчалари ислом банк тизимини ривожлантириш учун жуда қулай ечим, чунки бунда амалда молиявий фаолият юритиб келаётган, молия соҳасида катта тажрибага эга бўлган анъанавий банкларни жараёнга жалб қилиш мумкин.

Агар Малайзия тажрибасини оладиган бўлсак, ушбу мамлакат ислом банк-молия тизими дунёда энг кучли ривожланган тизимлардан бири бўлиши билан бир қаторда, жуда либерал характерга эга бўлганлиги, яъни баъзи исломда тақиқланган молиявий битимлар, масалан “ташкиллаштирилган таварруқ” амалиёти Малайзия ислом молия муассасалари томонидан қўлланиши, кўпчилик соҳа мутахассислари ва ислом уламолари томонидан танқид қилинади. Банкдан ташқари ушбу мамлакат аҳолиси асосан Шофеий мазҳабида бўлганлиги ҳам, Малайзия ислом банк-молия тизимини аҳолиси асосан Ҳанафий мазҳабига эргашган Ўзбекистон учун тўлақонли намуна бўлишдан тўсади.

Демак, муайян бир мамлакат тизими тўлақонли намуна бўлиши амалий жиҳатдан иложсиз бўлганлиги сабабли, бир нечта давлатлар, жумладан Малайзия, Туркия, Қозоғистон ва бошқа давлатлар тажрибаси танқидий таҳлил асосида ўрганилиши ва уларнинг энг муваффақиятли жиҳатлари амалиётга татбиқ қилиниши мақсадга мувофиқ бўлар экан.

## II боб: ИСЛОМ БАНК-МОЛИЯ ТИЗИМИ ФАОЛИЯТИНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

### 2.1. Ислом банк-молия тизимининг асосий маҳсулотлари ва хизмат турлари

Ислом банк-молия муассасалари фаолият доираси, асосан қуйидаги 5 йўналишни қамраб олади:

- бизнес шерикчилик, яъни бирор лойиҳага сармоя киритиш ва келадиган фойда ёки зарар муайян нисбатда томонлар ўртасида тақсим қилиниши (*мушорака* ва *музораба* молиявий маҳсулотлари);

- савдо, яъни мижоз талаби бўйича бирор бир мулк харид қилиш, мулк нархига устама белгилаш ва уни мижозга муддатли тўлов асосида сотиш (*муробаҳа*, *мусавама*, *салам*, *истисна*, *ижара* ва *иқтина*);

- ўрнатилган ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш (*вакала*);

- қарз, яъни мижозга ҳеч қандай эвазсиз қарз бериш (*қарзи ҳасан*). Бу фаолият, банк-молия муассасасининг нотижорий/ижтимоий фаолияти сифатида эътироф этилади;

- бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш ва ҳақ олиш (*кафала*, *ҳавала*).



2.1-расм. Ислом молияси маҳсулотлари<sup>48</sup>

<sup>48</sup> Ушбу расм муаллиф томонидан шакллантирилган.

*Мушорака* атамаси араб тилидан олинган бўлиб, бўлишиш маъносига эга. Бизнес ва савдога оид ҳолда эса, *мушорака* икки ёки ундан ортиқ томонлар ўртасидаги ҳамкорликдаги тадбиркорлик ёки мулкый шерикчиликка айтилади. Бунда шериклар маълум миқдордаги пул ёки мол-мулк шаклидаги сармояларини умумий бизнесга (бизнес лойиҳа ёки корхона) тикади ва ушбу бизнес доирасида кўрилган фойда томонларнинг келишувига асосан, зарар эса ҳар бир шерикнинг умумий сармоядаги улушига мутаносиб равишда тақсимланади.

*Мушорака* нафақат бизнес ҳамкорлар ўртасида бизнес лойиҳаларни амалга оширишда, балки фойиз асосидаги молиялаштиришга муқобил восита ҳамдир.

Қайтиши гаров билан, даромади белгиланган фойиз билан таъминланган фойзли кредитдан фарқли равишда *мушорака*да молиялаштирувчи томон пул тикилган бизнесга бевосита боғлиқ бўлади, бизнес қанчалик молиявий жиҳатдан муваффақиятли бўлса, молиялаштирувчи томон ҳам шунчалик кўп даромад олади. Зарар ҳам шундай. Шунинг учун ушбу битим икки томон учун адолатли битим ҳисобланади.

*Мушорака* – томонларнинг шартнома асосидаги муносабатлари бўлиб, бунда ҳуқуқий жиҳатдан тўғри, яроқли бўлган шартномага хос бўлган жиҳатлар албатта мавжуд бўлиши керак, жумладан:

- томонлар шартномани имзолашга қодир бўлишлари;
- битимга мажбурий эмас ихтиёрий тарзда киришилаётган бўлиши;
- ноқонуний шарт ва мажбуриятларни ўз ичига олмаслиги;
- шартномага алоқадор маълумотлар икки томон учун ҳам бирдек очиқ-ойдин бўлиши.

Шу билан бирга фақат *мушорака* шартномасига хос бўлган жиҳатлар борки, улар куйидагилардир:

- томонларнинг фойдадаги улуши шартнома тузиш пайтида келишилган бўлиши керак, акс ҳолда шартнома шаръий жиҳатдан кучга эга бўлмайди;

- ҳар бир шерик учун фойда улуши, олинган ҳақиқий фойдага мос равишда тақсимланади, яъни фойда кўрилса унга фойдадан аввалдан келишилган нисбатда улуш ажратилади, агар фойда кўрилмаса улуш ажратилмайди;

- ҳар қандай шерикка қатъий миқдордаги тўловлар қилинишига келишиш ёки унинг бизнесга киритган сармояси асосида фойда миқдорини олдиндан белгилаш мумкин эмас.

Ислом уламолари ижтиҳодига кўра оддий ҳолатда фойда ва сармоя нисбати бир биридан фарқ қилиши мумкин, аммо агар шерикларнинг бири бизнесда фаол иштирок этмайман, *мушорака* шартномаси давомида фақат сармоядор сифатида қоламан деса, у ҳолда унинг фойдадаги улуши унинг умумий сармоядаги улушига мос ёки ундан камроқ бўлиши мумкин, лекин ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Барча мусулмон уламолари зарарларни тақсимоли масаласида яқдиллар, яъни кўрилган зарарлар ҳар бир бизнес ҳамкорнинг киритган сармоясига мос равишда тақсимланади.<sup>49</sup> Масалан, корхона (ёки бизнес лойиҳа) доирасида молиявий зарар кўрилса, 40% сармоя киритган бизнес ҳамкорнинг зарари ҳам шунча, яъни 40% бўлади, 60% киритганники ҳам мос равишда 60% бўлади. Бунга зид бўлган ҳар қандай келишув шартномани бекор қилади.

*Мушорака* қуйидаги ҳолатларда яқунланган ҳисобланади:

Ҳар қайси шерик *мушорака* битимини бошқа шерикларни бу ҳақда огоҳлантирган ҳолда тугатиш ҳуқуқига эга. Бу ҳолатда, агар шерикларнинг мулки пул кўринишида бўлса унда шу пул маблағлари уларнинг *мушорака* доирасида киритган сармоясига мутаносиб равишда тақсимланади. Аммо агар мулк сотилмаган бўлса, у ҳолда томонлар мулкни сотишга ёки ўртада бўлиб олишга келишиб олишлари мумкин. Агар бунда бирор томон шу мулкни сотиб, тушган пулни бўлиб олиш, бошқа томон эса мулкни ўзини ўртада бўлиб, тақсимлаб олиш тарафдори бўлса, бу ҳолда тақсимлаб олиш тарафдори

---

<sup>49</sup> Бурҳониддин Марғинович. Ал-Ҳидоя Шарҳ Ал-Бидоя. // Таржимон А.Қамбаров ва бошқ. Т: Нилол нашр. 1, 2, 3 жузлар. 2020, 2021 ва 2022 й. 2094 б.

бўлган томоннинг хоҳиши инобатга олинади. Лекин агар ўртада автомашина каби бўлиб бўлмайдиган мулк бўлса у холда бу мулк сотилиб, тушган пул ўртада тақсимланиши керак бўлади.

Агар томонлардан бири қандайдир сабаб туфайли савдо, тижорат амалиётларини бажаролмайдиган ҳолатга тушиб қолса ҳам (яъни ўз хатти-ҳаракатларига жавоб беролмайдиган ёки савдо, тижорат, тадбиркорлик битимларини бажаролмайдиган бўлиб қолса) ёки вафот этса *мушорака* яқунланган ҳисобланади (вафот этган шерикнинг меросхўрлари у киритган улушни чиқариб олишлари ёки *мушорака* шартномасини қолган шериклар билан давом эттиришлари ҳам мумкин).

Агар шериклардан бири *мушоракани* яқунламоқчи бўлса-ю, бошқа шериклар бизнесни давом эттиришни хоҳлашса бу масалани ўзаро келишув асосида амалга ошириш мумкин. Бунда бизнесни давом эттиришни хоҳловчи шериклар бизнесни яқунламоқчи бўлган шерикларининг улушини сотиб олишлари мумкин, чунки битта шерикнинг *мушоракадан* чиқиши, бошқаларининг бир-бири билан шерикчилиги яқунланганлигини англамайди.

*Мушораканинг* яна бир тури *мушорака мутанақиса*, яъни камайиб борувчи мушорака дейилади. *Мушораканинг* ушбу турининг моҳияти қуйидагича: масалан ислом банки-сармоядор ва унинг мижози бирор мол-мулк эгалигида ёки тижоратда шерик сифатида иштирок этадилар. Бунда сармоядорнинг мулкдаги улуши бир неча қисмларга бўлинади ва мижоз ушбу қисмларни маълум муддат ичида сотиб олади. Келишилган муддат ичида сармоядорнинг барча улушини сотиб олган мижоз мулкнинг (ёки корхонанинг) тўлиқ эгасига айланади.

Бугунги кунда ислом молия муассасалари ушбу *мушорака* туридан асосан уй-жой сотиб олишни молиялаштиришда фойдаланишмоқда.

Ушбу шартнома сармоядорга мулкдаги улуши эвазига ижара ҳақи тўловлари шаклида даромад олиш ва шу билан бирга, улушини қисман-қисман

ва мунтазам равишда мижозга сотиш орқали киритган сармоясини тўлик равишда қайтариб олиш имконини беради.

*Музораба* – шерикчиликнинг ўзига хос бир тури бўлиб, бунда бир томон маблағ (сармоя) беради, иккинчи тараф шерикчилик доирасидаги бизнесни (яъни корхона ёки тадбиркорлик лойиҳасини) бошқаради. Маблағ тақдим қилган томон *роббул мол* дейилади (араб тилидан мол/маблағ эгаси ёки сармоядор деб таржима қилиш мумкин), лойиҳани бошқарувчи эса *музориб* дейилади.

Агар Сармоядор *Музориб* билан муайян бир бизнес юзасидан келишса ва айнан ўша бизнесга пул тикса, буни номи *чекланган музораба* (араб тилида *музораба ал-муқояда*) дейилади. Лекин сармоядор *музорибга* тикилган сармоя доирасида музориб истаган ҳар қандай ҳалол бизнес тури билан шуғулланиш ваколатини берса, у ҳолда бунинг номи *чекланмаган музораба* (араб тилида *музораба ал-мутлақ*) дейилади.

*Музориб* бизнес доирасида ўзи лозим топгандек фаолият юритиши мумкин, аммо агар бирор ноодатий, ноёб амалиёт бажариш зарурати туғилса у ҳолда *музориб* сармоядорнинг розилигини олиши керак бўлади.

*Музораба* шартномаси кучга эга бўлиши учун томонлар (яъни Сармоядор ва *Музориб*) фойда тақсимоти ҳақида келишиб олишлари зарур. Шариатда фойда тақсимоти масаласида аниқ бир кўрсатма йўқ, яъни *музораба* иштирокчилари фойдани турли нисбатда бўлишлари мумкин.

Фойдадаги улуш, олинган фойда асосида тақсимланади, яъни фойда кўрилса фойдадан аввалдан келишилган миқдорда улуш ажратилади, агар фойда кўрилмаса улуш ажратилмайди. Шу туфайли, томонлар қатъий миқдордаги тўловлар қилинишига келишишлари мумкин эмас.

*Музориб*, фойдадаги келишилган улушдан ташқари маош ёки мукофот талаб қилиши мумкин эмас.

Агар *музораба* доирасида баъзи бизнес йўналишларда зарар, баъзиларида эса фойда кўрилса, олинган фойда кўрилган зарарларни қоплашга



йўналтирилади, агар фойда ортиб қолса у ҳолда қолган фойда томонлар ўртасида келишилган нисбатда тақсимланади.

Ҳар қайси томон *музорабани* бошқа томонни оғоҳлантирган ҳолда тугатиш ҳуқуқига эга. Агар *музораба* якунланиш пайтида барча активлар пул кўринишида бўлса ва қандайдир фойда олинган бўлса, у ҳолда ушбу фойда томонлар ўртасида аввалдан келишилган нисбатда тақсимланади, лекин агар активлар мол (маҳсулот) кўринишида бўлса, у ҳолда *музорибга* ушбу молларни сотиш ва ҳақиқий фойдани аниқлаш вазифаси топширилади.

*Музораба* шартномаси одатда музориб томонидан бизнесга маблағ киритилишини кўзда тутмайди. *Музориб* фақат бизнесни бошқариш учун жавобгар бўлса, *Робб ул-мол* бизнесни сармоя билан таъминлашга масъул бўлади. Аммо баъзида *музориб* ҳам бизнесга сармоя киритишни истайди, ана шундай ҳолатларда *мушорака* ва *музораба* шартномалари бирлашади.

Бундай ҳолатда музориб ўзи киритган сармоя учун муайян улуш, ҳамда бизнесни бошқаришдаги фаолияти учун яна маълум улуш талаб қилиши мумкин.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда ҳам *мушорака* ва *музораба* шартномаларини бемалол қўллаш мумкин. Агар инвестиция лойиҳаси тўлиғича бир сармоядор томонидан бошқарилиши кўзда тутилса *музораба* шартномаси, агар сармоя икки ёки ундан ортиқ сармоядор томонидан киритилса у ҳолда *мушорака* шартномаси қўлланади. Бу ҳолатда, агар лойиҳа бошқаруви фақат бир сармоядор томонидан амалга оширилиши, маблағ эса барча сармоядорлар томонидан киритилиши кўзда тутилган бўлса, *музораба* ва *мушорака* шартномалари бирлашуви қўлланади.

*Муробаҳа* бугунги кунда ислом молия муассасалари томонидан тадбиркорлик/тижорат лойиҳаларини молиялаштириш учун кенг қўлланилади, ваҳоланки *муробаҳа* дастлаб ислом фикҳида фақат савдо шартномаси тури сифатида маълум бўлган ва молиялаштиришга умуман алоқаси бўлмаган.

*Муробаҳа* – бу махсус савдо-сотик тури бўлиб бунда сотувчи маҳсулотнинг харид нарҳини, қилинган харажатларни ва унинг устига ўзи қўйган устамани (фойдани) харидорга маълум қилади, агар сотувчи маҳсулотнинг таннарҳини ва ўз устамасини маълум қилмаса, унда бу *муробаҳа* эмас, балки ислом молиясида *мусавама* деб аталувчи оддий савдо битими бўлади.

Сотувчи маҳсулотни харидорга етказиши билан боғлиқ барча харажатлар маҳсулотнинг таннарҳига қўшилади ва ҳосил бўлган нарҳга устама белгиланади, аммо сотувчининг маҳсулотни харидорга етказишига бевосита алоқаси бўлмаган жорий харажатлари маҳсулотга нарх белгилашда инобатга олинмайди.

Томонлар маҳсулот нарҳининг бирданига тўланишига ҳам, кейинроқ, яъни маълум бир муддат ичида тўланишига ҳам келишишлари мумкин.

*Муробаҳа* фақатгина тўлов муддати узайтирилган савдо битими деган тушунча бугунги кунда ислом банклари ўз даромадларини асосан ушбу молия маҳсулотидан фойдаланган ҳолда, яъни маҳсулотни устига устама қўйиб муддатли тўлов асосида сотаётганликлари ва шу орқали даромад олаётганликлари учун пайдо бўлган.

*Муробаҳа* битими маҳсулотнинг нарҳи аниқ бўлсагина ҳуқуқий кучга эга бўлади. Акс ҳолда маҳсулот муробаҳа шартномаси орқали эмас, балки *мусавама* деб аталадиган оддий савдо амалиётидан фойдаланган ҳолда сотилиши керак.

Масалан, сотувчи 200\$ га қўл телефони ва рақамли камера сотиб олса, унда шу қўл телефони ва рақамли камерани бир *муробаҳа* битими орқали сотиши мумкин, аммо қўл телефонининг ўзини *муробаҳа* битими орқали сотолмайди, чунки бунда маҳсулотнинг нарҳи аниқ эмас. Агар сотувчи қўл телефонини ўзини сотмоқчи бўлса, унда *мусавама* орқали сотиши мумкин, чунки бунда маҳсулотнинг таннарҳини, харажатларни ва устама/фойдани кўрсатиш талаб қилинмайди.

Замонавий уламолар *муробаҳани* молиялаштириш маҳсулоти (усули) сифатида қўллашга рухсат беришган. Аммо бунда баъзи шартлар борки, агар уларга амал қилинмаса *муробаҳа* битими шаръий жиҳатдан ножоиз бўлади.

Ушбу шартлар қуйидагилардир:

- *муробаҳа* фақатгина мижоз учун зарур бўлган муайян маҳсулотни, шу жумладан эҳтиёт қисмлар ёки ишлаб чиқариш учун керакли бўлган хом ашё сотиб олиб бериш учун қўлланилади. Ходимларга ойлик бериш ёки коммунал тўловларни амалга ошириш учун *муробаҳа* қўлланилиши мумкин эмас;

- молия муассасаси мижозга сотилаётган маҳсулотга эга бўлиши керак, яъни ўзи эга бўлмаган маҳсулотни сотиши мумкин эмас;

- маҳсулот молия муассасаси эгалигида бўлиши, маҳсулот харид қилиниб мижозга етказиб берилгунга қадар бўлган қисқа муддат ичида молия муассасасининг хатари доирасида бўлишини аниqlатади, яъни шу давр ичида маҳсулотга бирор талафот етиш хатари молия муассасасининг зиммасида бўлади;

- маҳсулот учинчи тараф/шахсдан сотиб олинлиши шарт, яъни мижознинг ўзига тегишли бўлган маҳсулот *муробаҳа* шартномаси доирасида сотиб олинлиши мумкин эмас, чунки бунда мижоз ўзида бор маҳсулотни *муробаҳа* орқали сотиб олиши, унинг бу битимни молиявий маблағ жалб қилиш мақсадидагина амалга оширмоқчи эканлигини билдиради, бу эса *муробаҳа* битимига зиддир.

# Муробаҳа битими (молия муассасаси иштирокида – соддалаштирилган)



**2.2-расм. Муробаҳа битимини амалга ошириш кетма-кетлиги<sup>50</sup>**

Инглиз тилида лизинг (leasing) деб аталувчи *ижара* битими ҳам дастлаб молиялаштириш усули сифатида ишлатилмаган. Бу бир томоннинг мулкни бошқа томонга, келишилган муддат ва тўлов асосида фойдаланиш ҳуқуқини берувчи битим бўлган. Кейинчалик баъзи молиявий муассасалар фоизга асосланган кредит ўрнига лизинг амалиётидан молиялаштириш учун фойдалана бошлашган. *Ижаранинг молиявий лизинг* деб аталувчи тури бўлиб, унда операцион *ижаранинг* бир қанча асосий хусусиятлари йўқ.

Маълум муддат ичида лизинг бутун дунёда молиялаштириш усули сифатида танилди. Тез орада ислом молия муассасалари ҳам *ижарадан* фоизсиз молиялаштириш учун фойдаланиш мумкинлигини ва бу шариатга зид эмаслигини англашган. Шу сабабли, ислом молия муассасалари анъанавий молия муассасалари томонидан қўлланадиган *молиявий лизинг* шартномалари намуналаридан амалда фойдалана бошлашган, ваҳоланки уларнинг бир қатор шартлари шариатга мос бўлмаган.

<sup>50</sup> Ушбу расм муаллиф томонидан тайёрланган.

Лизинг амалиётидан ислом молияси тамойилларига мувофиқ равишда фойдаланиш, яъни уни молиялаштириш маҳсулоти сифатида ишлатиш мумкин, бунинг учун *ижара* битими маълум талаблар асосида ишлаб чиқилиши керак бўлади. Албатта, бунда “фоиз” сўзини “ижара”га, “ипотека” сўзини “ижарага олинган мулк”га ўзгартириб қўйиш билан ислом тамойилларига мувофиқ бўлиб қолмайди. Қуйида замонавий молиявий лизинг ва исломда рухсат этилган *ижара* ўртасидаги асосий фарқлар кўрсатиб ўтилган.

Лизингнинг маъноси бирор бир мулкни шартнома асосида ва муайян тўлов эвазига вақтинча фойдаланишга беришдир.

Савдо битимидан фарқли ўлароқ, *ижара* шартномаси келажакдаги бирор муайян санадан бошланиш шarti билан тузилиши ҳам мумкин (масалан *ижара* шартномаси 2020 йил 1 январ куни тузилади, лекин 2020 йил 3 февралдан бошлаб кучга киради ва ижара ҳам 3 февралдан бошланади).

Демак, шариатда бирор нимани олдиндан сотиш таъқиқланган бўлсада, *ижара*да бунга рухсат берилади, албатта бунда ижара ҳақи тўлаш ҳам ижарага берилаётган мулк ижара олувчига етказилгандан кейин бошланади.

Баъзи лизинг шартномалари, лизинг берувчи тўловни амалга оширган кундан бошлаб кучга киришини кўзда тутаяди, бунда лизинг олувчи мулкни қабул қилиб олган ёки олмаганлиги эътиборга олинмайди. Бу эса, лизинг олувчининг (лизинг бўйича) жавобгарлиги (масъулияти) лизингга олинаётган мулкни қабул қилиб олишидан олдин бошланишини англатади. Аммо шариатда бунга йўл қўйилмайди, чунки бу худди мижозга берилган пул учун ижара ҳақи олишдек гап, яъни бу рибога тенглаштирилади. Ислом молияси тамойилларига кўра ижара ҳақини ҳисоблаш, лизинг олувчи мулкни қабул қилиб олганидан кейин бошланади.

*Салам* луғатда таслим қилиш, бериш маъносини англатади. Шариатда эса, зиммадаги сифати баён қилинган молнинг қийматини олдиндан беришга айтилади. Бундай савдони *салаф* ҳам дейилади, бу «қиймати олдин берилган» деган маънони англатади.

*Салам* шундай олди-сотди шартномасики, унга кўра сотувчи муайян бир маҳсулотни харидорга келишув вақтида тўланадиган ҳақ эвазига келажакдаги маълум бир санада етказиб бериш мажбуриятини зиммасига олади. Ушбу савдода маҳсулот учун ҳақ дарҳол, яъни шартнома тузилган пайтда тўланади, маҳсулот эса кейинроқ, яъни келишилган пайтда етказиб берилади. Бу савдо тури харидор учун ҳам, деҳқон учун ҳам манфаатли, чунки бунда ҳосил йиғилгунча пулга муҳтож бўлган деҳқон ўзи етиштирган зироат маҳсулотларини олдиндан сотиш имкониятига, харидор эса пулни олдиндан тўлагани учун маҳсулотни арзонроқ нархга сотиб олиш имкониятига эга бўлади.

*Салам* савдосида келажакка боғланган олди-сотдиларни тақиқловчи қонунларга истисно тарзида руҳсат берилган. Шунинг учун ҳам, *салам* савдосини тартибга солувчи шартлар анча қаттиқ.

*Салам* битими шартлари:

- Биринчидан, *салам* дуруст бўлиши учун харидор олди-сотди битимини имзолаётган пайтда сотувчига мол нархини тўлиқ тўлаши керак. Бу нарса шарт, чунки харидор маҳсулот учун тўловни амалга оширмаса, бу худди қарз нарсани қарзга савдо қилгандек бўлиб қолади (араб тилида *Бай ал-дайн* дейилади). Бундай савдо эса ислом молиясида тақиқланган. Бундан ташқари, *салам*га руҳсат берилишининг асосий ҳикмати сотувчининг савдо вақтидаги пулга бўлган эҳтиёжини қондиришдир. Агар маҳсулот учун тўлов тўлиқ равишда амалга оширилмаса, битим ўз моҳиятини йўқотади;

- *Салам* савдоси фақат сифати ва сони/миқдори аниқ ўлчанадиган маҳсулотларга нисбатан қўлланилиши мумкин. Сифати ва миқдорини аниқ ўлчаб бўлмайдиган нарсаларни *салам* орқали сотиб бўлмайди. Масалан, қимматбаҳо тошларни *салам* орқали сотиб бўлмайди, чунки ҳар бир қимматбаҳо тош бошқа қимматбаҳо тошдан сифати, ҳажми ёки оғирлиги жиҳатдан фарқ қилади, ва уларнинг аниқ тавсифини бериш деярли имконсиз;

- *Салам* савдосини муайян бир мол ёки муайян бир дала ёки хўжаликнинг маҳсулотига қўллаб бўлмайди, чунки ўша даланинг буғдойи ёки

ўша дарахтнинг меваси етказиб берилишдан олдин нобуд бўлиши мумкин. Демак, шундай эҳтимол бор экан, етказиб бериш масаласи ноаниқликча қолади. Ушбу қоида етказиб берилиши ноаниқ бўлган ҳар бир маҳсулотга нисбатан қўлланилади;

- *Салам* орқали сотилиши мўлжалланган маҳсулот тўлиқ таснифланиши шарт. Низога сабаб бўлувчи биронта тушунарсиз ҳолат қолмаслиги керак;

- Маҳсулотнинг миқдори ҳам умумий ўлчов/вазн бирликларида келишилган бўлиши керак;

- Шартномада етказиб беришнинг аниқ вақти ва жойи келишилган бўлиши лозим;

- *Салам* олди-сотдиси битим имзоланиши билан дарҳол етказиб берилиши шарт бўлган нарсаларга нисбатан қўлланилмайди.

Барча мусулмон ҳуқуқшунослар юқоридаги барча шартлар тўлиқ бажарилмагунча *салам* савдоси дуруст бўлмаслигига иттифоқ қилишган.

*Салам* шартномаси каби маҳсулот пайдо бўлишидан олдин унинг олди-сотдиси амалга ошириладиган яна бир шартнома – тижорат тури *истисна* деб аталади. Бунда буюртмачи миждоз/харидор ишлаб чиқарувчи ёки қурувчи ташкилотга муайян маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки бирор иншоотни қуриб бериш буюртмасини беради. *Истисна* шартномасида ишлаб чиқарувчи талаб этилган маҳсулотларни ўз хом-ашёсидан ишлаб чиқаради. Агар ишлаб чиқарувчи буюртма берилган маҳсулотни ишлаб чиқариш мажбуриятини олса *истисна* битими юзага келади. *Истисна* жоиз бўлиши учун ишлаб чиқарилиши кутилаётган маҳсулот нархи томонларнинг розилиги билан белгиланиши, ҳамда маҳсулотнинг барча хусусиятлари бўйича бир келишувга эришишлари лозим.

*Истисна* шартномаси ишлаб чиқарувчига маҳсулотни ишлаб чиқариш масъулиятни юклайди, аммо, у ишлаб чиқаришни бошламасдан олдин томонлардан бири иккинчи томонга огоҳлантириш берган ҳолда, шартномани бекор қилиши мумкин. Бироқ, ишлаб чиқарувчи маҳсулотни ишлаб

чиқаришни бошлагандан кейин шартномани бир томонлама бекор қилиб бўлмайди.

*Истиснанинг ўзига хос жihatларини инобатга олиб, Истисна ва салам ўртасидаги бир неча фарқлар қуйида ёритиб ўтилган:*

- *Истисна* шартномасининг мавзуси (субъекти) доимо ишлаб чиқариш талаб этиладиган нарса бўлади. *Салам* битимида эса ишлаб чиқариш талаб этиладиган ёки талаб этилмайдиган нарса ҳам бўлиши мумкин;

- *Салам* савдосида маҳсулот нархи тўлиқ равишда олдиндан тўланиши шарт, *истиснада* эса шарт эмас;

- *Салам* шартномаси кучга киргандан сўнг бир томонлама бекор қилиниши мумкин эмас, лекин *истисна* шартномаси ишлаб чиқарувчи ишни бошламасдан олдин бир томонлама бекор қилиниши мумкин;

- *Салам* савдосида етказиб бериш муддати шартноманинг энг муҳим қисми саналади, аммо *истисна* шартномасида етказиб бериш муддатининг кўрсатилиши шарт эмас.

*Истисна* шартномасида ишлаб чиқарувчи талаб этилган маҳсулотларни ўз хом-ашёсидан ишлаб чиқаради. Шунинг учун ҳам, *истисна* бўйича ишлаб чиқарувчи, агар унда керакли хом-ашё мавжуд бўлмаса, ишлаб чиқарувчи керакли нарсаларни сотиб олади ва маҳсулотни тайёрлаш учун зарур ишларни амалга оширади. Агар керакли хом-ашё мижоз томонидан етказиб берилса, ишлаб чиқарувчи фақат меҳнат қилади ва бу битим *истисна* эмас, балки *ижара* дейилади. Чунки бунда мижоз ишлаб чиқарувчининг меҳнати (хизмати)ни маълум ҳақ эвазига ижарага оляпти.

Қарздор ўз қарзини бошқа бировга ўтказишига *ҳавала* (ёки ўзбекчасига *ҳавола*) дейилади. Қарзни ўтказиш битими кучга эга бўлиши учун қуйидаги шартларга жавоб бериши керак:

- томонларнинг, хусусан қарздорнинг қарзни бошқа бировга ўтишига рози бўлиши (чунки уни қарзни тўлашнинг бирор бир усули билан чеклаш мумкин эмас);



- бошланғич қарз миқдори, кўриниши, тавсифи ва бошқа жиҳатлари ўтказиб берилаётган қарз билан бир хил бўлиши керак.

Агар ҳавола қилинган (иккинчи) қарздор қарзни белгиланган муддатда тўлолмаса, у ҳолда қарз берган томон биринчи қарздордан қарзни қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Бир жойдан иккинчи жойга пул ўтказиш/етказиб беришни ҳам *ҳавала* деб аташади. *Ҳавала* сўзи араб тилидан *тилхат* деб таржима қилинади. Бунда тилхат берувчи тараф ўша тилхатда кўрсатилган миқдордаги пул маблағини бошқа шаҳар/мамлакатда тилхат тақдим қилинган пайтда қайтариб беришни ўз зиммасига олади. Албатта бу пуллик хизматлар қаторига киради.

Замонавий банклар томонидан қўлланилувчи *йўл чеклари* ҳам *ҳавала*га мисол бўлиши мумкин (йўл чеклари бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга саёҳат пайтида жуда қулай бўлган молиявий восита бўлиб, бунда нақд пул банк тарафидан тақдим этилган чек (патта) кўринишига келтирилади ва саёҳатга нақд пулни йўқотиш ёки ўғирлатиш хавфсиз чиқилади).

*Ҳавала* бўйича жавобгарлик, олинган пул бўйича мажбуриятлар бажарилгандан сўнг, ёки томонларнинг ўзаро келишуви билан ёки пул берган томоннинг қарздан/ берган пулидан кечиб юбориши билан якунига етади. Агар пул ўтказиш амалиёти билан шуғулланувчи томон вафот этиб қолса ёки юридик шахс сифатида тугатилса ҳам унга *ҳавала* асосида тақдим этилган пул маблағлари учун жавобгарлиги (масъулияти) йўқолмайди, балки унинг ҳуқуқий ворислари ёки меросхўрлари томонидан ёки унинг мол-мулки ҳисобидан (бошқа қарз берувчилар билан бир қаторда) қопланади.

## **2.2. Анъанавий ва ислом банклари фаолияти самарадорлигининг қиёсий таҳлили**

Анъанавий ва ислом банклари ва ўртасида бир қатор фарқли жиҳатлар мавжуд. Анъанавий молия тизими ва ислом молия тизими ўртасидаги асосий фарқ пулга бўлган муносабат билан белгиланади. Анъанавий банк пулни сотиш ёки “ижарага бериш”, яъни мижозга фоиз асосида маълум муддат

фойдаланиб туришга бериш мумкин бўлган маҳсулот сифатида кўради. “Ижарага берилган” қарз маблағларини йўқотиш хавфи кам, чунки қарз маблағи ҳам, қарз бўйича фоизлар ҳам лойиҳанинг муваффақияти ёки муваффақиятсизлигидан қатъий-назар доимо кафолатланган бўлади. Ислом эса, фоиз асосида молиялаштириш адолат тамойилига зид дейди, чунки бунда томонларнинг бирига, яъни ё қарз берувчига ёки қарз олувчига нисбатан адолатсизлик содир бўлади, чунки қарз олувчи зарар кўрса ҳам олдиндан ўрнатилган даромадни талаб қилиш унга нисбатан адолатсизлик, қарз олувчи кутилганидан кўп фойда кўрса ҳам олдиндан белгиланган даражада даромад бериши қарз берувчига нисбатан адолатсизлик бўлади. Шу сабабли ислом банклари пулга маҳсулот сифатида қарамасликлари, балки ҳар бир лойиҳада ўзларини сотувчи ёки бизнес ҳамкордек тутишлари керак бўлади. Агар бизнес лойиҳа иштирокчилари хатар ва йўқотишларни ўзаро тақсимлаб олишса, у ҳолда улар ишни эҳтиёткорлик билан олиб боришади. Албатта бу, бизнес ҳамкорлар ўртасида ишонч асосидаги муносабатларни шакллантиради, ҳамда адолатли ва молиявий барқарор ҳамкорлик муҳити яратилишини кўп жиҳатдан таъминлайди.

Ғарарни тақиқлаш орқали ислом банклари ўзларининг мижозлар билан бўлган муносабатларида мавҳумлик, ноаниқлик, ҳийла-найранг ва шу билан боғлиқ хатарларнинг олдини олишади. Бугунги кунда, кўпчилик одамлар молиявий билим етишмаслиги, жоҳиллик ва ишонувчанлик сабаб, кўп ҳолларда атайин мураккаб тузилган шартнома ва битимларда кўзда тутилган шартлар, даврий ва умумий тўловлар ҳақидаги тушунарсиз маълумотлар, жарималар ҳамда икки маънога эга бўлган бошқа маълумотларни тўлиқ тушуниб етмаслик оқибатида “молиявий пирамида” ташкилотчилари каби турли фирибгарлар ёки шундай молия муассасалар фаолияти туфайли жиддий моддий зарар кўраётганлиги кўпчиликка маълум. Ислом, бир томоннинг бошқа томон тарафидан ҳар қандай кўринишда бўлмасин эксплуатация қилинишини тақиқлайди ва шу сабабли ислом молиясида ўзаро келишаётган томонлар ўртасидаги битимларда ҳеч қандай мавҳумлик/ноаниқликка йўл

қўйилмаслигини таъминлашга катта эътибор қаратилади. Бизнес муносабатларда ҳамкорлик муҳитининг бўлиши ўртада ишонч асосидаги муносабатларни шакллантиришга хизмат қилиши эътироф этилади.

Ғарарнинг тақиқланиши ислом молиясини спекулятив деривативлар (ҳосилавий қимматли қоғозлар) туфайли пайдо бўладиган жиддий тизимли хатарлардан ҳимоя қилади. Шу ерда АҚШлик машҳур сармоячи Уоррен Баффетнинг сўзларини ёдга олиш мақсадга мувофиқ: “Ҳосилавий қимматли қоғозлар молиявий қирғин қуролидир”<sup>51</sup>. Кўпчилик молиячилар деривативлар қимор ўйинларининг қонунийлаштирилган шакли эканлигини таъкидлашади<sup>52</sup>. Ваниҳоят, ислом банк-молия тизими иқтисодий “пуфак” ва инқирозларни юзага келтирувчи ҳаддан ортиқ молиявий чайқов амалиётларини, улар жиддий молиявий-иқтисодий инқирозларга олиб келиши сабабли тақиқлайди. Шунингдек жамиятда бойликларни адолатсиз равишда тақсимланишига ва бунинг оқибатида жамият аъзолари ўртасида турли салбий муносабатлар шаклланишига олиб боровчи қимор ўйинларини ҳам тақиқлайди.

Юқоридаги тақиқлардан ташқари, ислом молия тизимининг энг муҳим хусусиятларидан бири ҳар қандай молиявий амалиёт реал активлар билан таъминланган бўлиши шартлигидир. Анъанавий молиялаштиришда молия муассасалари фақат пул бирликлари билан ишлашади, молиялаштирилаётган лойиҳа доирасидаги активларга эса бу уларга бевосита алоқаси бўлмаган иккиламчи масала сифатида қарашади, чунки аввалроқ айтиб ўтилганидек, улар инвестиция ва тижорат лойиҳалари натижасидан қатъий назар қафолатланган фоиз-даромад олишади. Ислом молиясида эса, пул савдо моли сифатида тан олинмайди, чунки у ички қийматга эга эмас, у бор-йўғи алмашинув воситаси. Ислом банклари пул эвазига ички қийматга эга бирор активнинг устига устама қўйиб сотиш ёки инвестиция-тижорат лойиҳаларига сармоядор-ҳамкор сифатида пул киритиш ҳисобига фойда олишади. Бунда улар турли олди-сотди шартномаларидан (масалан, *муробаҳа* битимидан)

---

<sup>51</sup> <https://www.berkshirehathaway.com/2002ar/2002ar.pdf>

<sup>52</sup> <https://corporatefinanceinstitute.com/resources/knowledge/trading-investing/derivatives-market/>

ҳамда *мушорака* ва *музораба* сифатида танилган ислом молия маҳсулотларидан фойдаланишади. Реал актив асосидаги битимлар қўлланганлиги ва бевосита лойиҳаларда фойда-зарарга шерик бўлган ҳолда иштирок этилгани сабаб молиявий барқарорлик ва реал иқтисодий ўсиш ҳамда ривожланиш таъминланади. Бундай ёндашув самарали ишлаб чиқаришни самарасиз ишлаб чиқаришдан ажратиб олиш ҳамда бойликларни яхшироқ тасарруф қилиш имконини беради, чунки лойиҳанинг ижобий натижасидан ҳар икки томон манфаатдор. Бу шунингдек, таъминланмаган пуллар кўпайишини ҳам олдини олади ва ижтимоий адолатни таъминлашга муайян даражада ҳисса қўшади.

Анъанавий банк-молия муассасалари эса фоизли кредитлар бериш орқали пулдан реал активлар билан таъминланмаган пул яратишади ва уларнинг қўламини кенгайтиришга ҳисса қўшишади, бу эса жаҳон молия тизимини вақти-вақти билан жиддий инқирозларга киришига сабаб бўлади<sup>53</sup>. Лекин ҳали кўпчилик ислом ва анъанавий банклар томонидан таклиф қилинадиган маҳсулот ҳамда хизматлар ўртасидаги фарқни тушунмайди. Улар, ислом банклари анъанавий банк маҳсулот ва хизматларининг номи ўзгартирилган кўриниши, ислом банклари анъанавий “фоиз”ни “даромад” деб номлашади ва одамларни чалғитиш учун арабча атамалардан фойдаланишади дейишади. Ислом банклари қай тариқа ишлашини билмай туриб бундай хулосаларга келиш тўғри эмас, чунки бу бошқаларда ислом банк-молия тизими ҳақида нотўғри тушунча ҳосил бўлишига ва шу орқали тизимни ривожланишига ҳалал беради.

Ислом банк тизими ривож ва унинг маҳсулотларини амалиётга татбиқ қилиш жараёнида турли муаммоларга дуч келиниши, хато-камчиликлар бўлиши табиий. Чунки бу соҳа жаҳон миқёсида ҳам ривожланиш жараёнида. Шариятга мос келувчи банк маҳсулот ва хизматларини ишлаб чиқиш ва татбиқ

---

<sup>53</sup> <https://internationalbanker.com/history-of-financial-crises/history-of-financial-crises/>

1907 йилдаги Knickerbocker инқирози, 1989 йилда АҚШдаги жамғарма ва кредит инқирози, 1992 йил Японияда бошланган инқироз, 1997-1998 йилларда Жанубий ва Жанубий-шарқий Осиё минтақасида бошланган инқироз.

этиш мураккаб жараён, чунки бунда кўпчилик томонлар, жумладан банк олий бошқаруви, шаръий кенгаш, хатарларни бошқариш, молиявий режалаштириш, ғазначилик, шунингдек аудит ва рейтинг агентликлари, ҳуқуқшунослар ва бошқалар иштирок этади ва бу томонларнинг мақсади ва вазифаси доим ҳам бир бирига мос келавермайди. Лекин шунга қарамай, ислом банклари енгил йўлдан бориб, молиявий маҳсулот ва хизматларнинг моҳиятига тегмасдан, фақат шаклини ўзгартириб, анъанавий банк-молия тизими маҳсулотларидан нусха олмаслиги муҳим аҳамиятга эга. Ислом молия маҳсулотлари ҳамкорлик ва тадбиркорликнинг руҳиятини акс эттириши лозим.

Банк-молия муассасалари мижозлари, анъанавий банк тизимида амал қилувчи ва асосан банк манфаатини кўзловчи мижоз/омонатчи – банк, қарз олувчи – банк молиявий муносабатлари ҳамда ислом банк тизимидаги икки томоннинг (яъни мижоз ва банкнинг) биргаликдаги манфаатини инобатга олувчи *мушорака*, *музораба* (ҳамкорликнинг бир тури бўлиб, бунда бир томон лойиҳага маблағ киритади, иккинчи тараф эса лойиҳани бошқаради), *муробаҳа*, *ижара*, *истисна*, *салам* (асосан қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган, олдиндан молиялаштиришни кўзда тутувчи шартнома), *сукук* (қимматли қоғозлар ёрдамида молиялаштириш) каби иқтисодий-молиявий ҳамкорлик муносабатлари ўртасидаги фарқни англаши ва икки томон учун ҳам бирдек манфаатли бўлган бундай тизим, замонавий банк-молия соҳасини ривожланишига ҳам ёрдам бериши мумкинлигига ишонч ҳосил қилиши лозим. Ислом банклари ўз мижозлари билан ҳамкорлик қилиш орқали улар билан тадбиркорликнинг ҳар қандай турига хос бўлган хатарларни бўлишишини, хатарларни бўлишиш даражаси эса лойиҳалаштирилаётган тадбиркорлик лойиҳаси, ҳамда молиялаштириш учун қўлланилаётган маҳсулот турига боғлиқ бўлишини тушуниб етиш, жамият аъзоларига бу тизим имкониятларидан тўла-тўқис баҳраманд бўлиш имконини беради, ҳамда ислом банкларининг янада ривожланишини таъминлайди.

Ҳар қандай молия маҳсулоти каби ислом молия маҳсулотлари ҳам турли хатарларга эга ва шу маҳсулотларни қўлловчи ислом молия муассасалари

ушбу хатарларни ўз зиммаларига олишлари керак, бу эса, асосан кредит қайтмаслиги хатари муаммосига эга анъанавий банклардан фарқ қилади. Қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин-ки, ислом банки томонларнинг мавқе ва вазифаларига қараб турли босқичларда турлича хатарларга боради.

2.1-жадвал

**Ислом банкларидаги асосий битимлар ва улар доирасида вужудга келиши мумкин бўлган хатарлар<sup>54</sup>**

Муносабат тури	Шартнома/битим тури	Ислом банки дуч келадиган хатарлар
Ҳамкорлик битими	<b>Мушорака ва Музораба</b>	<b>Инвестиция билан боғлиқ хатарлар</b> (йўқотиш хатари) банкнинг лойиҳага қўшилган вақтидан бошланади ва лойиҳа якунига етгунча давом этади
Савдо шартномалари	<b>Мурабаха</b>	<b>Бозор нархининг ўзгариши билан боғлиқ хатарлар</b> сотувчи (банк) ва харидор ўртасида нарх бўйича бир келишувга эришилган вақтдан бошлаб, маҳсулот харидорга сотилгунча давом этади.  <b>Маҳсулотга эгалик қилиш билан боғлиқ хатарлар</b> банк томонидан маҳсулот сотиб олинган вақтдан уни харидорга қонуний тарзда етказилишига қадар давом этади.  <b>Кредит хатари</b> банк мижозга насияга маҳсулот олиб берганидан, мижоз охириги тўловни амалга оширгунга қадар давом этади.
Ижара шартномаси	<b>Ижара</b>	<b>Активлар (мол-мулк)га эгалик қилишдаги хатарлар</b> ижарага берувчи (банк)дан ижарачи (мижоз)га (активлар) берилган санадан бошланади ва ижара муддати тугагунга, (одатда актив мижозга ўтгунига) қадар давом этади.  <b>Кредит хатари</b> мулк ижарага берилган пайтдан, мижоз сўнгги тўловни амалга оширгунга қадар давом этади.
Олдиндан молиялаштириш битимлари	<b>Салам</b>	<b>Активларни етказиб бериш билан боғлиқ хатарлар</b> (сотувчи/фермер келишилган маҳсулотни етказиб бермаслиги (яъни бундан воз кечиши) ёки етказиб беришни кечиктириши мумкин).  Актив (маҳсулот)ни етказиб бериш вақтида юзага келадиган <b>сифат хатари</b> (бунда фермер

<sup>54</sup> Жадвал муаллиф томонидан шакллантирилган

		<p>келишилгандек эмас, балки пастроқ сифатдаги маҳсулот етказиб бериши мумкин).</p> <p><b>Бозор нархлари ўзгариши билан боғлиқ хатарлар</b> (шартнома тузилган сана ва маҳсулотни харидорга етказиб бериш оралиғидаги давр мобайнида нарх тушиб кетиши мумкин) олдиндан молиялаштириш санасидан бошланиб, маҳсулот (банк томонидан) сотилгунига қадар давом этади.</p>
<p>Ишлаб чиқаришни молиялаштириш</p>	<p><b>Истисна</b></p>	<p>Одатда <b>истисна битимида</b> ишлаб чиқарувчи, банк (яъни молия муассасаси) ва мижоз (яъни харидор) каби томонлар иштирок этади. Ушбу битим доирасида банк қуйидаги хатарлар билан тўқнаш келади:</p> <p><b>Етказиб бериш билан боғлиқ хатарлар</b> – тўлов муддати етиб келганида маҳсулотни ишлаб чиқарувчидан мижозга (банкка) етказилишининг кечикиши.</p> <p><b>Ижро (бажармаслик) хатари</b> – ишлаб чиқарувчи маҳсулотни белгиланган муддатда ишлаб чиқаролмаслиги ёки ишлаб чиқаришни истамаслиги ва шу сабабли банк маҳсулотни якуний истеъмолчига етказиб бериш шартларини бузиши мумкинлиги.</p> <p><b>Сифат хатари</b> – ишлаб чиқарувчи сифатсиз (бузук/нуқсонли) маҳсулотни етказиши ва мижоз (банк) буни маҳсулот етиб келгандагина аниқлаши (кўриши).</p> <p><b>Ишлаб чиқариш харажатларининг ортиб кетиши хатари</b> – ишлаб чиқарувчининг харажатлари кутилганидан (режалаштирилганидан) ошиб кетади ва бу ишлаб чиқарувчининг ўз мажбуриятларини бажармаслигига сабаб бўлади.</p> <p><b>Активларга эгалик хатари</b> – «ёндош (паралел истисна» битимидаги хатар, ишлаб чиқарувчи томонидан етказилган маҳсулотлар харидорга сотилишидан аввал банкнинг бўйнида бўлади.</p> <p><b>Маҳсулот хусусиятлари билан боғлиқ хатарлар</b> – маҳсулотнинг, ишлаб чиқарувчи ва банк/мижоз ўртасида муҳокама қилинган / келишилган хусусиятлари, ҳамда маҳсулот етказиб берилганидан кейин аниқланган хусусиятлар ўртасидаги фарқ туфайли юзага келадиган хатар.</p> <p><b>Тўловни ўз вақтида амалга оширмаслик хатари</b> – мижоз маҳсулот нархини тўлиқ ва ўз вақтида тўламаслиги хатари.</p>

Жадвалдан кўришиб турибдики, ислом банки турли битимларда турлича хатарларга эга бўлар экан. Масалан, агар ислом банки *мушорака* шартномаси доирасида акциядорлик жамиятига кирса, ҳамкорлик давом этгунига қадар зарар кўриш хатарига эга бўлади. *Муробаҳа* битимида банк мулкка (актив) эгалик қилиш даври мобайнида, яъни шу мулк сотилгунча уни йўқотиш хатарига эга бўлади. *Ижара* шартномаларида эса банк мулкка эгалик ҳуқуқи мижозга ўтгунига қадар хатарга эга бўлади. Шу тариқа, ислом банклари таваккалчиликнинг фойдага бўлган нисбати иқтисодий жиҳатдан адолатли эканлигини намойиш этади.

Табиийки, ислом банклари хатар ва таваккалчилик даражасини камайтиришнинг самарали воситаларини ишлаб чиқишган, бироқ, ислом банк-молия тизимининг асосий вазифаси бизнес жараёнларнинг ҳар бир қисми шариатга тўлиқ, яъни унинг асл моҳияти ва руҳиятига мос бўлишини таъминлашдир. Акс ҳолда асосий мақсад даромад олиш бўлиб қолади ва бунда ислом молия муассасаларининг анъанавий молия ташкилотларидан фарқи қолмайди.

2.2-жадвалда анъанавий ва ислом банклари ўртасидаги асосий фарқлар кўрсатиб ўтилган.

2.2-жадвал

### **Анъанавий ва Ислом банклари ўртасидаги асосий фарқлар<sup>55</sup>**

<b>Анъанавий банк</b>	<b>Моҳияти</b>	<b>Ислом банки</b>
Пулнинг вақт ўлчовидаги қиймати тушунчаси. Бунда пулни муайян ҳақ эвазига “ижарага” бериш орқали пул топиш тамойили ишлайди.	Пулнинг вақт ўлчовидаги қиймати ғояси	Фақат реал активлар фойда эвазига олди сотди қилиниши мумкин. Бироқ пулни “ижарага” бериш ёки каттароқ пул эвазига сотишга рухсат берилмайди.
Қарз воситачилиги (омонатчилардан пул олиб, қарз олувчиларга бериш). Қарз берувчи – Қарздор муносабатлари.	Бизнес модел / мижозлар билан муносабатлар	Олди-сотди (савдо) амалиёти ёки ҳамкорлик, яъни фойда/зарарни бўлишиш ва шу орқали даромад олиш тамойилига асосланган муносабатлар.

<sup>55</sup> Жадвал муаллиф томонидан шакллантирилган.



<p>Банк асосан кредит қайтмаслиги билан боғлиқ хатарлар муаммосига дуч келади.</p>	<p>Хатарлар</p>	<p>Молиялаштирилган манбалар қайтмаслиги хатаридан ташқари, лойиҳа ва молиялаштириш маҳсулоти (усули/воситаси)нинг турига қараб бизнес билан боғлиқ турли хатарларга дуч келади.</p>
<p>Кредит асосий молия маҳсулоти бўлиб, даромад кафолатланади.</p>	<p>Маҳсулотлар</p>	<p>Хатар ва фойда ўзаро тақсимланишига асосланган ҳамкорлик муносабатлари (мушорақа, музораба) ёки савдо муносабатлари асосидаги (муробаҳа, ижара ва иқтина, салам...) турли маҳсулотлар. Бундай муносабатлар доирасида Банк ўз зиммасига сотувчи, ишлаб чиқарувчи, ҳамкор, ижарага берувчи ва ҳ.к.з вазифаларни олади. Фойда доимо кафолатланган бўлмайди.</p>
<p>Тўлов кечиктирилганида жарима ундирилади</p>	<p>Жарима</p>	<p>Муддати ўтган тўлов учун жарима фақат миждознинг бепарволиги ёки атайин тўловни амалга оширмаганлиги сабабли ундирилиши мумкин, бироқ бу ундирилган жарима молия муассасаси фойдаси/эҳтиёжлари учун сарфланмайди, балки хайрияга йўналтирилади.</p>
<p>Спекулятив, яъни чайқов амалиётлари замонавий банклар томонидан кенг қўлланилади (масалан қимматбаҳо қоғозлар бозорини чайқов мақсадида молиялаштириш).</p>	<p>Спекуляция (чайқов амалиёти)</p>	<p>Юқори самарали чайқов воситаларини (масалан форекс амалиёти) қўллаш таъқиқланган, чунки бу ислом молиясидаги асосий тақиқлардан бўлган “ғарар” ва “майсир” билан боғлиқ.</p>
<p>Ижтимоий молия тушунчаси мавжуд эмас</p>	<p>Ижтимоий молия тушунчаси</p>	<p>Қарзи ҳасан – фоизсиз қарз орқали миждозларга вақтинча молиявий ёрдам берилиши мумкин.</p>

Холислик нуқтаи-назаридан юқорида келтирилган жадвалда анъанавий банклар ислом банк-молия тизимининг энг олий ва соф концепцияси билан

таққосланганлигини, бундай соф концепция асосида фаолият юритувчи ислом банкини топиш эса мушкул вазифа эканлигини тан олиш керак. Бугунги кунда фаолият юритувчи ислом банклари 1970 йилларда бу тизим асосчиларини илҳомлантирган фалсафий асосдан муайян даражада фарқ қилади.

Ҳозирги кунда дунёда ислом банк-молия тизими барча шаклларда мавжуд: банклар ва нобанк молия муассасалари, оддий ва рақамли, миллий ва халқаро, анъанавий банклар қошида ташкил этилган ислом дарчалари ва ҳ.к.з. Айрим ислом банки муассасалари, айниқса анъанавий банкларнинг «ислом дарчалари» ўз (анъанавий) банкларига тақлид қилишса, бошқалари кескин фарқ қилади. Баъзилари ҳақиқатда ислом молияси тамойилларига қатъий риоя қилган ҳолда фаолият юритса, бошқалари “ислом” сўзидан миждозларни жалб қилиш учун фойдаланади. Муаммо шундаки, ислом банк-молия тизимининг соф ғоялари обрўсига жойлардаги воқелик сабаб путур етиши мумкин. Агар бу соҳа ривожини учун керакли қадамлар қўйилмаса, яъни асл ислом банк-молия соҳасининг ўзига хос жиҳатлари ва энг асосийси унинг руҳияти ўрнатилмаса, жамиятдаги бу соҳага бўлган ишонч йўқолади.

Албатта, ислом банк-молия тизими, анъанавий банк-молия тизими каби бошқа турли муаммоларга дуч келиши ҳам мумкин. Бу табиий ҳол, асосийси иккала тизим ривожланиши учун тенг имконият ва шарт-шароитлар яратилишидир. Зеро, ана шунда жамият аъзоларида танлов имконияти пайдо бўлади, бу эса албатта уларнинг иқтисодий фаоллигини ошишига, янги иқтисодий-молиявий муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланишига хизмат қилади.

### **2.3. Инқироз шароитида ислом банк-молия фаолиятининг самарадорлиги**

Аксарият тараққий этган мамлакатларида асосий иқтисодий кўрсаткичларнинг ҳаддан ташқари пасайиб кетиши шаклида намоён бўлган 2008 йилги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, ва бунинг оқибатида ишлаб чиқариш суръатларининг кескин қисқариши, молиявий амалиётлар кўлами

билан активларнинг ҳақиқий қиймати ўртасида жуда катта тафовутга йўл қўйилиши туфайли юз берди.

АҚШнинг молиявий қудрат жихатидан тўртинчи ўринда турган Lehman Brothers инвестицион банкининг тўловга лаёқатсизлиги оқибатида синиши суғурта компанияларининг тўлов имкониятларига шубҳа туғилишига, бу эса ўз навбатида суғурта хавфининг кескин ошиб кетишига, банклар ўртасидаги ишончнинг йўқолишига ҳамда (банклараро кредит бозорида) кредит фойзаларининг ҳаддан ортиқ ўсишига сабаб бўлди.

АҚШнинг бешта етакчи инвестицион банки ўз мавқеини йўқотди: Bear Stearns сотиб юборилди, Lehman Brothers тўловга лаёқатсизлиги оқибатида синди, Merrill Lynch сотилди, Goldman Sachs ва Morgan Stanleyлар эса катта молиявий хатар остида қолганликлари, ҳамда АҚШ Федерал резерв тизимининг қўшимча ёрдамни олишга муҳтожлиги туфайли инвестицион банк сифатида фаолият юрита олмай қолишди.


Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози назорат тизими сифатининг пастлиги сабабли жуда катта хатарлар етарли инobatга олинмаганлиги жаҳон молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлигини ва бу тизим жиддий ислоҳ қилиниши зарурлигини кўрсатди.

Жуда кўп банк ва суғурта компаниялари олдида ўз мажбуриятларини бажара олмаслик хавфи пайдо бўлиб, уларнинг кўпчилиги инқирозга юз тутган бир пайтда ислом молия муассасалари жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсирини камайтиришгина эмас, балки ўз фаолиятларини ривожлантиришга ҳам муваффақ бўлдилар. IFSL (International Financial Services, London) берган маълумотларга кўра, жаҳон молиявий инқирози авжига чиққан 2008 йилда ислом молия муассасаларининг қудрати 2007 йил охирига нисбатан 20,3% га ўсиб, 758 млрд. АҚШ долларидан 951 млрд. АҚШ долларигача кўтарилди<sup>56</sup>. Кейинги йилларда ўсиш суръатлари бироз пасайди

---

<sup>56</sup> IFSL, 2010. International Financial Services, London Research on Islamic Finance, February 2010 report.

ва 2009 йил натижасига кўра 1,04 триллион АҚШ долларини, 2011 йилда эса 1,29 триллион АҚШ долларини ташкил этди.



млрд. АҚШ доллариди

## 2.2-расм. Ислом молия активларининг ўсиши (2012 – 2020)<sup>57</sup>

Иқтисодчи ва молиячилар инқирозга бундай чидамлилиқ сабабларини ўргана бошладилар, ислом молия институтлари иш усуллари ва амалиёт шакллари молия-иқтисод соҳаси назарийчиларининг ҳам, амалиётчиларининг ҳам диққатини ўзига торта бошлади. Бунинг сабабларидан бири ислом молия тизими ҳақидаги маълумотларнинг (ривожланиб бораётган ахборот-коммуникация технологиялари орқали) кенг доирада тарқалиши бўлди.

Ислом молия муассасаларининг инқирозга чидамлилиги сабабларини тушуниш учун ислом банк-молия тизимининг анъанавий банк-молия тизимидан фарқ қиладиган ўзига хос жиҳатларини тушуниб олиш зарур бўлади.

Ислом банк-молия тизимининг инқирозларга чидамлилигини таъминловчи асосий тамойиллар қуйидагилардир:

- чайқов (спекулятив) амалиётларидан воз кечиш;

<sup>57</sup> Islamic Finance Development Report 2021 (ушбу ҳисобот, молиявий бозорлар тўғрисида маълумотлар етказиб берувчи энг йирик компаниялардан бири ҳисобланувчи Refinitiv компанияси томонидан 2020 йил якунларига кўра тайёрланган).

ҳамкорлар ўртасида хатарларни уларнинг бизнесдаги улуши ва вазифаларига муносиб равишда тақсимлаш мажбурияти;

- қимматбаҳо қоғозларнинг реал активлар билан таъминланган бўлиши лозимлиги.

Ушбу тамойилларга риоя қилиш молия бозорининг ишлаб чиқариш тармоғи билан узвий боғлиқлигини таъминлайди. Чунки айнан молия бозорининг мустақиллиги туфайли иқтисодий муносабатларнинг виртуаллашуви ҳозирги замонда рўй бераётган аксарият иқтисодий инқирозларнинг сабабчисидир. Ислом молия муассасаларининг ишлаб чиқариш тармоғига (реал секторга) таяниши глобал молиявий инқирозга анъанавий банк-молия тизимига нисбатан чидамлироқ эканлиги халқаро молия муассасалари томонидан ўтказилган тадқиқотларда ҳам эътироф этилмоқда<sup>58</sup>.

Ислом иқтисоди пулнинг ўзи ҳақиқий қийматга эга эмас, у ўз-ўзидан кўпайиш хусусиятига эга бўлган маҳсулот ҳам эмас, балки у қийматлар алмашувида восита холос, деган ёндашувга асосланади. Шу сабабли, ислом мезон ва тамойилларига асосланган молия тизими мавжуд (реал) иқтисодий жараёнлар билан кучлироқ боғлангандир.

2008 йил молиявий-иқтисодий инқироzi пулни мустақил маҳсулот сифатида қабул қилишга асосланган анъанавий валюта тизимининг жиддий хатарларга мойил эканлигини кўрсатди.

Ислом молия тизимидаги асосий қоидалардан бири арабчада “ғарар” деб аталувчи ҳаддан ортиқ таваккалчилик ва хатарга йўл қўймаслик қоидаси эканлиги аввалроқ айтиб ўтилди, яъни ислом молияси таваккалчилик ва хатарни тўлиқ инкор қилмайди, балки фақат меъеридан ортиқ даражадаги таваккалчиликнигина тақиқлайди. Демак, шартнома тузишда ғарар даражаси битим иштирокчиларининг ўзлари томонидан пасайтирилиши лозим.

---

<sup>58</sup> <https://www.imf.org/external/pubs/ft/wp/2015/wp1541.pdf>  
<https://www.imf.org/en/News/Articles/2015/09/28/04/53/sores100410a>

Фаол ва ҳалол тадбиркорлик фаолияти асосида эмас, фақат тасодиф орқали фойда олишга қаратилган ҳар қандай фаолиятни билдирувчи “майсир” тушунчаси “ғарар” тушунчаси билан узвий боғлиқдир. Ҳозирги кунда ғарар ва майсирни ўз ичига олувчи битимларга опционлар, фьючерслар, суғурта ва ҳежирлаш (талафотлардан суғурталаш) шартномалари, биржа ва қиморхоналардаги спекулятив ўйинлар мисол бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, инвестиция фаолиятида ўта хатарли воситалардан қатъий воз кечиш, яъни муаммоли активлар ҳамда иккиламчи қимматбаҳо қоғозлар каби асоси йўқ бўлган восита ва маҳсулотларга пул тикиш қатъий тақиқланганлиги туфайли, шунингдек, ҳамма эътибор реал активлар асосидаги амалиётларга қаратилиши ислом молия соҳасининг глобал инқироз оқибатларини маълум даражада муваффақият билан енгиб чиқа олишига сабаб бўлди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози расман якунига етмасдан ва иқтисодчилар ушбу инқирознинг молиявий-иқтисодий оқибатларини сарҳисоб қилиб улгурмасдан, жаҳон иқтисодиёти яна бир йирик инқирозга юз тутди. 2020 йилда COVID-19 пандемияси<sup>59</sup> қисқа муддатларда барча мамлакатларни қамраб олди ва шу билан бутунжаҳон иқтисодиётига салбий таъсир қила бошлади. Ушбу икки инқирознинг жаҳон иқтисодиётига жиддий салбий таъсирга қарамасдан, улар келиб чиқиш сабабларидаги асосий моҳияти жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Юқорида айтиб ўтилганидек, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози дунёнинг энг катта иқтисодиёти бўлган АҚШ молия бозори иштирокчилари томонидан амалга оширилган назоратсиз ва кенг кўламли чайқов амалиётлари натижасида юзага келган бўлса, Глобал COVID-19 инқирози молиявий-иқтисодий жараёнларга алоқаси бўлмаган ҳолда бошланиб, қисқа муддат ичида барча мамлакатлар иқтисодиётига жиддий таъсир қила бошлади.

---

<sup>59</sup> Коронавирус COVID-19 биринчи марта 2019-йил 31-декабрда 11 миллиондан ортиқ аҳолига эга Хитойнинг Ухан шаҳрида қайд этилган эди. Қисқа муддатда вирус дунёнинг деярли барча мамлакатларига тарқала бошлади.

Агар 2008 йил инқирози биринчи навбатда жаҳон молия тизимига таъсир қилган бўлса, COVID-19 билан боғлиқ инқироз тўғридан-тўғри реал иқтисодиётга таъсир қилди. Ушбу икки инқироз ўртасидаги фарқ Халқаро валюта жамғармаси ва бошқа халқаро молия муассасалари ва турли мамлакатлар иқтисодчилари томонидан кенг ўрганилмоқда.

Мутахассислар, 2008 йилги Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Жаҳон иқтисодиётига салбий таъсири 1929 йил охирида АҚШда бошланиб салкам 10 йил давом этган Буюк депрессиядан кучлироқ, COVID-19 билан боғлиқ пандемия эса 2008 йилги инқироздан ёмонроқ таъсир қилди деб ҳисоблашади<sup>60</sup>. Чунки, Буюк депрессия асосан АҚШ, Канада, Буюк Британия, Франция ва Германия иқтисодиётига таъсир қилган бўлса 2008 йилги Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози деярли барча мамлакатлар иқтисодиётига таъсир қилди. COVID-19 пандемиясининг реал ЯИМга таъсири эса Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қараганда кескинроқ бўлди, чунки lockdown, яъни пандемия туфайли барча мамлакатларда эълон қилинган карантин барча турдаги бозорлар ва ишлаб чиқаришга бевосита таъсир кўрсатди<sup>61</sup>. Бутун дунё иқтисодий-молиявий-ижтимоий тизими, шу жумладан барча иқтисодий-ижтимоий жараёнлар иштирокчилари умумжаҳон пандемияси даврида зарар кўрди. Кутилмаганда юз берган COVID-19 пандемиясининг жаҳон иқтисодиётига салбий таъсирини юмшатиш учун тахминан 9-10 трлн. АҚШ долларига тенг маблағ керак бўлиши тахмин қилинмоқда<sup>62</sup>. Ислон банк-молия тизими ҳам қисқа муддатларда бутун дунё мамлакатларини қамраб олган COVID-19 таъсиридан четда қолгани йўқ ва четда қолиши мумкин ҳам эмас эди, чунки юқорида таъкидланганидек, молиявий инқироздан фарқли равишда пандемия нафақат молия тизимига, балки бевосита реал иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатди. Ҳолатни жиддийлигини инобатга олиб, бутун дунё мамлакатлари ҳукуматлари ва марказий банклари томонидан COVID-19

---

<sup>60</sup> <https://www.imf.org/en/Publications/WEO/Issues/2020/04/14/weo-april-2020>

<sup>61</sup> <https://blogs.imf.org/2020/04/14/the-great-lockdown-worst-economic-downturn-since-the-great-depression/>

<sup>62</sup> <https://blogs.imf.org/2020/04/15/fiscal-policies-to-contain-the-damage-from-covid-19/>

пандемияси салбий таъсирини камайтириш мақсадида энг кўп зарар кўрган тармоқлар учун молиявий ёрдам ва кўмак режаларини эълон қилинди, пул-кредит сиёсати юмшатилади, жумладан пандемиядан жабр кўрган кичик ва ўрта бизнес (КЎБ) учун турли мамлакатларда ҳукумат томонидан кредит дастурлари эълон қилинди<sup>63</sup>. Шунингдек, кўпчилик мамлакатларда COVID-19 пандемиясидан зарар кўрган жисмоний шахслар ва корхоналар учун олти ойгача бўлган кредитларга мораторий, яъни тўлов муддатлари узайтирилди.

Мисол учун, Саудия Арабистони Валюта Бошқармаси (SAMA) умумий қиймати 50 миллиард риёл (13,29 миллиард доллар) бўлган Хусусий тармоқни молиялаштиришни қўллаб-қувватлаш дастурини эълон қилди ва банкларни бизнесга бандлик даражасини сақлаб қолишга ёрдам бериш учун имтиёзли кредитлар беришга йўналтирди<sup>64</sup>. SAMA, шунингдек, BASEL III стандартларини жорий этишни кечиктириш орқали банкларга ёрдам берди<sup>65</sup>. Баҳрайн Марказий банки банклар учун захира (резерв) талабларини 5 фоиздан 3 фоизга, БАА Марказий банки эса мажбурий захира миқдорини 50% га қисқартирди, яъни 14% дан 7% гача туширди<sup>66</sup>. Шунингдек Баҳрайнда банкларга олти ойлик муддатга кредит тўловларини вақтинчалик кечиктиришга рухсат берилган бўлса, БААда эса кечиктириш 2020-йил 31-декабргача узайтирилди<sup>67</sup>.

Малайзия Марказий банки Bank Negara Malaysia COVID-19 инқирозига қарши кучли чора-тадбирлар тўпламини эълон қилди. Марказий банк қонун ҳужжатларида белгиланган мажбурий захираларни 3 фоиздан 2 фоизга қисқартириб, банк тизимига 30 миллиард ринггитдан ортиқ маблағ киритиб

---

<sup>63</sup> OECD (2020), “COVID-19 Government Financing Support Programmes for Businesses”, OECD Paris

<sup>64</sup> Saudi central bank announces 50 bln. riyal coronavirus financing package (2020, April 15th). Retrieved from <https://www.reuters.com/article/health-COVID-19-saudi-cenbank/saudi-central-bank-announces-50-bln-riyal-coronavirus-financing-package-idUSL8N2B70RT>

<sup>65</sup> Saudi tells banks to support businesses to avoid job cuts (2020, March 30th). Retrieved from <https://gulfbusiness.com/saudi-tells-banks-support-businesses-avoid-job-cuts/>

<sup>66</sup> UAE Central Bank cuts reserve requirements and boosts stimulus to Dh256bn (2020, April 5th). Retrieved from <https://www.thenational.ae/business/economy/uae-central-bank-cuts-reserve-requirements-and-boosts-stimulus-to-dh256bn-1.1001634>

<sup>67</sup> Central Bank of Bahrain Regulatory Measures as Part of Precautionary Efforts to Contain COVID-19. (2020, March 18th). Retrieved from <https://www.cbb.gov.bh/media-center/central-bank-of-bahrains-regulatory-measures-as-part-of-precautionary-efforts-to-contain-COVID-19/>



ликвидликни оширди. BNM, шунингдек, банкларга капитални тежаш буфери (capital conservation buffer)ни 2,5% гача камайтиришга, ликвидликни қоплаш коэффициентини 100% дан пастга туширишга ва тўпланган тартибга солиш захираларидан фойдаланишга рухсат берди<sup>68</sup>.

Бир қатор ислом молия муассасалари ҳам, COVID-19 пандемияси даврида ўз мижозлари учун ёрдам дастурлари эълон қилишди. Малайзияда RHB Islamic Bank, Maybank Islamic, Public Islamic Bank ва Hong Leong Islamic Bank каби банклар ўз мижозларига шундай ёрдам тақдим этишди<sup>69</sup>. Индонезияда Permata Islamic Bank, Bukopin Islamic Bank, Mega Islamic Bank ва Muamalat Bank каби баъзи хусусий ислом банклари ўз мижозларига кредит тўлаш муддатини кечиктирди ва ижара тўловларидан озод қилди<sup>70</sup>.

Туркиянинг хусусий кредит ташкилотлари ва ислом банклари, хусусан, IsBank, Akbank, Ziraat Katilim ва Vakif Katilimлар ҳам мижозларга молиявий юқларини енгиллаштириш мақсадида кредит тўловларини 2020-йил 30-июнгача кечиктиришга рухсат беришди<sup>71</sup>. Саудия Арабистонида Ал-Аҳли банки давлат ва хусусий муассасаларда ишловчи тиббиёт ходимлари учун шахсий, кўчмас мулк ва лизинг бўйича тўловларни уч ой муддатга кечиктиришга рухсат берди<sup>72</sup>.

Бироқ, молиявий ёрдам ва кўмак дастурлари деярли барча мамлакатларда амалга оширилди ва шу сабабли улар ислом иқтисодий-молиявий тизимининг инқирозлар шароитидаги устун жиҳатларини намоён қилмайди. Шу сабабли, энди ислом иқтисодий-молиявий тизими инқирозларга қарши қандай ҳимоя воситаларини тақлиф қилишини кўриб чиқамиз:

---

<sup>68</sup> Malaysia's central bank cuts statutory reserve ratio to 2% (2020, March 19th). Retrieved from <https://www.businesstimes.com.sg/banking-finance/malaysias-central-bank-cuts-statutory-reserve-ratio-to-2>

<sup>69</sup> Banks step up measures to help customers amidst COVID-19 crisis. (2020, March 20th). Retrieved from <https://www.thestar.com.my/business/business-news/2020/03/20/banks-step-up-measures-to-help-customers-amidstCOVID-19-crisis>

<sup>70</sup> Islamic Bank, Rural Development Bank (BPR), and Regional Development Bank (BPD) are giving Credit Repayment Delays (2020, March 31st). Retrieved from <https://www.cnnindonesia.com/ekonomi/20200331202117-78-488887/bank-syariah-bpr-bpd-mulai-beri-penundaan-cicilan-kredit>


<sup>71</sup> Turkish Banks Delay Loan Payments to Ease the Impact of COVID-19 (2020, March 24th). Retrieved from <https://www.cpfinancial.net/bme/news/turkish-banks-delay-loan-payments-to-ease-the-impact-of-COVID-19>

<sup>72</sup> Saudi Banks Postpone Payments for Health Workers (2020, March 23rd). Retrieved from <https://aawsat.com/english/home/article/2195126/saudi-banks-postpone-payments-health-workers>

1. Молиянинг реал иқтисодий фаолият билан бевосита боғлиқлиги ва томонлар ўртасида таваккалчиликни мутаносиб равишда тақсимланиши;

2. Кучли ижтимоий ҳимоя тизими.

Агар ушбу икки шарт бирлаштирилса, иқтисодий цикллар<sup>73</sup> давомдаги умумий иқтисодий кўрсаткичлар ҳаракатланишини яхшироқ кўриш мумкин бўлади.



### 2.3-расм. Иқтисодий цикллар<sup>74</sup>

Молиянинг реал иқтисодий фаолият билан бевосита боғлиқ бўлмаслиги натижасида молиявий “пуфаклар” пайдо бўлишига олиб келиши мумкинлигини ва ўша пуфаклар охир-оқибат ёрилиб иқтисодиёт рецессия (яъни ўсиш даражаси секинлашиш ёки турғунлик) ҳолатини келтириб чиқариши мумкинлигини 2008 йилги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози мисолида кўриб чиқдик. Демак, молиявий амалиётлар, биринчи навбатда банк кредитлари ишлаб чиқариш фаолияти билан чамбарчас боғланган бўлса, пуфаклар пайдо бўлиш эҳтимоли камайди. COVID-19 пандемияси шароитида бошқа ҳолатни, яъни иқтисодиётнинг барча соҳалари банк-молия тизими амалиётларига алоқасиз ҳолатда бирданига инқирозга кирганлигини ва бундан

<sup>73</sup> Иқтисодий цикллар, иқтисодий фаолликнинг муайян йиллар давомда даврий тебраниб туриши бўлиб юксалиш, сусайиш, турғунлик, жонланиш ҳолатларидан иборат. Вақтга нисбатан ҳар 20—25 йилда такрорланиб турадиган узок ва ҳар 5—10 йилда такрорланадиган қисқа иқтисодий цикл бор.

<sup>74</sup> “COVID-19 инқирози ва Ислом молияси”, Ислом тараққиёт банки тадқиқоти. – [www.isdb.org](http://www.isdb.org). Сентябр, 2020.

биринчи навбатда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли жабр кўрганлигини ҳамда кучли ижтимоий ҳимоя тизимисиз таназзул жиддий бўлиши ва иқтисодиётнинг тикланиши учун кўпроқ вақт керак бўлиши мумкинлигини кўряпмиз. Бозорлар фаолияти пасайганда, кучли ижтимоий ҳимоя тизими турғунликни қисқа вақтда бартараф этишга ёрдам беради, чунки бунда аҳолининг тўлов лаёқати ошади ва бу ўз навбатида савдо ривожланиши орқали иқтисодиётнинг барча тармоқларини ривожланишига туртки беради. Бунинг учун ислом банк-молия муассасалари ўз имкониятларини ислом ижтимоий молия муассасалари – закот ва вақф жамғармалари билан бирлаштириши инқироз шароитида банк-молия тизимида ликвидликни таъминлашга ёрдам беради. Ликвидлик муаммосининг муайян даражада ҳал бўлиши эса инвестиция-тижорат лойиҳаларини молиялаштириш имкониятини беради. Ислом ижтимоий молия муассасалари аҳолининг молиявий жиҳатдан қийналган қатламига бевосита кўмак беришда ҳам ҳукуматларга катта ёрдам берди.

Баъзи мутахассисларнинг фикрича, вақф тузилмасининг замонавий кўринишларидан бири бўлган нақд пул кўринишидаги вақфлар (cash waqf)дан вақфга асосланган инфратузилма объектларини куришда, хусусан, COVID-19 беморлари учун Вақф шифохоналари, Вақф карантин (изоляция) уйлари ташкил қилишда фойдаланиш мумкин<sup>75</sup>.

Шу ерда Ўзбекистон вақф жамғармаси томонидан пандемия пайтида амалга оширилган ишларни кўриб чиқиш, ислом ижтимоий молияси моҳиятини чуқурроқ англашга ёрдам беради.

"Вақф" хайрия фонди Ўзбекистон президентининг 2018 йилда имзоланган 5416-сонли фармонида асосан ташкил қилинган. Ушбу фармонга асосан "Вақф" хайрия фонди фуқароларнинг диний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш билан бирга миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш, масжидлар ва диний таълим муассасаларининг биноларини куриш,

---

<sup>75</sup> Nurjannah M, Wahyuddin A. "Cash waqf: Economic solution during the Covid-19 pandemic". December 2020, FITRAH Jurnal Kajian Ilmu-ilmu Keislaman 6(2):223-242.

таъмирлаш ва ободонлаштиришга сарфланиши керак. Вақф" хайрия жамоат фонди маблағлари фуқаролардан қабул қилиб олинган закот, фитр ва бошқа хайрия маблағлари ҳисобидан шакллантирилади.

“Вақф” хайрия жамоат фонди томонидан коронавирус пандемияси даврида, шунингдек, турли табиий офатлар, фавқулодда ҳолатларда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига қўмак берди. Бу ишлар мамлакат аҳолиси ҳамда хорижий ҳомийлар ва ҳамкорларнинг ҳомийлик ёрдамида амалга оширилди. Жумладан, 2020 йилда:

- Бирлашган Араб Амирликларининг Қизил Ярим ой жамияти томонидан тақдим қилинган 198 млн. 560 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудида истиқомат қилувчи 1280 нафар оилага тарқатилган;

- Германиянинг “Ҳасана” фонди томонидан ҳомийлик қилинган 220 млн.сўм миқдоридagi маблағга озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиниб, ижтимоий ҳимояга муҳтож 2200 нафар оилага тарқатилган.

2021 йил 10-ноябр куни АОКАда бўлиб ўтган брифингда фонд ахборот хизматининг маълум қилишича, "Вақф" хайрия фонди 2018 йилда ўз фаолиятини бошлагандан 2021 йил ноябр ойига қадар жами 74,9 миллиард сўм миқдоридagi маблағни масжидлар қурилиши, таъмирланиши ва ходимларни моддий қўллаб-қувватлаш учун йўналтирилган<sup>76</sup>.

Ундан ташқари аҳолининг диний-маърифий илмларини ошириш ва масжидлардаги кутубхоналарни янада бойитиш мақсадларига 2,95 млрд. сўм сарфланган.

2020 йил 30-июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан “Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 6038 сонли Фармон қабул қилинган<sup>77</sup>.

---

<sup>76</sup> <https://www.facebook.com/aoka.uz/videos/702565237813232/>

<sup>77</sup> <https://lex.uz/docs/4922155>

Фармонга кўра қуйидаги ишлар пандемиянинг салбий оқибатларини юмшатиш мақсадида хайрия ва кўмак мақсадида амалга оширилиши белгилаб берилган:

2020 йил, Қурбон ҳайити байрами арафасида “Саховат ва кўмак” жамғармалари орқали 220-250 минг оилага республика бюджетидан жами 200 миллиард сўм ажратилган. Ушбу маблағлар 1 миллиондан ортиқ эҳтиёжманд аҳолини нақд пул, озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармон билан таъминлашга сарфланган.

Шунингдек, “Вақф” хайрия жамоат фондини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида республика бюджетидан 150 миллиард сўм ажратилиб, ушбу маблағ жамоат фондининг хайрия тадбирларини амалга ошириш ҳамда ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш учун йўналтирилган.

2022 йилнинг биринчи 6 ойи давомида, фонд томонидан хайрия, закот, вақф мулклари, зиёратгоҳлар, диний ташкилотлар ва акциялар орқали келиб тушган маблағлар ҳамда ҳомийлар ва ҳамкор ташкилотлар томонидан тақдим этилган моддий кўринишдаги эҳсонлар билан қўшиб ҳисоблаганда жами 6,7 млрд.сўм миқдоридаги маблағ хайрия сифатида сарфланган.<sup>78</sup>

Юқорида айтиб ўтилганларни ҳисобга олган ҳолда, ҳамда глобаллашув шароитида ислом молияси маҳсулоти ва воситаларининг жаҳон иқтисодий тизимидаги аҳамиятининг ошиб бориши кутилаётганини назарда тутиб ислом молияси, шу жумладан ислом ижтимоий молия тизими устунликларидан фойдаланиш имконият ва истиқболларини аниқлаш мақсадида бу соҳани ўрганишни давом эттириш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирча эса, ислом банк-молия тизимида муайян тақиқларнинг мавжудлиги, яъни пулга бўлган муносабат (унга маҳсулотга қарагандек қарамаслик ва рибо), чайқов амалиётлари (майсир) ва мавҳумлик-ноаниқликнинг таъқиқланиши (ғарар), ўта юқори даражадаги хатарга эга бўлган амалиётларга киришмаслик, асоссиз таваккалчилик талаб қиладиган битимларни амалга оширмаслик (майсир ва

---

<sup>78</sup> “Вақф” хайрия жамоат фонди фаолиятига тегишли барча маълумотлар <https://vaqf.uz/uz> сайтидан олинди.

ғарар), ҳамда ислом ижтимоий молияси мавжудлиги туфайли турли инқирозларга муайян даражада бардошли эканлигини амалда кўрсатди деб айтиш мумкин.

## **II боб бўйича хулоса:**

Ислом банк-молия муассасалари фаолият доираси, асосан қуйидаги 5 йўналишни қамраб олади:

- бизнес шерикчилик, яъни бирор лойиҳага сармоя киритиш ва келадиган фойда ёки зарар муайян нисбатда томонлар ўртасида тақсим қилиниши (*мушорака* ва *музораба* молиявий маҳсулотлари);

- савдо, яъни миждоз талаби бўйича бирор бир мулк харид қилиш, мулк нархиға устама белгилаш ва уни миждозга муддатли тўлов асосида сотиш (*муробаҳа*, *мусавама*, *салам*, *истисна*, *ижара* ва *иқтина*);

- ўрнатилган ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш (*вакала*);

- қарз, яъни миждозга ҳеч қандай эвазсиз қарз бериш (*қарзи ҳасан*). Бу фаолият, банк-молия муассасасининг ноижорий/ижтимоий фаолияти сифатида эътироф этилади;

Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш ва ҳақ олиш (*кафала*, *ҳавала*).

Дунёда ислом банк-молия муассасаларининг турли кўринишлари мавжуд: тўлақонли ислом банклари, анъанавий банклар қошидаги “ислом дарчалари”, ислом микромолия ташкилотлари, ислом инвестиция ташкилотлари, ислом инвестиция жамғармалари, ва ҳоказо.

Анъанавий ва Ислом банклари ўртасида бир қатор фарқли жиҳатлар мавжуд. Асосий фарқлардан бири, анъанавий молия тизими ва ислом молия тизими ўртасидаги пулга ва хатарларга бўлган муносабатдадир. Анъанавий банк пулни даромади кафолатланган сотиш ёки ижарага бериш мумкин бўлган маҳсулот сифатида кўради, берилган қарз маблағларини йўқотиш хавфи кам, чунки қарз маблағи ҳам, қарз бўйича фоизлар ҳам лойиҳанинг муваффақияти ёки муваффақиятсизлигидан қатъий-назар доимо кафолатланган бўлади, ислом молия тизимининг асосий бўғини бўлган ислом банки эса пулга маҳсулот сифатида қараши қатъиян тақиқланган ва шу сабабли у ҳар бир

лойиҳада ўзини сотувчи ёки бизнес ҳамкордек тутиши керак бўлади. Албатта бу биров мураккаб муносабатлар бўлиб, бу ҳам ислом банки тизими ривожланишини биров қийинлаштиради. Бирок, шу билан бирга муайян талаб ва тақиқларнинг (биринчи навбатда пулга ва хатарларга бўлган муносабат) ҳамда ислом ижтимоий молияси мавжудлиги ушбу тизимнинг турли инқирозларга муайян даражада бардошли эканлигини таъминлайди.

Албатта, ислом банк-молия тизими ҳам, анъанавий банк-молия тизим каби турли муаммоларга дуч келиши мумкин. Бу табиий ҳол, асосийси иккала тизим ривожланиши учун тенг имконият ва шарт-шароитлар яратилишидир. Зеро, ана шунда жамият аъзоларида танлов имконияти пайдо бўлади, бу эса албатта уларнинг иқтисодий фаоллигини ошишига, янгича иқтисодий-молиявий муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланишига хизмат қилади.

### **III бoб ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИСЛОМ МОЛИЯ ТИЗИМИ ИМКОНИАТЛАРИДАН САМАРАЛИ Фойдаланишнинг устувор йўналишлари**

#### **3.1. Инвестицияларнинг ички ва ташқи манбаларини диверсификациялашда ислом банк-молия тизими имкониятларидан фойдаланиш**

Иқтисодиёт олдида турувчи долзарб масалалардан бири иқтисодиётга инвестициялар жалб қилишдир. Зеро, барқарор ривожланиш ва мамлакат тараққиётини таъминлаш учун инвестициялар кўламини доимий равишда кенгайтириб бориш ўта муҳим вазифа ҳисобланади.

Инвестиция турлари ичида хорижий инвестициялар алоҳида ўрин тутади, чунки ишлаб чиқаришни инновацион технологиялар ва янги техника турлари олиб кириш орқали модернизация қилишни хорижий инвестицияларсиз амалга оширишни тасаввур қилиш қийин.

Хорижий инвестицияларни иқтисодиётга жалб этиш сиёсати мамлакатнинг ўзига хос жиҳатларини, жумладан жуғрофий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳолатини, миллий ва диний қадриятларини эътиборга олган ҳолда, ишлаб чиқилиши ва шу билан бирга улар хорижий сармоядорлар учун қулай бўлиши лозим.

Аммо, тўғри ишлаб чиқилган сиёсат ҳам хорижий инвесторларни мамлакатга жалб қилиш учун етарли бўлмайди, чунки хорижий инвестициялар кириб келиши учун умумий тадбиркорлик ва жумладан инвестиция муҳити жуда муҳим аҳамият касб этади. “Инвестиция муҳити комплекс, яъни кенг қамровли тушунча бўлиб, миллий қонунчилик, иқтисодий шарт-шароитлар (инқироз, ўсиш, стагнация), божхона режими, валюта сиёсати, иқтисодий ўсиш суръатлари, инфляция суръатлари, валюта курсининг барқарорлиги, ташқи қарздорлик даражаси каби кўрсаткичларга эга”<sup>79</sup>.

---

<sup>79</sup> Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. // Т.: «Молия», 2010. – 153 б.



Хорижий инвесторларнинг инвестиция киритиш кайфиятига мамлакатнинг юқорида кўрсатиб ўтилган ўзига хос жиҳатларидан ташқари, умумий инвестиция муҳити ёки иқлимини шакллантирувчи бошқа турли хил омиллар таъсир кўрсатади<sup>80</sup>.

Ўзбекистонда юқорида кўрсатиб ўтилган ижобий омилларнинг камлиги ва уларнинг тўлақонли ишламаганлиги умумий инвестиция муҳитига салбий таъсир кўрсатмай қолмади. Чет эл фуқароларининг мамлакат ҳудудига кириб-чиқиш жараёни мураккаблиги, маҳаллий валютани хорижий валюталарига эркин айирбошлаш имконияти (конвертация) мавжуд бўлмаганлиги, экспорт ва импорт тартибининг мураккаб бўлганлиги, чет эллик инвесторлар учун даромад ва дивидендларни олиб чиқиб кетишдаги (репатриация) қийинчиликлар ана шундай салбий омиллардан бўлган.

Сўнги йилларда бу борадаги вазият ўнглана бошлади. Ижобий натижаларга эришишга ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ҳамда мамлакат инвестиция салоҳияти ва жозибadorлигини оширишга қаратилган ислоҳотларни амалга ошириш, жумладан, қуйидагилар муайян даражада ёрдам берди:

тадбиркорликни рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ муддатлар, ҳужжатлар сони ва харажатларни қисқартириш;

валюта бозорини либераллаштириш;

фойдани репатриация қилиш бўйича чекловларни олиб ташланиши;

солиқ ва божхона маъмуриятчилигини соддалаштириш - рискларни таҳлил қилиш тизимини жорий этилиши, божхона расмийлаштируви учун зарур бўлган ҳужжатлар ва вақтни қисқартирилиши;

давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтириш йўлидаги қадамлар;

---

<sup>80</sup> 4-иловада инвестиция муҳитини шакллантирувчи омиллар муаллиф томонидан шакллантирилган жадвалда келтирилган.

86 давлат фуқароларига мамлакатга визасиз кириш ҳуқуқи берилиши (бу сайёҳлар учун енгиллик беради ҳамда туризм соҳасига инвестициялар жалб қилиш ва соҳани янада ривожлантириш имкониятини оширади).

Амалга оширилган иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотлар, ҳамда мавжуд қуйидаги ижобий омиллар туфайли мамлакатга хорижий сармоядорларни эътиборини тортиш анча осонлашди дейиш мумкин:

- аҳоли сони билан боғлиқ бўлган ички талабнинг кучлилиги;
- нисбатан арзон ишчи кучига эгаллиги;
- табиий заҳира/бойликларнинг мавжудлиги;
- муайян даражада диверсификацияланган иқтисодиётга ва жадал ривожланаётган инфратузилмага эгаллиги.

Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)га аъзо бўлиш бўйича музокараларни қайта бошлаганлиги ҳам мамлакат инвестиция жозибадорлигини оширишга хизмат қилмоқда, чунки ЖСТга аъзоларига қўлланадиган умумий қоидалар савдо тартибини соддалаштиради ва импорт-экспорт фаолиятини кучайишига тurtки беради. Чунки божхона тўсиқлари олиб ташланганда маҳаллий тадбиркорларга замонавий импорт ускуналарини харид қилиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни ташқи бозорларга экспорт қилиш имкониятларини оширади. Асосийси, ЖСТга аъзо бўлиш хорижий инвесторларни мамлакатга жалб қилиш имкониятини беради, чунки халқаро савдо қонун қоидалари амал қилаётган мамлакатга инвесторларнинг кириб келиши, ўзига маълум бўлмаган қонун-қоидалар жорий қилинган мамлакатга инвестиция киритишидан анча осон.

ЖСТга аъзо бўлиш орқали Ўзбекистон ўзининг бизнес, жумладан халқаро савдо фаолияти учун очиқлигини, кўпинча айрим маҳаллий корхоналарга тақдим этиладиган турли имтиёзлар ва қоидалар бундан буён қўлланмаслигини дунё ҳамжамиятига, хусусан эҳтимолий хорижий инвесторларга билдиради.

АҚШ Давлат департаментининг инвестиция муҳити бўйича таҳлилида қайд этилишича<sup>81</sup> Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг кўп тармоқли иқтисодиётга эга давлатдир. Мамлакатнинг фойдали қазилмалар захираси бой, текстиль саноати ва хизматлар сектори ривожланган ва шу билан бирга аҳоли сони минтақада энг каттадир. Давлатнинг қарздорлик даражаси, ўсаётган бўлса ҳам, унча баланд эмас, етарлича валюта захираси ва мустаҳкам давлат сармоялари ва ислохотлар дастури мавжуд.

Бор-йўғи беш йил аввал Ўзбекистон иқтисодиёти сармоялар қабул қилишга тайёр эмасди. Муаммолардан бири миллий валюта билан боғлиқ эди. 2016-йилда банклар таклиф қилган курсдан икки баравар юқори нарх таклиф қилувчи валюта қора бозори мавжуд эди. Амалга оширилган валюта либерализацияси иқтисодиётни очиш, шаффофликни ошириш ва бизнесни жалб этишга қаратилган кейинги ислохотларга замин яратди.

2019-2020 йилларда Ўзбекистонда инвестиция муҳитини яхшилашга қаратилган қуйидаги қонунлар қабул қилинди:

“Давлат-хусусий шериклик тўғрисида” (10.05.2019й. ЎРҚ-537-сон) Қонун инвестицияларнинг принципиал жиҳатдан янги турини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосини яратди. Давлат-хусусий шерикчилиги тушунчаси, турлари, амалга ошириш механизми, томонлар ва уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгиланди. Натижада давлат томонидан якка фаолият кўрсатадиган кўпгина соҳаларга хорижий ва ички хусусий инвестициялар кириб келиб, ушбу соҳаларда асосий капитал яратилишини жадаллаштириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконияти яратилди.

“Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида” (25.12.2019й. ЎРҚ-598-сон). Ушбу Қонуннинг мақсади чет эллик ҳамда маҳаллий инвесторлар томонидан амалга ошириладиган инвестициялар ва инвестиция фаолияти

---

<sup>81</sup> Ушбу таҳлил АҚШ қорхоналари учун янги бозор бўлган ёки бўлиши мумкин бўлган дунёдаги 170 дан ортиқ давлатлар иқтисодиёти ва ишбилармонлик муҳити ҳақида ҳисобот (маълумот) беради. Ҳисоботлар сармояларга нисбатан очиқлик, ҳуқуқий тизим, реал ва интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, молия тармоғи, давлат қорхоналари, тадбиркорлик хулқ-атвори ва коррупция каби мавзуларни қамраб олади.

соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Қонун марказлаштирилган инвестициялар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солмайди.

“Солиқ кодекси” (01.01.2020 йилдан кучга кирган янги таҳрири). Ушбу қонунга кўра бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар бекор қилинди, солиқ назорати тартибга солинди, ҚҚС тўловчиларга нисбатан талаблар аниқлаштирилди;

“Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида” (17.02.2020й. ЎРҚ-604-сон).

Шунингдек, инвестиция муҳитини яхшилаш, инвестиция жалб қилиш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган бир нечта қонуности ҳужжатлари қабул қилинди, жумладан:

“Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” (29.04.2019й. ПҚ-4300-сон);

“Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида хорижий инвесторлар кенгашини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” (13.11.2019й. ПҚ-4519-сон);

“Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” (18.03.2022й. ПҚ-168-сон).

Бундан ташқари, 2020 йил 27 октябрда “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони имзоланди (ПФ-6096-сон). Ушбу фармон ҳам инвестиция муҳитига жиддий таъсир қилувчи ҳужжат бўлди. Зеро, юқорида таъкидланганидек, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтириш масаласи инвестиция муҳитини шакллантирувчи омиллар қаторига киради.

Ўзбекистон Республикасида миллий иқтисодиётни ривожлантириш учун барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 2021 йилда 245 трлн. сўм (доллар

эквивалентида 23,1 млрд. АҚШ доллари) ёки 2020 йилга нисбатан 105,2% асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди<sup>82</sup>. Асосий капиталга инвестициялар ҳажми 2005 йилга нисбатан 76,6 марта, 2010 йилга нисбатан 16 марта ва 2015 йилга нисбатан 5,8 марта кўпайган.

### 3.1-жадвал.

#### Ўзбекистон Республикасида 2005-2021 йилларда асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар динамикаси<sup>83</sup>

Кўрсаткич	2005й.	2010й.	2015й.	2018й.	2021й.
Инвестициялар ҳажми, трлн сум	3,2	15,3	41,7	107,3	245,0
Ўтган йилга нисбатан ўсиш, %	104	101	105,7	118,1	105,2

Қулай инвестиция муҳитини шакллантириш ва инвестицияларни кенг жалб қилиш мақсадида олиб борилган қатор ислохотлар натижасида ўзлаштирилган хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми 2021 йилда 104.457,3 млрд. сўми (доллар эквивалентида 9,8 млрд. АҚШ доллари) ташкил этиб, 2020 йилга нисбатан 105,2 %га кўпайди ва жами инвестициялардаги улуши 42,7% ни ташкил этди. Улардан 64.577,9 млрд. сўм миқдоридagi қисми хорижий кредитларга тўғри келади.

### 3.2-жадвал.

#### Ўзбекистон Республикасида ялпи инвестициялар ҳажмининг ўсишида марказлашган ва марказлашмаган инвестициялар улушининг ўзгариши (%да)<sup>84</sup>

	2005	2010	2015	2018	2021
<b>Асосий капиталга инвестиция</b>	100	100	100	100	100
<b>Марказлашган инвестициялар</b>	23,9	16,7	15,4	32,1	18,3
Давлат бюджетидан	12,2	6,4	4,5	4,7	8,8
Бюджетдан ташқари фондлар маблағлари	4,8	10,8	10,9	12,7	2,4

<sup>82</sup> <https://www.stat.uz/ru/default/ezhekvertal-nye-doklady/9389-2021#tab-4>.

<sup>83</sup> Альманах «Ўзбекистан 2015». Ташкент: 2016. Центр экономических исследований; Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати Т.:2022.

<sup>84</sup> <https://www.stat.uz/ru/default/ezhekvertal-nye-doklady/9389-2021#tab-4>

Давлат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлари	6,8	3,7	4,3	15,5	7,1
<b>Марказлашмаган инвестициялар</b>	<b>76,1</b>	<b>83,3</b>	<b>84,7</b>	<b>67,9</b>	<b>81,7</b>
Корхоналар маблағлари	46,0	33,0	31,6	28,0	29,1
Аҳоли маблағлари	11,4	16,0	21,3	11,3	9,1
Тижорат банклар кредити	3,8	9,7	11,8	14,9	8,0
Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар	14,9	24,6	14,4	13,7	35,6
Хорижий инвестицияларнинг ялпи инвестициялардаги улуши (%да)	21,7	28,3	20,1	29,2	42,6
Ҳукумат кафолати остидаги хорижий инвестицияларнинг улуши (%да)	14,9	25,1	14,6	15,5	16,6
Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ялпи хорижий инвестициялардаги улуши (%да)	68,5	87,0	73,8	89,3	83,4

Инвестицияларнинг молиялаш манбалари бўйича таркибида муҳим сифат ўзгаришлари юз бермоқда. 2005-2021 йилларда ялпи инвестицияларда тўғридан тўғри инвестициялар улуши ошиб борди ва 2021 йилга келиб жами инвестицияларнинг 42,6% ташкил этди.

Иқтисодиётга йўналтирилган инвестицияларнинг тармоқ таркибининг ўзгариши ЯИМдаги таркибий ўзгаришларда ўз аксини топади. Чунки инновацион иқтисодиётга ўтиш талабидан келиб чиқиб иқтисодиётда янги инновацион тармоқларнинг пайдо бўлиши, ёқилғи-энергетика мустақиллигига эришиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш инвестициялар таркибини ўзгаришини тақозо этади. 2021 йилда инвестицияларнинг 25,8% қайта ишлаш саноатига, 9,5% тоғ-кон саноатига, 8,3% уй-жой қурилишга, 8% электр ва газ таъминотга, қишлоқ хўжалигига 7,7%, қурилишга 5,8%, соғлиқни сақлашга 5,1%, савдога 3,7%, таълимга 3,1% алоқа ва ахборот соҳасига 3% ва бошқа соҳаларга 20% йўналтирилган.

Умуман олганда, 2021 йилда Ўзбекистонга 8,6 млрд. АҚШ долларига тенг тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилди.<sup>85</sup> Албатта бу 2019-йилдаги кўрсаткичдан (9,3 млрд. АҚШ доллари) билан таққослаганда кам, лекин шубҳасиз, бу кўрсаткичлар иқтисодиётда амалга оширилаётган ислохотлар натижасидир.

2021-йил 1-январ ҳолатига кўра, Ўзбекистонда хорижий капитал иштирокидаги 11780 дан ортиқ компания фаолият юритмоқда, жумладан, 2020 йилда 1399 та корхона хизмат кўрсатиш, чакана савдо ва банк соҳаларида, тўғридан-тўғри хорижий сармоялар ҳажмини ошириш мақсадида ташкил этилган<sup>86</sup>.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги хорижий инвестицияларни асосан икки томонлама иқтисодий ҳамкорлик шартномалари шаклида мувофиқлаштиради. Мамлакатга хорижий инвестициялар жалб қилиш учун энг асосий ҳамкор мамлакатлар Россия, Хитой, ва Германия бўлди. Ўзбекистон иқтисодиётига инвестиция киритган давлатлар умумий сони 50 тадан ошди<sup>87</sup>.

Ҳукумат бизнес ва сармоядорларни қийнаётган бир қанча фундаментал масалалар, жумладан, Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоқларида давлат монополияларининг ҳукмронлиги, давлатнинг ривожланмаган ва ҳаддан ташқари тартибга солинадиган банк тармоғида шаффофликнинг йўқлиги, хусусий мулк ҳуқуқларининг заиф ҳимояланганлиги, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг ўзини ўзи бошқариш масаласи ва интеллектуал мулк ҳуқуқларининг етарли даражада таъминланмаганлиги, ижобий ҳал қилиниши шарт бўлган масалалардир.

Жорий қонунчиликка кўра, хорижий инвесторлар Ўзбекистон иқтисодиётининг барча соҳаларида қўллаб-қувватланади ва ҳукумат чет эллик

---

<sup>85</sup> <https://review.uz/oz/post/v-2021-godu-uzbekistan-privlek-86-mlrd-pyamx-inostrannx-investiciy>

<sup>86</sup> <https://www.state.gov/reports/2021-investment-climate-statements/uzbekistan#:~:text=In%20general%2C%20Uzbekistan's%20economy%20demonstrated,result%20of%20pre-pandemic%20reforms>

<sup>87</sup> [Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил учун инвестиция фаолияти сарҳисоби \(mift.uz\)](https://mift.uz/uzbekiston-respublikasining-2019-iyil-uchun-investiciya-faoliyati-sarxisobi)

инвесторларни миллати, яшаш жойи ёки келиб чиқиш мамлакатидан қатъий назар камситиши мумкин эмас. Бироқ, иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, жумладан, энергетика, телекоммуникация, транспорт ва тоғ-кон саноати ҳукумат томонидан назорат қилиниши хорижий инвестициялар кириб келишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳукумат хусусийлаштириш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлиги ва шаффофлигини ошириш, давлат улуши бор корхоналар ва хусусий корхоналар учун муносиб тенглик муҳитини ривожлантириш бўйича аниқ кўрсатмалар ишлаб чиқиши керак.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD)нинг 2019 йилги маълумотларига кўра<sup>88</sup>, ҳукуматнинг мамлакатдаги асосий тармоқларга эгалик қилиши ва назорати доимо инвестициялар оқими йўлидаги асосий тўсиқлардан бири бўлиб келган, чунки давлат корхоналарининг хусусий корхоналарга қараганда имкониятлари кенгроқ, шу туфайли улар билан рақобат қилиши керак бўлган хусусий тармоқ вакиллари аксарият ҳолларда ҳали рақобатга киришмасдан туриб ўзларини мағлуб ҳолда кўришади. 2021 декабрь ҳолатига кўра, иқтисодиётда фаолият кўрсатаётган жами акциядорлик жамиятларининг 36,3 фоизиди давлат улуши бор (яъни 622 та акциядорлик жамиятидан 226 тасида)<sup>89</sup>. Ҳукумат томонидан мамлакатнинг хусусий тадбиркорликни қўллаб қувватлаш ва кўламини кенгайтириш мақсадида қабул қилган ва амалга ошираётган дастурлари натижасида, 2018 йилдан буён ҳолат бирмунча яхшиланди, чунки 2018 йил декабрь ҳолатига акциядорлик жамиятларининг 80 фоизиди давлат улуши бор эди.

2018 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан авиация, энергетика, кимё, тоғ-кон тармоқлари ва банк соҳаларида фаолият юритаётган корхоналарда давлат мулкани камайтириш жараёни бошланди.

---

<sup>88</sup> Sustainable Infrastructure for Low-Carbon Development in Central Asia and the Caucasus. Hotspot Analysis and Needs Assessment <https://www.oecd-ilibrary.org/sites/5fd38a3d-en/index.html?itemId=/content/component/5fd38a3d-en>

<sup>89</sup> <https://davaktiv.uz/uz/corporate?type=se>



2020 йил 27 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони имзоланган бўлиб (ПФ-6096-сон), мазкур ҳужжат билан 620 дан ортиқ трансформация қилинадиган йирик давлат корхоналари ва хўжалик бирлашмалари рўйхати ҳамда корпоратив бошқарув ва молиявий аудит жорий этиладиган, операцион самарадорлиги ошириладиган давлат иштирокидаги корхоналар рўйхати тасдиқланган<sup>90</sup>.

Бироқ, бир неча йиллар аввал “урф” бўлган, хусусий компанияларнинг (уларнинг катта-кичиклиги, фаолият кўлами, эгалик ва рентабеллик даражасидан қатъий назар), активларини турли йўллар билан тортиб олиш амалиёти, мутасадди давлат идоралари шаҳарсозлик (қурилиш) ишларини амалга ошириш баҳонаси билан хусусий ерлар ва мулкларни тортиб олганлиги, ушбу олиб қўйилган ер ва мулк эгаларига бадал тўлашда эса сансалорликка йўл қўйганлиги ҳолатлари чет эл оммавий ахборот воситаларида ёритилган<sup>91</sup> ва албатта бундай ҳолатларнинг бўлганлиги хорижий сармоядорлар кайфиятига таъсир қилиши табиий.

Бундан ташқари, COVID-19 пандемияси дунёнинг барча мамлакатлари каби Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсишига ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Бу, асосан, ташқи савдонинг пасайиши ва ички иқтисодий фаолиятнинг сусайишида намоён бўлди.

Натижада консолидациялашган бюджет тақчиллиги 2019 йилда 7.750 млрд сўмдан (ЯИМнинг 1.5%) 2020 йилда 17.234 млрд сумгача (ЯИМнинг 2.9%) ошди. Абсолют миқдорда ўсиш 2.2 мартани ташкил этди. Бунда 2020 йил учун консолидациялашган бюджет тақчиллиги режага нисбатан 5 марта ошди.<sup>92</sup>

---

<sup>90</sup> <https://lex.uz/uz/docs/5068824>

<sup>91</sup> <https://eurasianet.org/uzbekistan-once-expelled-turkish-businesses-returning>

<sup>92</sup> [https://admin.openbudget.uz/media/post\\_attachments/fuk\\_2019\\_ijro.pdf](https://admin.openbudget.uz/media/post_attachments/fuk_2019_ijro.pdf);  
[https://admin.openbudget.uz/media/post\\_attachments/bfc2020\\_uz.pdf](https://admin.openbudget.uz/media/post_attachments/bfc2020_uz.pdf);  
<https://www.stat.uz/uz/rasmiy-statistika/national-accounts-2>

Қабул қилинаётган дастурлар ва кўрилаяётган чораларга қарамасдан, яқин йилларда ҳам мамлакат иқтисодиётига инвестициялар оқимининг жиддий ўсиши эҳтимоли юқори эмас, чунки юқорида санаб ўтилган муаммолардан ташқари, банк-молия соҳасида ҳам бир қанча жиддий муаммолар сақланиб қолмоқда, жумладан:

- тадбиркорларнинг молия маблағларига бўлган эҳтиёжи қониқтирилиши билан боғлиқ муаммолар, жумладан молия маблағларининг қимматлиги, банклар ўртасида ҳақиқий рақобатнинг йўқлиги<sup>93</sup>;
- молия бозорида биров бўлса ҳам рақобат муҳитини кучайтириши мумкин бўлган инвестиция жамғармалари ва компаниялари ҳамда уларнинг активларини бошқарувчи компанияларнинг деярли йўқлиги;
- аҳолининг аксарияти мусулмон эканлигига ва асосан шу сабабли талаб ва эҳтиёжнинг мавжудлигига қарамай ислом банк-молия маҳсулотлари ва хизматлари татбиқ қилинмаётганлиги;
- ИКТ, молия муҳандислиги, ислом молияси бўйича малакали мутахассисларнинг етишмаслиги.

Бугунги кунда хорижий инвестор эътиборини тортиш, уни мамлакат иқтисодиётига инвестиция киритишини таъминлаш осон иш эмас, чунки бу борада мамлакатлараро кескин кураш кетмоқда, турли давлатлар томонидан йилдан-йилга инвестицион муҳит жозибадорлигини таъминлашга хизмат қиладиган янги инновацион инструментлар қўлланиб келинмоқда. Бундай рақобат шароитида Ўзбекистон ҳам мавжуд имкониятлардан тўлақонли фойдаланиши зарур. 2018 йилнинг май ойида Ўзбекистонда ислом банк иши ва инфратузилмасини жорий этишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори лойиҳаси очиқ муҳокамага қўйилган эди. Қарор лойиҳасида тадбиркор ва фуқароларда фоиз юкига эга бўлмаган банк-молия хизматларига бўлган қизиқиш ва зарурият ортиб бораётгани қайд этилган.

---

<sup>93</sup> 2021 йил 1 ноябрь ҳолатига 33 та тижорат банкининг 12 тасида давлат улуши бор, бироқ ушбу 12 та банкнинг умумий банклар активидаги улуши 81% га тенг (<https://cbu.uz/ru/statistics/bankstats/575210/>)

Ушбу қарор лойиҳаси қисқа муддат муҳокамалар учун очик бўлди, лекин масала ўз мантиқий ечимини топмаган ҳолда муҳокамадан олиб ташланди.

Ислом банк иши ва инфратузилмасини жорий этиш масаласи эса энди кўриб чиқилиши режалаштириляпти, ваҳоланки сўнгги ўн икки йил ичида Жаҳонда ислом банк-молия тизими ҳажми 4,5 барабар ошди ва 758 млрд. АҚШ долларида (2007 йил) 3,37 триллион АҚШ долларига етди (2020 йил). Таҳлиллар, 2025 йилга қадар ислом молияси активлари 4,94 трлн АҚШ долларига етишини кўрсатмоқда<sup>94</sup>. Кўриш мумкинки, ушбу даврда жаҳон ислом молия муассасалари активларининг йиллик ўсиш суръатлари 10-15% ташкил этган. Ҳаттоки жаҳон молиявий инқирози ва ундан кейинги даврда ҳам ўсиш суръатлари пастга тушмаган.

Ислом банк-молия тизимини Ўзбекистон Республикасида татбиқ қилиш мусулмон фуқаролари, биринчи навбатда тадбиркорлар томонидан узок йиллар давомида кутилаётган масала, чунки улар ўз бизнес лойиҳаларини нафақат амалдаги қонунчилик доирасида, балки ўз диний эътиқодларига мувофиқ ҳолда, аниқроғи зид бўлмаган тарзда молиялаштиришни хоҳлашади. Бироқ, мусулмон тадбиркорлари учун жуда муҳим масала бўлган – фоизсиз молиялаштириш восита ва маҳсулотлари, шерикчилиги асосида амалга оширилувчи инвестиция лойиҳалари (*мушорака*), ишонч асосида молиялаштириш (*музораба*), ва бошқа ислом банк-молия тизимида қўлланиладиган турли маҳсулот ва амалиётлар ҳанузгача Ўзбекистон шароитида мавжуд эмас.


Шу ўринда, ислом банк-молия тизимини ривожлантириш ва шу орқали Яқин Шарқ мамлакатларидан, биринчи навбатда Форс кўрфази давлатларидан, бевосита ҳалқаро ислом молия муассасаларидан инвестиция жалб қилиш масаласига ҳам деярли эътибор қилинмаётганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Фақатгина Ислом тараққиёт банки қошидаги Хусусий тармоқни ривожлантириш ислом корпорацияси (ICD)нинг *муробаха* молиявий

---

<sup>94</sup> [https://www.refinitiv.com/content/dam/marketing/en\\_us/documents/gated/reports/report-2021-all-color2.pdf](https://www.refinitiv.com/content/dam/marketing/en_us/documents/gated/reports/report-2021-all-color2.pdf)

маҳсулоти маҳаллий банклар орқали чегараланган ҳажмда тақдим этилмоқда (ICD томонидан маҳаллий тижорат банкларига ажратилган *муробаҳа* линияларининг умумий ҳажми 350 млн.АҚШ долларига тенг)<sup>95</sup>.

Ўзбекистонда ислом молияси маҳсулотларига бўлган талаб, ислом молия маҳсулотларини қўллаш, ҳамда бу соҳага инвестициялар жалб қилиш имкониятларини ўрганиш мақсадида, 2020 йилда, Бирлашган Миллатлар Тараққиёт Дастури ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан Молия вазирлиги билан ҳамкорликда амалга оширилаётган “Ўзбекистонда барқарор ривожланишни молиялаштириш” лойиҳаси доирасида Ислам молия маҳсулотларини Ўзбекистонда татбиқ қилиш ва қўллаш юзасидан тадқиқот ўтказилди<sup>96</sup>. Тадқиқот доирасида аҳоли, бизнес вакиллари ва тижорат банклари ўртасида сўровнома ўтказилди. Сўровномада 27 та тижорат банки, 2235 нафар тадбиркор ҳамда 4938 жисмоний шахс иштирок этган. Ушбу сўровнома доирасида олинган баъзи натижалар билан танишиш диссертация доирасида ёритилаётган масалани яхшироқ тушунишга ёрдам беради.



### 3.1-расм. Расмий банк-молия муассасалари кредитларидан фойдаланмаслик сабаблари<sup>97</sup>


<sup>95</sup> Маълумотлар <http://www.icd-ps.org> манбасига асосланган ҳолда муаллиф томонидан тайёрланган.

<sup>96</sup> <https://www.uz.undp.org/content/uzbekistan/en/home/library/poverty/landscaping-analysis-of-islamic-finance-instruments-in-uzbekista.html>

<sup>97</sup> <https://www.uz.undp.org/content/uzbekistan/en/home/library/poverty/landscaping-analysis-of-islamic-finance-instruments-in-uzbekista.html>

3.1-расмдан кўриш мумкин, бизнес ва жисмоний шахслар учун энг асосий муаммо анъанавий кредитларнинг ислом дини талабларига мос эмаслигида. Хусусан, бизнес вакилларининг 38%, ҳамда жисмоний шахсларнинг 55% диний қарашлари сабабли анъанавий кредитлардан фойдаланмасликларини айтишган.

Қуйидаги 3.2-расмдан кўриш мумкин, 61% бизнес вакиллари ва 75% жисмоний шахслар агар ислом банк-молия муассасалари Ўзбекистонда фаолият бошлашса, ўз молиявий амалиётларини ислом молия муассасаларида олиб бориш истагини билдиришган. 47% бизнес вакиллари ва 55% жисмоний шахс ислом банклари хизмат ҳақи юқори бўлса ҳам улар билан ишлайверишларини айтишган, чунки бу уларнинг диний дунёқарашлари билан боғлиқ эканлигини айтиб ўтишган.




### 3.2-расм. Бизнес вакиллари ва жисмоний шахсларнинг ўз молиявий амалиётларни ислом банк-молия муассасаларида олиб бориш истаги<sup>98</sup>

Сўровномада иштирок этган тижорат банклари ҳам ислом молияси каби молия хизматларининг янги турлари жорий этилиши молия бозорида рақобат кучайишига, миқозларга, хусусан диний қарашларига кўра анъанавий банк-молия хизматларидан фойдаланмаётган фуқаро ва тадбиркорларга янги молиявий хизматлар тақдим этилиши эса бизнес ва аҳолининг молиявий фаоллиги ошишига хизмат қилишини таъкидлаганлар.

<sup>98</sup> <https://www.uz.undp.org/content/uzbekistan/en/home/library/poverty/landscaping-analysis-of-islamic-finance-instruments-in-uzbekista.html>

Ўзбекистонда ислом банк-молия тизими жорий қилинса 44% корхоналар (бизнес) ва 42% жисмоний шахслар ўз бўш маблағларини ислом банклари омонатлари ва шерикчилик лойиҳаларига киритишларини айтишган.

“Ислом тамойилларига асосланган даромад келтирувчи омонат ёки шериклик битимларига қанча маблағ йўналтириган бўлардингиз?” деган саволга 26,3% жисмоний шахслар 1 млн.дан - 5 млн. сўмгача бўлган, 23,7 фоизи эса 20 млн.сўмдан кўп бўлган (бўш) маблағларини ислом банкларига омонат сифатида қўйишга тайёр эканликларини билдиришган. Ушбу жавоблар, агар ислом дини талабларига мос бўлган банк хизматлари, шу жумладан омонат турлари амалиётга жорий қилинса, расмий банк-молия тизимига бугунги кунда аҳоли ва тадбиркорлар қўлида бўлган бўш маблағларни жалб қилиш суръатлари бир неча баравар ошиши мумкинлигини англатади.




### 3.3-расм. Ислом банклари омонатларига йўналтирилиши мумкин бўлган маблағлар<sup>99</sup>

Сўровномада иштирок этган 79% жисмоний шахс ва 68% тадбиркорлар мамлакатда ислом молиясининг татбиқ этилиши “ҳалол” маҳсулот ва хизматлар бозорининг ривожланишига тўртки беради деб ҳисоблайди, 45% жисмоний шахс ва 47% корхоналар ислом молиясининг кириб келиши молия


<sup>99</sup> <https://www.uz.undp.org/content/uzbekistan/en/home/library/poverty/landscaping-analysis-of-islamic-finance-instruments-in-uzbekista.html>

муассасалари ўртасидаги рақобатни кучайтиради деб ҳисоблашади, 34% жисмоний шахс ва 27% бизнес вакиллари хорижий инвестициялар жалб қилиниши кучаяди деб жавоб беришган (қаранг: 3.4-расм).



### 3.4-расм. Ўзбекистонда ислом молия тизимини татбиқ қилиш ва ривожлантириш мамлакатимизга қандай манфаат келтиради<sup>100</sup>

Ўзбекистонда ислом молиясининг татбиқ қилинмаётганлигини эса улар қуйидаги сабаблар билан изоҳлашган:



### 3.5-расм. Ўзбекистонда ислом молияси ривожланмаганлиги сабаблари

Берилган жавоблардан кўриш мумкин, мамлакатда ислом банк-молия тизимининг татбиқ қилинмаётганлиги асосий сабаби сифатида давлатнинг масъул идора ва ташкилотлари бу соҳани ривожлантиришга эътибор

<sup>100</sup> <https://www.uz.undp.org/content/uzbekistan/en/home/library/poverty/landscaping-analysis-of-islamic-finance-instruments-in-uzbekista.html>

қаратмаётганлиги кўрсатилган. Бошқа сабаблар қаторида мутахассисларнинг камлиги, ислом молияси бўйича билим берувчи таълим муассасаларининг йўқлиги кўрсатилган. Сўровномада иштирок этган 39% тадбиркор ва 42% жисмоний шахснинг фикрича ислом молия маҳсулотларига талаб юқори бўлади.

Ўтказилган сўровнома доирасида банкларга “Ўзбекистонда ислом молияси татбиқ этилиши, жумладан ислом банклари очилишини қўллаб-қувватлайсизми” деган савол берилди ва барча банклар бир овоздан буни қўллаб қувватлашини айтишди. Баъзи банклар мамлакатда ислом банклари очилишини қўллаб-қувватлашларини Ўзбекистон аҳолисининг тахминан 90 фоизи мусулмонлар эканлиги ва бундай молия маҳсулотларига бизнес тарафидан талаб юқори эканлиги билан изоҳлашган бўлса, 67% банк ислом молиясининг татбиқ қилиниши жуда ҳам керак, чунки бу молия муассасалари ўртасидаги рақобатни кучайтиради, “ҳалол” маҳсулот ва хизматлар бозори ривожланади, мусулмон давлатлардан инвестиция кириб келиши кучаяди, бу эса ташқи ва ички инвестициялар диверсификацияси даражасининг ошишига олиб келади деган жавобни беришган.

### **3.2. Ўзбекистоннинг хорижий ислом молия муассасалари ва халқаро ислом молия ташкилотлари билан ҳамкорлигини кенгайтириш**

Ўзбекистон жаҳон ислом молия муассасалари билан ҳамкорлиги асосан, Ислом тараққиёт банки (ИТБ) гуруҳига тўғри келади. Ислом тараққиёт банки гуруҳи таркибига қуйидаги ташкилотлар киради:

- Ислом тараққиёт банки – IsDB;
- Хусусий тармоқни ривожлантириш бўйича ислом корпорацияси – ICD;
- Инвестициялар ва экспорт кредитларини суғурталаш ислом корпорацияси – ICIEC;
- Халқаро ислом савдо-молия корпорацияси – ITFC;



- Ислом тараққиёт банки институти<sup>101</sup> – IsDBI.

Ислом тараққиёт банки (ИТБ) халқаро молия ташкилоти бўлиб, унинг асосий вазифаси аъзо мамлакатларда ислом дини талабларига мувофиқ бўлган ижтимоий ва иқтисодий тараққиётни қўллаб-қувватлашдир.

ИТБ аъзо мамлакатларда давлат ва хусусий тармоққа қарашли йўллар, каналлар, тўғонлар, мактаблар, касалхоналар, уй-жойлар, қишлоқ туманларини ривожлантириш ва бошқа шу каби қишлоқ хўжалиги ва инфратузилма лойиҳаларини молиялаштиради. Лойиҳалар аъзо мамлакатлар ижтимоий ҳамда иқтисодий ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатади.

Ташкил этилганидан бошлаб 2020 йил якунига қадар умумий қиймати 151 млрд. АҚШ долларида юқори бўлган 11 000 дан ортиқ амалиётлар ИТБ гуруҳи томонидан лойиҳаларни молиялаштириш, техник кўмак, савдони молиялаштириш ва махсус ёрдам каби кўринишларда амалга оширилган.

Ўзбекистон билан ИТБ ўртасидаги ҳамкорлик 1991 йил банк томонидан Бухоро шаҳридаги Мир-Араб мадрасаси, Имом Ал-Бухорий ёдгорлик мажмуасидаги Дор ул-Ҳадис мадрасаси каби бир қатор тарихий обидаларни реконструкция учун ИТБ томонидан грант ажратилиши масаласи маъқулланиши билан бошланган<sup>102</sup>.

ИТБ гуруҳининг Олмаотадаги 2003 йил 2 – 4 сентябрда бўлиб ўтган 28-йиғилишида Ўзбекистон Республикасини ИТБнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида қабул қилиш борасида қарор қабул қилинган.

2022 йил 30 июнь ҳолатига, ИТБ гуруҳи томонидан Ўзбекистонда жами ҳажми 2,602.8 млн АҚШ долларига тенг бўлган 116 та лойиҳани молиялаштириш тасдиқланган бўлиб, улардан 55 таси (1,077.7 млн АҚШ доллари) аллақачон якунланган лойиҳалар ҳисобланади. 61 та лойиҳа (1,525.1 млн АҚШ доллари) эса ҳозирда актив ҳолатда давом этмоқда<sup>103</sup>.

---

<sup>101</sup> Ушбу институтнинг асосий фаолият йўналиши ислом молияси бўйича турли тадқиқотлар ва тренинглар ўтказиш ҳисобланади.

<sup>102</sup> <https://mft.uz/ru/menu/islom-taraqqiyyot-banki-itb>


<sup>103</sup> IsDB Group in Brief: 1975–2022 (Q2)

**ИТБ томонидан Ўзбекистон Республикасига ажратилган маблағлар  
миқдори, йўналишлар кесимида<sup>104</sup>**

№	Йўналиш/ тармоқ номи	Лойиҳалар сони	Жами ажратилган маблағлар ҳажми (млн АҚШ доллариди) 30.06.2022й. ҳолатига
1	Қишлоқ хўжалиги	9	702.4
2	Молия	54	653.5
3	Соғлиқни сақлаш	15	413.2
4	Транспорт	4	348.1
5	Энергетика	5	203.1
6	Сув, Санитария, шаҳар хизматлари (Urban Services)	3	93.1
7	Таълим	11	78.4
8	Саноат/ Ер ости бойликлари қазиб чиқариш	9	59.9
9	Бошқа	5	51.0
10	Информация ва коммуникация	1	0.1
	<b>Жами:</b>	<b>116</b>	<b>2,602.8</b>

2022 йил 30 июнь ҳолатига кўра, 1,790.70 млн АҚШ долларидан ортиқ молиявий шартномалар имзоланиб, кучга кирган ва улар бўйича 1.3 миллиард доллардан ортиқ маблағлар молиялаштиришга йўналтирилган.

<sup>104</sup> Ушбу жадал Ислон тараққиёт банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.



**3.6-расм. ИТБ гуруҳи томонидан Ўзбекистонга ажратилиши маъқулланган молиялаштиришнинг йўналишлар бўйича тавсифи<sup>105</sup>**

Хусусий тармоқни ривожлантириш Ислон корпорацияси (ХТРИК)

Хусусий тармоқни ривожлантириш бўйича Ислон корпорацияси (ХТРИК) кўп томонлама ривожланиш молиявий муассасаси бўлиб, ИТБ гуруҳи таркибига киради. ХТРИК 1999 йил ноябр ойида хусусий тармоқ лойиҳаларини молиялаштириш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ҳукуматлар ва хусусий компанияларга маслаҳат хизматларини кўрсатиш ҳамда трансчегаравий инвестицияларни рағбатлантириш орқали аъзо давлатларнинг иқтисодий ривожланиш даражасини ошириш мақсадида ташкил этилган. ХТРИК 4 миллиард долларлик устав капиталига эга. Ҳозирги кунда ХСРИК акционерлари қаторига ИТБ, 55 та мусулмон давлатлари ва бешта давлат молия ташкилотлари киради. ХТРИК хусусий тармоқ

<sup>105</sup> Ислон тараққиёт банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ҳамда бизнесга ва ҳукуматларга маслаҳат хизматларини кўрсатиш орқали 55 аъзо давлатда барқарор иқтисодий ўсишга кўмаклашади. ХТРИК аъзо давлатларда миллий молия институтларининг фаолиятини ҳам яхшилашга ҳаракат қилади<sup>106</sup>.

Ўзбекистон Хусусий тармоқни ривожлантириш буйича ислом корпорациясига 2004 йил 14 сентябрда аъзо бўлган. Ўзбекистоннинг ушбу муассаса устав капиталидаги улуши 0,01% (240 минг АҚШ доллари)ни ташкил этади.

2020 йил 31-декабр ҳолатига кўра, ХТРИК томонидан Ўзбекистонга жами 413.93 млн АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритишни маъқуллаган. Бугунги кунга келиб ушбу маблағдан 310.90 млн АҚШ долларга тенг бўлган қисми ўзлаштирилган<sup>107</sup>.

Ўзбекистон Республикаси 2019 йил 6 апрелда ИТБ гуруҳининг яна бир вакили Халқаро ислом савдо-молия корпорацияси – ITFC аъзолигига қабул қилинган ва 500 минг АҚШ доллари миқдоридаги аъзолик бадали билан 0,06% овозга эга бўлган.

Ўтган давр ичида Халқаро ислом савдо-молия корпорацияси Ўзбекистондаги 8 та тижорат банки билан имзоланган шартномалар доирасида 231 млн.АҚШ долларига тенг миқдорда маблағ ажратди. Ажратилган маблағлар ушбу тижорат банклари миждозларининг турли лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилмоқда.

2021 йилнинг 1–4 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрида Ислам тараққиёт банки (ИТБ) бошқарувчилар кенгашининг 46-йиллик йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиш доирасидаги учрашувларда аъзо мамлакатлардан 4100 нафар иштирокчи ҳамда 27 та халқаро ва минтақавий ҳамкор ташкилотлар қатнашди.

Саммитда, ИТБ гуруҳи ва ўнта аъзо мамлакат ўртасида умумий қиймати 1,2 миллиард АҚШ долларига тенг 30 та молиявий келишув имзоланди.

---

<sup>106</sup> <https://icd-ps.org/en/about-icd-2>

<sup>107</sup> <https://icd-ps.org/en/annual-report-2020>

Шундан 330 миллион долларига тенг маблағ Ўзбекистон манфаатларини кўзлаб сарфланади.

Ўзбекистон томони билан имзоланган келишувлар<sup>108</sup>:

- ИТБ иштирокида Иқтисодий имкониятларни кенгайтириш жамғармаси тузилди. Бошланғич капитали 100 миллион долларга тенг бўлган жамғарма маблағларининг 35 млн доллари Ўзбекистон ҳукумати, 20 млн доллари ИТБ ва қолган 45 миллион доллари саудиялик инвесторлар томонидан молиялаштирилади. Синов босқичи муваффақиятли ўтгандан сўнг бошланғич фонд миқдори аста-секин 500 миллион долларга етказилиши режалаштирилган.

- «Обод қишлоқ» дастури доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларининг қишлоқ инфратузилмасини модернизация қилиш бўйича жами 200 миллион долларлик қарз шартномаси тузилди.

- Халқаро Ислом савдо-молия корпорацияси ва «Трастбанк» 15 млн долларлик савдо-молия линиясини очиш тўғрисида келишувга эришди.

- Ўзбекистонда онкологик хизматларни ривожлантириш лойиҳасини қўллаб-қувватлаш учун 80 миллион доллар қарз шартномаси имзоланди.

- Ислом тараққиёт банки томонидан Ўзбекистонда Ислом банки ва молия соҳасининг ҳукуқий асосларини ишлаб чиқишни қўллаб-қувватлаш учун техник ёрдам гранти ажратилади. Грант миқдори кейинчалик маълум бўлади.

Ўзбекистон Инвестициялар ва экспорт кредитларини суғурталаш ислом корпорацияси – ICIECга 2019 йил 18 июнда аъзоликка қабул қилинган бўлиб, ушбу муассаса уставининг 0,08% Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади.

Ўзбекистон Ислом тараққиёт банк ва унинг гуруҳига кирувчи молия муассасалари билан ҳамкорлик қилишидан ташқари Араб мувофиқлаштириш гуруҳи жамғармалари билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйган. Жумладан, 2019 йил 23 майда Вазирлар маҳкамасининг “Ислом тараққиёт банки гуруҳи ва араб

---

<sup>108</sup> <https://kun.uz/news/2021/09/05/islom-moliyasi-tomon-navbatdagi-qadam-toshkentda-islom-taraqqiyot-banki-sammiti-yakunlandi>

мувофиқлаштириш гуруҳи жамғармалари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 428 сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан Ислом тараққиёт банки гуруҳи (ИТБ) ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳи жамғармалари (АМГ) билан ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича ҳаракатлар режаси қабул қилинди, АМГ билан биргаликда 2019-2021 йилларда амалга ошириш таклиф этилаётган умумий қиймати 1004,7 млн.АҚШ доллариға тенг истиқболли инвестиция лойиҳалари рўйхати эълон қилинди. Шу жумладан:

- Қувайт араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси (ҚАИРЖ) билан ҳамкорликда умумий қиймати 425 млн.АҚШ доллариға тенг 5 та лойиҳа;
- Саудия ривожланиш жамғармаси (СРЖ) билан ҳамкорликда умумий қиймати 246,7 млн.АҚШ доллариға тенг 3 та лойиҳа;
- ОПЕК халқаро ривожланиш жамғармаси (ОПЕК жамғармаси) билан ҳамкорликда умумий қиймати 213 млн.АҚШ доллариға тенг 3 та лойиҳа;
- Абу-Даби ривожланиш жамғармаси (АДРЖ) билан ҳамкорликда умумий қиймати 120 млн.АҚШ доллариға тенг 1 та лойиҳа.

Кўриб ўтилганидек, Ўзбекистоннинг ислом молия муассасалари билан ҳамкорлиги асосан Ислом тараққиёт банки, унинг гуруҳиға кирувчи молия муассасалари ҳамда Араб мувофиқлаштириш гуруҳи ҳиссасиға тўғри келади. Шу билан бирга, ушбу ҳамкорлик доирасида амалга оширилаётган ва амалга оширилиши кўзда тутилган лойиҳалар, инфратузилмани ривожлантиришға қаратилгандир (ушбу инфратузилма лойиҳалари Ўзбекистон ҳукумати ва ИТБ томонидан белгиланади). Хусусий тармоққа алоқадор, яъни бизнес лойиҳалар эса ҳозирча фақат маҳаллий банклар орқали Хусусий тармоқни ривожлантириш ислом корпорацияси ва Халқаро ислом савдо-молия корпорацияси томонидан амалга оширилмоқда. Бу эса тадбиркорлар учун қўшимча харажат дегани, чунки ўртада турган маҳаллий банк ҳам молиялаштиришни ташкиллаштирган муассаса ҳисобланади ва табиийки бунинг учун миждан ҳақ олади. Европа тараққиёт ва тикланиш банки, Халқаро молия корпорацияси сингари бевосита хусусий тармоқ билан ишлаш,

яъни бизнес лойиҳаларни ислом молия маҳсулот ва воситаларини қўллаган ҳолда молиялаштириш учун мамлакатда маълум бир шарт шароитлар яратилиши, биринчи навбатда ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилиши керак. Аммо афсуски ҳозирча Ўзбекистонда ислом молияси ва банк фаолиятига оид тегишли қонунлар ишлаб чиқилмаган, яъни ҳуқуқий асос шакллантирилмаган. Ваҳоланки, Ўзбекистонда Ислом банк-молия тизимини татбиқ қилиш бўйича тегишли қонунларга ўзгартириш киритилиши ва янги қонунлар қабул қилиниши хусусий ислом банклари ва бошқа ислом молия муассасалари билан ҳамкорликни ва асосийси улардан инвестициялар жалб қилиш имкониятини оширган бўлар эди. Жумладан, хусусий корхоналарнинг инвестиция лойиҳаларини ҳамкорлик асосидаги молия маҳсулотлари бўлган *мушорака* ва *музораба* орқали молиялаштириш, *истисна* линиялари очиш орқали аҳолига ипотека хизматлари кўрсатиш, *муробаҳа* ёки *ижара* маҳсулотлари орқали ишлаб чиқариш воситалари сотиб олишни молиялаштириш, *салам* орқали хусусий фермер хўжалиklarини айланма маблағ билан таъминлаш ва шу орқали қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мумкин бўларди. Зеро, бугунги кунда мамлакат тижорат банклари етарли даражада ривожланган ва улар давлат кафолатисиз ҳам хорижий ислом банкларидан молия маблағлари жалб қилиш имкониятига эгалар.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Хусусий тармоқни ривожлантириш ислом корпорацияси ва Халқаро ислом савдо-молия корпорацияси томонидан бизнес лойиҳалар учун ажратилаётган муробаҳа линиялари маҳаллий банклар орқали қисқа муддатларда муваффақиятли тарзда ўзлаштирилмоқда. Чунки ислом молияси тамойиллари асосида ўз лойиҳаларини молиялаштиришни истовчи мижозлар молия бозорида бошқа таклиф бўлмагани сабабли қисқа (1 йилгача) ва ўрта муддатли (1 йилдан 3 йилгача) лойиҳаларини ушбу муробаҳа линиялари орқали молиялаштиришни исташади, яъни бу линияларга талаб жуда юқори. Бундан ташқари ХТРИК томонидан 2011 йили тузилган ва Ўзбекистон молия бозорида ислом молияси тамойилларига мувофиқ ижара (лизинг) фаолияти олиб борувчи компания сифатида танилган «ТАИВА

LEASING» компанияси тажрибаси ҳам эътиборга молик. ХТРИК томонидан белгиланган молиявий сиёсатга кўра «ТАИВА LEASING» компанияси қуйидаги чекловлар дорасида фаолият олиб боради:

- лойиҳалар фақат ХТРИК томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади;
- фақат юридик шахсларга хизмат кўрсатилади;
- бир лойиҳага 300 минг АҚШ доллардан кўп маблағ ажратилмайди.

Ушбу чекловлар компания фаолияти доирасини чегаралайди, янги мижозлар, шу жумладан йирик компанияларни жалб қилиш ва шу орқали молия бозорида каттароқ улушга эга бўлиш имкониятидан маҳрум қилади. Жумладан шу чекловлар сабаб, Компания ташкил қилинган пайтдан бошлаб, яъни ўтган 11 йил ичида умумий суммаси 36 млн.АҚШ долларига тенг бўлган 250 та лойиҳа молиялаштирилган<sup>109</sup> (яъни бир лойиҳага ўртача 144 минг АҚШ долларидан тўғри келади) холос. Ваҳоланки, «ТАИВА LEASING» компанияси бугунги кунда Ўзбекистонда шариат талаблари асосида фаолият юритувчи ягона ижара компанияси ҳисобланади.

Юқорида келтирилганлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, маҳаллий бизнес вакиллари ва аҳолининг ислом молия манбаларига бўлган эҳтиёжи Ислом тараққиёт банки гуруҳи томонидан ажратилаётган маблағлардан анча юқори. Шу сабабли ҳамда ҳозирча Ўзбекистонда ислом банклари фаолият кўрсатиши учун тегишли қонуний асос йўқлигини инобатга олган ҳолда мамлакатимизда ислом лизинги (*ижара*) билан шуғулланувчи компаниялар фаолиятини кучайтириш ҳамда ислом инвестиция компаниялари ташкил қилиш ва уларни сармоядорлар ва тадбиркорларга тарғиб қилиш керак, чунки шу орқали ушбу инвестиция компанияларига сармоя жалб қилиш ҳамда йиғилган сармояни тадбиркорларнинг тижорий лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириш мумкин бўлади. Қайд этиш лозим, ислом *ижара* битими ва инвестиция фаолияти қонунчилик билан чекланмаганлиги

---

<sup>109</sup> <http://taibaleasing.com/uz/o-kompanii/>



сабабли ислом банк-молия тизимини татбиқ этиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий асос ишлаб чиқилишини кутмасдан ҳам бошлаш ва ислом банк фаолияти ташкил қилингунга қадар бўлган вақтда муайян молиявий натижаларга эришиш ва энг асосийси бу соҳада амалий тажрибага эга бўлиш мумкин бўлади.

Ислом ижара ва инвестиция компаниялари тузиш ва улар фаолиятини кенгайтириш учун хорижий инвестиция компаниялари ва жамғармалари, халқаро молия муассасаларидан сармоя жалб қилиш, етакчи ислом инвестиция компаниялари тажрибасини ўрганиш, шундай компаниялардан мутахассис-маслаҳатчиларни таклиф қилиш, бу борада ИТБ, ХТРИК ва ААОIFI каби халқаро ташкилотлардан техник кўмак олиш қисқа муддатларда кутилган натижаларга эришишга ёрдам беради. Ушбу ишларни ташкил қилиш, жумладан Ислом тараққиёт банки гуруҳидан техник кўмак олиш масаласи Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ёрдамида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ, чунки ушбу вазирлик ИТБда давлатимиз манфаатларини ифодалайди ва ИТБ учун асосий ҳамкор идора ҳисобланади. Шунингдек, тижорат банклари ва лизинг компаниялари ҳам бевосита ёки тегишли уюшмалар орқали, яъни Ўзбекистон банклар уюшмаси ва Ўзбекистон Лизинг Берувчилар Уюшмаси орқали бевосита хорижий инвестиция компаниялари ва жамғармалари, халқаро молия муассасалари билан ислом ижара ва инвестиция компаниялари тузиш масаласида ҳамкорликни бошлашлари мумкин. Таъкидлаш лозим, Азия-Аллианс банк шундай ҳаракатни, яъни Ўзбекистонда биринчи ислом инвестиция компанияси тузиш бўйича ишларни 2021 йилнинг тўртинчи чорагида “Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5583 рақамли Президент фармонида асосланган ҳолда бошлаб юборди. Ушбу тажриба муаффақиятли амалга оширилган тақдирда молия бозорининг бошқа иштирокчилари ҳам ундан ўрнак олишлари мумкин бўлади. Асосийси, молиявий маҳсулот ва хизмат турларининг кўпайиши

молия бозорида рақобатнинг кучайишига, бу эса ўз навбатида аҳоли ва бизнес вакиллари учун молия маҳсулотлари ва хизматлари нархларининг пасайишига олиб келади.

### **3.3. Ўзбекистон банк-молия тизимини ривожлантиришда ислом молияси маҳсулотлари ва хизмат турларидан фойдаланиш имкониятлари**

Кичик ва ўрта бизнеснинг Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётидаги улуши 70 фоизини ташкил қилган ҳолда, бандликнинг 78 фоизини таъминлайди. Аммо шунга қарамасдан кичик ва ўрта бизнес вакиллари ўз бизнес фаолиятлари давомида молия маблағлари жалб қилиш билан боғлиқ муаммоларга дуч келишади. Банк кредитлари бўйича мураккаб талабларнинг мавжудлиги, фоиз даражасининг юқорилиги, кафиллик ёки гаров билан боғлиқ муаммолар шулар жумласидандир. Худди шу каби, аҳоли ҳам банклар билан боғлиқ муаммоларга, хусусан барча банкларда омонатлар бўйича шарт-шароит ва таклифнинг бир хил эканлиги, банклар томонидан жамғармага оид турли инновацион ечимлар таклиф қилинмаслиги, масалан инвестиция жамғармаларининг мавжуд эмаслиги каби муаммоларга дуч келишади. Буларнинг ҳаммаси ўз навбатида банкларда тадбиркорларни молиялаштириш учун маблағлар етишмовчилигига сабаб бўлмоқда.

Европа Тараққиёт ва Тикланиш банки маълумотларига кўра, юқоридаги омиллар сабаб кичик ва ўрта бизнеснинг тахминан 70 фоизи ўз жамғармалари ҳисобига ёки оила аъзолари, дўстларидан қарз олиб, ўзини-ўзи молиялаштиришга ҳаракат қилади<sup>110</sup>. Албатта бу, нафақат Ўзбекистон банк тизимининг кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг молиявий эҳтиёжларини қондиришда етарли даражада самарали эмаслигидан далолат беради, балки пул маблағларини расмий банк-молия тизимидан ташқарида айланишига ва шу орқали яширин (яъни соядаги) иқтисодиётни ривожланишига ҳам ҳисса

---

<sup>110</sup> [Downloads/law-in-transition-2021-english-small-and-medium-sized-enterprise-growth.pdf](#)

қўшади.

Бу шароитда, мамлакатимизда анъанавий банк-молия тизимига ёндош равишда ислом молия тизимини жорий қилиш мавжуд муаммоларни ҳал қилиш ечимларидан бири бўлиши ва муайян ижобий натижалар бериши мумкин.

Аҳолисининг тахминан 90% мусулмон бўлган Бангладешда ислом банк-молия тизими татбиқ этилган бўлиб, Ислом банклари турли хусусий корхоналар, шу жумладан кичик ва ўрта бизнес субъектларининг молиявий маблағларга бўлган талаб ва эҳтиёжини қондириш орқали Бангладешнинг иқтисодий ривожига катта ҳисса қўшиб келишмоқда. Бугунги кунда ислом банклари Бангладеш банк тизимида тахминан 30% улушга эга<sup>111</sup>. Ислом банк-молия тизимининг умумий ҳажми 48,1 млрд.долларга тенг. Мамлакатдаги жами омонатларнинг 27 фоизи ислом банклари ҳиссасига тўғри келади. Ислом молия хизматлари кенгаши (Islamic Financial Services Board) маълумотиغا кўра Бангладешнинг жаҳон ислом банк тизимидаги улуши 2,3%га тенг, бу кўрсаткич бўйича Бангладеш Индонезиядан (2,1%) ҳам олдинга ўтиб кетган. Ваҳоланки Индонезия мусулмон аҳолиси сони бўйича Бангладешдан анча олдинда (Бангладешда тахминан 150 млн. аҳоли мусулмон бўлса, Индонезияда 240 млн. аҳолида)<sup>112</sup>.

Ўзбекистонда ҳам ислом молия муассасалари ташкил этиш учун катта эҳтиёж ва улкан имкониятлар мавжуд. Ислом молиясининг мавжудлиги кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг иқтисодий фаоллигини ошириш, ҳамда молиялаштириш харажатларини пасайтиришда муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Буни, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури лойиҳаси доирасида ўтказилган тадқиқот, хусусан сўровнома натижалари кўрсатди.

---

<sup>111</sup> <https://www.fitchratings.com/research/islamic-finance/bangladesh-policy-steps-may-spur-islamic-finance-development-10-11-2021>

<sup>112</sup> <https://countrymeters.info/ru/Indonesia>

Бугунги кунда Ўзбекистон банк тизимида 30 та анъанавий тижорат банки ҳамда 3 та рақамли (онлайн) банк фаолият олиб бормоқда<sup>113</sup>. Ушбу банклар кичик ва йирик бизнеснинг қисқа, ўрта ва узоқ муддатли тадбиркорлик лойиҳаларини (жумладан инвестицион лойиҳаларни) кредит, лизинг ёки кафолат тақдим этиш орқали молиялаштириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотига кўра, 01.12.2021 йил ҳолатига мамлакатимиз тижорат банклари томонидан 2021 йил давомида берилган кредитлар бўйича қолдиқ 320,8 триллион сўмга тенг бўлган, бу эса 2020 йилнинг шу даврига нисбатан 18,5 фоизга кўп<sup>114</sup>.

Шунингдек, мамлакатда 30 лизинг компанияси, ҳамда 14 тижорат банклари лизинг фаолияти олиб бормоқда. 2021 йилнинг биринчи ярим йили давомида ушбу лизинг берувчилар томонидан 1,27 триллион сўмлик янги лизинг операциялари амалга оширилди ва биринчи ярим йиллик яқунлари бўйича умумий қолдиқ 5,4 триллион сўмга тенг бўлди. Аммо бу ўтган йилга нисбатан 4,3 фоизга паст кўрсаткич, бунга короновирус пандемияси туфайли лизинг фаолиятининг сусайиши сабаб бўлди<sup>115</sup>.

Оммавий ахборот воситалари, Ўзбекистон банклар ассоциацияси, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ва бошқа турли ташкилотлар томонидан тадбиркорлик муаммолари юзасидан берилаётган турли таҳлилий материалларда бирор марта ҳам мамлакатимизда банклар ёки лизинг компанияларининг етишмовчилиги кузатилаётганлиги қайд этилмаганлигидан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, ҳозирча мамлакатимизда банкларнинг ёки лизинг компанияларининг миқдори бўйича муаммо йўқ. Бу ерда бошқа иккита асосий муаммо бор:

1. Банклар капиталининг асосий қисми, яъни, 81 фоизи давлатга тегишли<sup>116</sup>. Бу эса, банк тармоғида соғлом рақобатга тўсиқ бўлиб, хизмат кўрсатиш сифатига салбий таъсир қилади;

---

<sup>113</sup> <https://bank.uz/orgs/banks>

<sup>114</sup> <https://cbu.uz/uz/statistics/bankstats/575116/>

<sup>115</sup> <https://ula.uz/rezultaty-issledovaniy-lizingovogo-rynka-uzbekistana>

<sup>116</sup> <https://cbu.uz/ru/statistics/bankstats/575210/>

2. Тадбиркорлар ва аҳолининг молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжини кондириш масаласи.

Шу ерда, молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжни кондириш муаммоси нафақат молиядан фойдаланиш имконияти ва шароитининг мавжудлиги, балки шу молиядан фойдаланиш истаги билан ҳам боғлиқ масала эканлигини тушуниб олиш керак бўлади.

Имконият - бу молиявий хизматлардан фойдаланиш учун зарур шарт-шароит. Лекин, молиявий маблағлардан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлган ҳолда улардан турли сабабларга (маънавий, руҳий ва бошқа) кўра фойдаланмаслик ёки жуда оз даражада фойдаланиш ҳам мумкин.

Масалан, баъзи тадбиркорлар банк кредитларидан ўз молиявий саводининг юқори бўлмаганлиги ёки ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмаганлиги учун фойданланмаса, бошқалари кўшимча даромад истаги банклар билан боғланиб вақт ва асабни кетказишга арзимайди деб ҳисоблашади. Бу ҳолатда молиявий маблағлардан фойдаланиш шарт-шароитининг мавжудлиги муаммоси йўқ. Лекин яна бир тоифа тадбиркорлар борки, улар ўз диний қарашларига мувофиқ анъанавий банкларнинг фоизли кредитларидан фойдаланишмайди. Мана энди бу ҳолатда биз мамлакатимизда ислом молия тизими тамойиллари асосида фаолият юритадиган банк-молия муассасаларининг йўқлиги, яъни молиявий манбалардан фойдаланиш имконияти ва шароитининг мавжуд эмаслиги муаммосига дуч келамиз.

Агар биринчи ҳолатда кўрсатиб ўтилган муаммо тадбиркорларнинг молиявий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш йўли билан тўғриланса, иккинчи ҳолатда қайд этилган муаммони ҳал этиш учун тегишли қонунлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, шу соҳа мутахассисларини тайёрлаш, тегишли инфратузилма яратиш каби бир қатор зарурий тадбирларни амалга ошириш талаб этилади.

Ўзбекистонда ислом молияси восита ва маҳсулотларини татбиқ қилиш учун зарур бўлган бирламчи шарт – тегишли қонунлар қабул қилиш ва лозим бўлган ҳолларда амалдаги баъзи қонунлар ва қонуности ҳужжатларини ислом

молияси восита ва маҳсулотларини татбиқ қилишга мослаштиришдир. Бу ишни амалга оширмасдан туриб ислом молиясини амалга татбиқ қилиш иложсиз.

Бугунги кунда ислом молия муассасаларида энг кўп қўлланадиган амалиёт, савдо амалиётидир. Хусусан, савдо битимлари қаторига кирувчи *муробаҳа*, энг кўп қўлланиладиган молия маҳсулотидир. Ушбу молия маҳсулоти қўллаганда, банк мижоз томонидан сўралган маълум бир маҳсулот (мол)ни сотиб олади, банк балансига кирим қилади ва ушбу мол қийматига ўз устама (фойда)сини қўшган ҳолда мижозга муддатли тўлов асосида сотади. Бироқ Ўзбекистон шароитида ислом молия тизимининг ушбу маҳсулотларини қўллаш бугунги кунда қонуний жиҳатдан иложсиз, чунки:

- “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ банклар бевосита ишлаб чиқариш, савдо, ва суғурта фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмасликлари (4-модда)<sup>117</sup>;

- Қонуннинг 5 моддасида Банклар томонидан амалга ошириладиган молиявий амалиётлари жумласига “кредитларни уларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз номидан ўзининг маблағлари ҳамда жалб этилган маблағлар ҳисобидан бериш” (5 модда);

- Солиқ кодексининг Х-бўлимида маҳсулотларни олди-сотди қилиш (айланма савдо) қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС) солиш объекти ҳисобланиши, яъни бирор бир мол олиб сотилса бу амалиёт айланма савдо ҳисобланиши ва ундан ҚҚС олиниши ёзиб қўйилган.

Шундай қилиб, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунга кўра бугунги кунда Ўзбекистон тижорий банклари бирор мижознинг бизнес лойиҳасини молиялаштиришни истаса фақат кредит бериш йўли билан, яъни фоиз асосида амалга ошириши мумкин, бу эса ислом молияси талабларига тамомила зид. Маҳсулотларни олди-сотди қилиш (айланма савдо) қўшимча қиймат солиғи объекти ҳисобланиши эса ислом банклари молиялаштириш

---

<sup>117</sup> <https://www.lex.uz/docs/4581969>

восита ва маҳсулотларини молия бозорида рақобатбардош бўлмаслигини таъминлайди.

Ислом молиясида қўлланувчи яна бир молиялаштириш воситаси *мушорака* ҳисобланади. Бироқ, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 7-модасига кўра банкларнинг молиявий бозор инфратузилмасини айрим ташкилотларини истисно қилганда, юридик шахсларни ташкил этиши ёки уларнинг устав капиталида қатнашишига йўл қўйилмайди.

Ислом молиясида ажратилган ёки жалб қилинган (депозит) маблағларга фоиз ҳисобланмайди, чунки маълум муддатга берилган пуллар (депозит, қарз) эвазига фоиз тўлаш ман қилинган, чунки бу ислом динида қатъиян тақиқланган *рибо* ҳисобланади. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида банк омонати ва кредит шартномаси бўйича маблағларни жалб қилган тараф томонидан маълум бир фоиз тўланиши белгиланган.

Хусусан, Фуқаролик кодексининг 744-моддасига мувофиқ кредит шартномаси бўйича бир тараф - банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 759-модаасига кўра банк омонати шартномаси бўйича биринчи тарафдан (омонатчидан) қабул қилиб олган ёки унинг номига келган пул суммасини (омонатни) қабул қилиб олган иккинчи тараф (банк) шартномада назарда тутилган шартлар асосида ва тартибда омонат суммасини қайтариш ва унга фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

Ислом молиясида эса фоизсиз қарз бериш амалиёти ҳам мавжуд бўлиб, унда қарзга берилган маблағ ёки ашёлар ҳеч қандай қўшимча тўловларсиз қайтарилиши лозим. Албатта ушбу амалиёт тижорат ташкилоти бўлган банклар учун мақбул бўлган амалиёт эмас, лекин Ислом банклари баъзи ҳолларда, масалан вақтинча нақд пул муаммосига дуч келиб қолган мижозларини қўллаб қувватлаш мақсадида фойдаланишади.

Ислом банкларида омонатнинг бир нечта турлари мавжуд бўлиб,

улардан фақатгина талаб қилинганга қадар сақланадиган омонат тури қайтарилиши кафолатланади, зеро мазкур омонатдан банк фойдаланиши мумкин эмас. Бошқа турдаги омонатлар эса анъанавий омонат-депозит эмас, балки сармоядир. Ислом банкларига бундай сармоя киритган мижозлар банк фойда кўрса фойдадан ўз улушларини (келишилган миқдорда) оладилар, зарар кўрса улар ҳам зарар кўрадилар, яъни киритилган маблағнинг қайтиши кафолатланмаган бўлади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистонда банклар томонидан ислом молияси тамойиллари асосида молиялаштиришни йўлга қўйиш учун ислом молияси ва банк фаолиятига оид махсус қонун ишлаб чиқилиши ҳамда бир қатор қонун ҳужжатларига, шу жумладан: Фуқаролик кодекси, Солиқ кодекси, “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги, “Лизинг тўғрисида”ги, “Ипотека тўғрисида”ги, “Гаров тўғрисида”ги ва бошқа қонунларга халқаро тажриба ва Ислом молияси хизматлари кенгаши (IFSB) стандартлари асосида тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек зарур қонуности ҳужжатларни ислом молияси бўйича зарур билим ва тажрибага эга бўлган маҳаллий ва халқаро мутахассислар иштирокида ишлаб чиқиш талаб этилади.

Бироқ, ислом молиясига тадбиркорлар ва аҳоли томонидан кучайиб бораётган талабни ҳамда тегишли қонунлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёни узоқ давом этишини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг ислом молияси ва банк фаолияти бўйича махсус фармонини чиқариш ва шу фармон (ва/ёки қарор) асосида иш бошлаш мумкин. Албатта бу вақтинчалик ечим бўлади, лекин шу билан бирга ушбу ечим 9 та маҳаллий тижорат банки ва Хусусий тармоқни ривожлантириш ислом корпорацияси ўртасида ушбу банкларда *ислом дарчалари* очилиши бўйича имзоланган шартномаларни амалга ошириш имконини беради. *Ислом дарчаларининг* очилиши эса нафақат ислом молия



маҳсулотларига бўлган талабни кондирришга, балки соҳа мутахассисларни тайёрлашга ҳам ёрдам беради, чунки янги молия маҳсулотларини амалиётда қўллаш ушбу восита ва маҳсулотларни ўзига хос жиҳатларини ўрганишга ёрдам беради. Ислом молия восита ва маҳсулотларининг татбиқ қилиниши инвестиция муҳитини ҳам яхшилашга, молия тармоғини янги маҳсулотлар ва иштирокчилар ҳисобига кенгайтиришга ва янги сармоялар жалб қилишга ёрдам беради.

Шу ерда, ислом банк-молия тизимини татбиқ этиш имконини берувчи меъёрий-ҳуқуқий асосни яратиш бўйича ишлар 2022 йилнинг биринчи чорагида Ислом тараққиёт банкининг 265 минг АҚШ долларига тенг бўлган техник кўмаги доирасида амалга оширилиши бошланганлигини қайд этиш лозим<sup>118</sup>.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда ислом молияси восита ва маҳсулотларини ислом банк-молия тизими бўйича тегишли қонунлар ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишини кутмасдан инвестиция компаниялари ташкил қилиб ислом молиясининг асосий восита/маҳсулотлари бўлган молиявий *ижара*, *муробаҳа* (муддатли тўлов асосида олди-сотди амалиёти) ҳамда *мушорака* (бизнес ҳамкорлик/шерикчилик)ни қўллаган ҳолда ислом молияси тамойилларига мувофиқ бўлган фаолиятни бошлаш мумкин. Бундай фаолиятни бошлашга ҳуқуқий асос сифатида “Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5583 рақамли Президент фармони хизмат қилиши мумкин.

Бу йўл билан бирданига учта муҳим натижага эришиш мумкин, биринчидан ўз фаолиятларини ислом молияси тамойилларига мувофиқ тарзда олиб боришни истайдиган жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатишни бошлаш, иккинчидан молия бозорининг бошқа иштирокчиларига

---

<sup>118</sup> Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги назорати остида ўтказилган халқаро тендер натижасида Islamic Finance Advisory and Assurance Services (IFAAS) номли Буюк Британия компанияси ғолиб бўлди ва 2022 йилнинг февраль ойидан ислом банк-молия тизимини татбиқ этишни назарда тутувчи меъёрий-ҳуқуқий асос ишлаб чиқиш устида (маҳаллий юридик компания билан ҳамкорликда) иш бошлади;

бу борадаги имкониятларни кўрсатиб бериш ва шу орқали молиявий маҳсулот ва хизмат турларининг кўпайишига ва молия бозорида рақобатнинг кучайишига туртки бериш, учинчидан соҳа мутахассисларини амалий жиҳатдан тайёрлаш, чунки бугунги кунда Ўзбекистонда бу йўналишда амалий тажрибага эга бўлган мутахассислар деярли йўқ (чунки шу пайтгача бундай мутахассислар тайёрланмаган).

Қуйида, тегишли қонунчилик асослари яратилгандан кейин ислом банк-молия тизимининг қайси маҳсулотларидан фойдаланиш Ўзбекистон шароитида тезроқ самара бериши мумкинлигини кўриб чиқамиз.

#### *Муробаҳа.*

Ўзбекистонда *муробаҳа* шартномасидан қуйидагича фойдаланиш мумкин:

*Муробаҳа*, асосан, банклар томонидан турли ускуна, дастгоҳлар каби активлар сотиб олинishiни молиялаштиришда ишлатилади. Ислом банки мол-мулкни миждознинг ариза шаклида берган махсус буюртмасига асосан сотиб олади. Кейин эса ўша миждозга мазкур мол-мулкни қимматроқ (таннарх + фойда) нархда сотади. Якуний нарх томонларнинг ўзаро келишувига биноан, миждоз томонидан белгиланган муддат давомида бўлиб-бўлиб (одатда ойма-ой) тўлаб борилади. Бугунги кунда *муробаҳа* асосан нобанк молия муассасалари томонидан амалга оширилмоқда. Бироқ уларнинг устамаси жуда баланд (миллий валютада 40% дан 90% фоизгача) бўлганлиги сабабли миждозларга, биринчи навбатда аҳолига *муробаҳадан* фойдаланиш жуда қимматга тушмоқда. Агар “Банклар ва банк фаолияти” ҳақидаги қонунга ўзгартириш киритилса ва тижорат банкларига савдо фаолияти билан шуғулланиш мумкин эмаслиги ҳақидаги тақиқ ушбу қонундан олиб ташланса, тижорат банклари ҳам *муробаҳадан* фойдаланган ҳолда миждозларни молиялаштиришлари мумкин бўлади. Бунда, аҳолидан омонат қабул қилиш имконияти бўлмаган нобанк молия муассасаларидан фарқли равишда, тижорат банклари арзонроқ молия манбаларига эга бўлганлиги сабабли, *муробаҳани* ислом дарчалари орқали юқори бўлмаган маржа (устама) билан

ҳам қўллашлари мумкин бўлади. Албатта бу молия бозорида рақобатни кучайишига ва мижозларга (биринчи навбатда аҳолига) таклиф қилинаётган молиявий маҳсулот ва хизматларининг арзонлашишига олиб боради.

Ислом молиясидаги *ижара* анъанавий ижара (лизинг ва аренда)га ўхшаб кетади, фақат бунда ижарага берилаётган нарса/ижара объекти шарият талабларига мувофиқ бўлиши ва манфаат келтириш хусусиятига эга бўлиши лозим. *Ижара* асосида молиялаштиришнинг иккита усули мавжуд. Биринчиси *амалий (операцион) ижара* бўлиб, бунда мижоз шартномада белгиланган муддат давомида ижара тўловларини амалга ошириб боради ва яқунда ижарага олинган мулкни молия муассасига қайтаради. *Молиявий ижара* деб номланадиган ва анъанавий лизингга ўхшаш бўлган иккинчи турдаги *ижара* шартномасида *ижара* муддати ниҳоясига етгач, мулкка эгалик қилиш (ҳуқуқи) ижара/лизинг олувчига ўтказилиши мумкин. Бунда ижара олувчи молиявий ижарага олинган мулкни ижара давомида сотиб олган бўлади. *Ижаранинг* ушбу тури *Ижара Мунтаҳия бит-Тамлик* (ИМБТ), “Ижара сумма ал-Бай”, “Ижара ва иқтина” (Ижара ва олди-сотди) номлари билан танилган.

*Ижара* ислом банклари томонидан, асосан, автотранспорт воситаларини сотиб олишни молиялаштириш учун ишлатилади. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигида зарур бўлган жихоз ва воситаларни сотиб олиш орқали фермер хўжаликларини молиялаштиришда, қиммат машина ва ускуналар сотиб олиш орқали эса тадбиркорлик субъектларини молиялаштиришда ҳам *ижара* шартномаси қўллаш мумкин.

*Ижара Мунтаҳия бит-Тамлик* (ИМБТ)нинг анъанавий молиявий лизингидан қуйидаги иккита афзал жиҳати бор дейиш мумкин:

1. Анъанавий лизингда тўловни ўз вақтида амалга оширмаган мижозга нисбатан жарима (пеня) қўлланиши мумкин ва ундирилган жарима маблағлари лизинг берувчи фойдасига ўтади. ИМБТда эса ундирилган жарима тўлиғича хайрияга йўналтирилиши шарт;

2. Анъанавий лизингда олинган мулк суғуртаси мижоз тарафидан амалга оширилади, ИМБТда эса суғуртани мулк эгаси бўлган лизинг берувчи ўз ҳисобидан амалга оширади.

*Ижара* ва *мушорака* шартномалари бирлашган битим шакли ҳисобланувчи *Мушорака мутанақиса* (ММ)дан кўп ҳолларда уй-жойлар сотиб олинишини молиялаштиришда фойдаланилади.

Таниқли олим Муфти Муҳаммад Тақи Усманий таърифига кўра *мушорака* атамаси араб тилидан олинган бўлиб, “бўлишиш”, “шерик бўлиш” каби маъноларни англатади<sup>119</sup>. Бизнес ва савдога оид ҳолларда эса, *мушорака* икки ёки ундан ортиқ томонлар ўртасидаги ҳамкорликдаги тадбиркорлик / мулккий шерикчиликка айтилади. *Мушорака* битими Инглиз қонунчилигидаги шериклик шартномасига ўхшайди, унга кўра икки ёки ундан ортиқ шериклар ўз моддий (молиявий маблағлар, бино, ускуна, хом ашё, вхқз.) ва маънавий (масалан интеллектуал мулк) имкониятларини бирлаштириш орқали тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишади.

Ўзбекистон шароитида *мушорака* шартномасидан қуйидагича фойдаланиш мумкин:

*Мушорака* банк муассасаларида асосан инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда, хусусан ўрта ва узоқ муддатли лойиҳалар ёки ҳар қандай қўшма лойиҳаларни молиялаштиришда қўлланилади. Молиялаштириш асносида, банк лойиҳа ёки корхонанинг ҳамкори сифатида иштирок этади ва мижоз билан молиявий шартнома имзолаш пайтида келишилган нисбатда фойдага шерик бўлади. *Мушорака*дан импорт ва экспорт қилувчиларни қўллаб қувватлашда, масалан уларга аккредитив очиш, уларни айланма маблағлар билан таъминлашда фойдаланиш мумкин.

*Музораба* ислом молиясида мавжуд бўлган шерикчилик усули бўлиб, унда битта шерик бизнесни бошлаш ва юритиш учун зарур бўлган молия маблағлари сармоя сифатида тақдим қилади, бошқа шерик эса бу маблағларни

---

<sup>119</sup> Muhammad T.Usmani. An Introduction to Islamic Finance. 1998.

самарали ва оқилона бошқариш орқали даромад келтирадиган фаолиятга киритади. Фойда тақсимоти масаласи, яъни қайси томон қанча олиши шерикчилик шартномасини имзолаш пайтида кўриб чиқилади ва олинган фойда келишилган нисбатда тақсимланади. Бироқ, бизнес фаолият натижасида кўрилган барча зарарлар сармоядор (*Роббул-мол*) томонидан қопланади. *Музориб* эса фақатгина қилган меҳнатига куяди, яъни у зарарни қоплаб бермаса-да, ҳеч қандай фойда ҳам, меҳнати учун ҳақ ҳам олмайди. Аммо, зарар *музорибнинг* лоқайдлиги ёки ноқонуний хатти ҳаракатлари натижасида кўрилган бўлса, у ҳолда бундай зарарлар *музориб* томонидан қопланади.

*Музораба* шартномасидан қуйидаги ҳолатларда фойдаланиш мумкин: *Музораба* шартномаси ислом банклари томонидан мижозлар омонатларини жалб қилишда кенг қўлланилади. *Музорабага* асосланган келишувга биноан, ислом банклари *музориб* каби, мижозлар эса *Роббул-мол* каби ҳаракат қиладилар. Фойда олдиндан келишилган нисбат асосида тақсимланади. *Музораба* асосан инвестиция ҳисобрақамлари ёки омонатлар жалб қилиш учун муддатли депозит ҳисобрақамлари ташкил қилиш мақсадида ишлатилади. Бундан ташқари, ушбу молия маҳсулотидан лойиҳаларни молиялаштиришда ва аккредитивларда фойдаланилади.

Капитал бозорида ушбу шартнома *сукук* чиқаришда ишлатилиши мумкин. *Мудораба* келишувига биноан, *сукук* сертификатларини сотиб олган сармоядорлар *Роббул-мол*, бошқарувчи корхона эса *музориб* ҳисобланади.

*Истисна* - бу ислом молиясида маҳсулот ишлаб чиқарилиши (пайдо бўлиши)дан олдин амалга ошириладиган иккита савдо туридан биридир (яна бир шундай савдо тури *салам* деб аталади ва асосан қишлоқ хўжалигида ишлатилади). *Истиснада* харидор ишлаб чиқарувчига ёки қурувчи ташкилотга муайян бир маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки бирор қурилиш иншооти қуриб бериш буюртмасини беради. Нарх, маҳсулотнинг хусусиятлари ва тавсифлари билан бирга шартномада кўрсатилади. Келишилган нарх олдиндан бўнак шаклида ёки лойиҳанинг тугаш босқичига қараб босқичма босқич (бўлиб-бўлиб) тўланиши мумкин.

*Истисна* ислом банклари томонидан, кўпинча қурилиш, ишлаб чиқариш ва инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда қўлланилади. Ўзбекистонда ҳам банклар мамлакатда яхши ривожланган – янги уй-жой ёки офис бинолари қурилиши соҳасини молиялаштиришда *истисна* битимидан фойдаланишлари мумкин.

*Салам* – харидор маҳсулот нархини олдиндан тўлаш эвазига сотувчидан келажакда маҳсулот сотиб олишини кўзда тутувчи савдо битимидир, яъни харидор олдиндан тўловни амалга оширади, сотувчи эса белгиланган муддатда маҳсулотни харидорга етказди. Юқорида айтиб ўтганимиздек *салам* битими асосан қишлоқ хўжалигида кенг қўлланади. Масалан, фермер/деҳқонлар келажакда (масалан мавсум охирида) олинадиган ҳосилни *салам* шартномаси тузиш орқали олдиндан (масалан йил/мавсум бошида) сотишлари мумкин.

*Вакала* деганда, бир шахс бошқа шахсни ўзининг қонуний вакили (агенти) этиб тайинлайдиган келишув тушунилади. Бундай келишувга кўра вакил *вакала* шартномасида кўрсатиб ўтилган барча хатти ҳаракатларни амалга оширади ва белгиланган натижага эришади. Бунинг эвазига у келишувда кўзда тутилган хизмат ҳақи олади.

Ислом банклари *вакаладан* омонат (депозит) маҳсулоти сифатида фойдаланишлари мумкин. Бундай битимга биноан ислом банки вакил сифатида фаолият олиб боради ва мижозлардан тўпланган маблағларни шартномада кўрсатилган муддатга бирор бир лойиҳага сармоя сифатида киритади. Ислом банки ушбу хизмати учун маълум бир ҳақ олади, асосий фойда эса *вакала* битимига асосан маблағ киритган омонатчилар ўртасида, келишилган миқдорда (фоизда) тақсимланади.

Юқорида муҳокама қилинган *вакала* асосидаги ислом молияси маҳсулотлари Ўзбекистонда ҳам бемалол қўлланиши мумкин ва улардан банк-молия тармоғини ривожлантириш ва банкларга аҳоли маблағларини кенгроқ жалб қилишда фойдаланиш мумкин.

Молиявий маблағлар жалб қилишнинг қулай йўлларида бири қарз қимматли қоғозларини (облигациялар) чиқариш ҳисобланади. Бироқ,



бозорида қимматли қоғозлар фаолиятини тартибга солишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ва “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидалари сингари қонуности меъёрий ҳужжатлари шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, Ўзбекистон қонунчилигини ўрганиш натижасига кўра, гарчи ҳуқуқий нуқтаи назардан маълум талаблар асосида сукукларни чиқариш мумкин бўлса-да, аммо амалда деярли иложсизлиги мутахассислар томонидан эътироф этилмоқда. Бу эса, қонунчиликка сукук тушунчасини аниқ ва тўлиқ киритиш, сукук жорий этишнинг ҳуқуқий жиҳатларини енгиллаштириш, сукукларни облигациянинг тури сифатида қонунчиликка киритиш ва сукук турларини акс эттириш ҳамда бошқа тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни (масалан Шариат кенгаши тушунчасини киритиш ва унинг ҳуқуқий мақомини белгилаш) талаб этади.

Ушбу ўзгартириш ва қўшимчалар қонунчиликка киритиладиган бўлса, эмитент учун ҳам, сармоядор учун ҳам сукук энг қулай молиявий воситалардан бирига айланиши муқаррар.

Албатта, ислом молияси маҳсулот ва хизматлари нафақат анъанавий шаклда, балки рақамли-инновацион шаклда ҳам мавжуд. Шундан келиб чиққан ҳолда, ислом финтехларини Ўзбекистонда ривожлантириш масаласини ҳам кўриб чиқамиз.

Бизнинг фикримизча, қуйидаги 3 йўналиш ислом финтехларига инвестицияларни жалб қилишга ёрдам бериши мумкин:

1. Барқарор ривожланишни таъминлаш учун инновацияларни кучайтириш (яъни янги инновацион ечимларни ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш);
2. Соҳани тартибга солиш ва мувофиқлаштиришга эътибор қаратиш:



Халқаро ҳисоб-китоблар банки (BIS) томонидан ўтказилган тадқиқотлар тартибга солиш ва мувофиқлаштириш сифати юқори бўлган давлатларда финтехлар кўпроқ сармоя жалб қилишини кўрсатган.<sup>120</sup> Шу билан бирга, ушбу тадқиқотда кўрсатилишича, бугунги кунгача 60 дан ортиқ давлатда “тартибга солиш кумдони” ташкил этилган бўлса, шулардан жуда озчилиги Ислон ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлардир. Албатта, тартибга солиш механизмининг заифлиги, шундоқ ҳам хатарлар юқори бўлган соҳага сармоя киритишдан сармоядорларни тўсади.

3. Ислон венчур фондлари (яъни хатарлар юқори бўлган лойиҳаларни молиялаштириш жамғармалари)ни ривожланишига кўмак бериш. Чунки, венчур фондлар инновацион бизнес-ечимлар/лойиҳаларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшиши мумкин. Венчур фондларнинг финтех-стартлапларни (стратаплар – бошланғич ҳисоб-китоб ва тажриба босқичидаги ёки ҳатто ғоя даражасидаги лойиҳалар) молиялаштиришдаги аҳамияти жуда катта. Чунки бундай жамғармалар стартлапларни бошланғич босқичда молиявий жиҳатдан қўллаб қувватлаши, инновацион бизнес лойиҳа/ғоя ташаббускорларига жуда катта маънавий куч беради.

Махсус давлат грантлари дастурларида қатнашиш, маҳаллий ва хорижий бизнес инкубаторлар, “бизнес фаришталар” (business angeles) ҳамда бошқа финтехлар билан алоқалар ўрнатиш ислон финтехлари ривожига катта ҳисса қўшиши мумкин. Масалан, мусулмон аҳолиси кўп бўлган Малайзия ва Индонезияда ислон финтехларига, улар фаолиятининг бошланғич босқичида шундай кўмак кўрсатилади ва шу орқали уларнинг ривожланиши таъминланади.

Агар иқтисодий ривожланиш масаласига тўхталадиган бўлсак, бундаги асосий муаммо – бизнеснинг молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжини қондиришдир. Бу муаммо Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан

---

<sup>120</sup> <https://www.bis.org/publ/work901.pdf>

Барқарор Ривожланиш Мақсадлари олдида турган энг катта муаммолардан бири сифатида эътироф этилган<sup>121</sup>.

Демак, фаровон иқтисодиётга эришиш йўлидаги биринчи энг муҳим масала, молиявий саводхонликни оширишдир. Европа иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) маълумотларига кўра, молиявий саводхонлик иқтисодий ўсиш, барқарор ривожланиш ҳамда молиявий барқарорликка элтувчи асосий омилдир.

Бугунги кунда ислом молияси активлари қиймати 3,6 трлн.АҚШ долларига тенг, бироқ ислом молияси соҳасида саводхонлик паст даражада. Масалан, 2019 йилда Индонезияда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бу мамлакатда анъанавий молия соҳасидаги саводхонлик кўрсаткичи 38% тенг бўлса, ислом молияси соҳасидаги саводхонлик даражаси 9% га тенг. Шу ўринда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда ўтказилган сўровноманинг молиявий саводхонликка оид қисмини ҳавола қилиш ўринли бўлса керак:

3.4-жадвал

### Сўровнома иштирокчиларининг ислом молияси бўйича аҳоли билимларини баҳолаши<sup>122</sup>

Аҳолининг ислом молияси ҳақидаги билимларини баҳолаш	Бизнес		Банклар		Жисмоний шахслар	
	Сони	Фоизи	Сони	Фоизи	Сони	Фоизи
Билим бор	677	36%	2	7.41%	137	3.93%
Умумий тушунча бор холос	580	31%	18	66.67%	1699	48.74%
Билим йўқ	326	17%	1	3.70%	972	27.88%
Жавоб бера олмайман	290	15%	6	22.22%	678	19.45%
<b>Жами</b>	<b>1873</b>	<b>100%</b>	<b>27</b>	<b>100.00%</b>	<b>3486</b>	<b>100.00%</b>

<sup>121</sup> БРМга 2030 йилгача эришилиши мақсад қилинган

<sup>122</sup> <https://www.uz.undp.org/content/uzbekistan/en/home/library/poverty/landscaping-analysis-of-islamic-finance-instruments-in-uzbekista.html>

Кўриш мумкинки, сўровномада иштирок эган аксарият респондентлар ислом молияси соҳасида аҳолининг умумий тушунчаси бор холос деган жавобни беришган. Бу муаммони Ўзбекистон шароитида хал қилиш учун муайян ишлар амалга оширилган, хусусан диссертация муаллифининг бевосита иштирокида “Ислом молияси” телеграм саҳифаси ҳамда [www.islommoliyasi.uz](http://www.islommoliyasi.uz) вэб сайти ташкил этилган ва ушбу манбалар бугунги кунгача фаолият юритиб келмоқда. Аҳоли, бизнес вакиллари ҳамда банклар ходимлари саводхонлигини янада ошириш Ўзбекистонда ислом банк-молия тизимини мамлакатда татбиқ қилиш юзасидан тегишли қонунчилик қабул қилингандан кейин кучайиши мумкин. Чунки шундан кейин мамлакатда ислом банк-молия муассасалари ташкил қилиниши масаласи долзарб бўлиши кутилмоқда. Агар бу соҳа ривожланса, у ҳолда соҳада фаолият юритадиган мутахассислар ва албатта, бу турдаги ташкилотларга мижозлар керак бўлади. Шунда, янги ташкил бўлган ислом-банк молия муассасалари соҳани, шу жумладан финтехлар фаолиятини ривожлантиришга ҳисса қўшишга қайсидир маънода мажбур бўлишади. Юқорида айтиб ўтилганидек, кўпчилик пандемия шароитида масофадан туриб ақлли телефонлар ёки компьютер ёрдамида рақамли молия маҳсулот ва хизматларидан фойдаланишга ўрганишди. Финтех компаниялар ҳам аҳоли ва бизнес вакилларидаги бу ўзгаришларга жавобан соҳани янада ривожлантирадиган инновацион-рақамли ечимлар таклиф қилишмоқда. Сўнгги бир-икки йил ичида Ўзбекистонда бир нечта рақамли банклар (ТВС, Uzum ва Anor банклар), турли молиявий платформалар ўз фаолиятларини бошладилар. Жумладан, ислом финтехлари ҳам секин-аста фаолият бошламоқдалар. Шундай финтехлардан бири бўлган IMAN invest The Global Islamic Fintech Report 2022 (яъни 2022 йил учун Жаҳон Ислом молиявий технологиялари бўйича ҳисобот) ҳисоботида қайд этилган 375 та ислом финтехлари қаторидан жой олган.

Хулоса қилиб айтганда, аҳолининг тез суръатларда ўсиши, ёшлар улушининг юқорилиги ва инсонларда пандемия ва у билан боғлиқ карантин шароитида финтехларни фаол равишда қўллашга ўрганганлиги сабабли,

финтехлар, шу жумладан ислом финтехларини ривожлантириш масаласи тобора долзарб бўлиб бораверади.

### **III боб: бўйича хулоса:**

Ҳар бир давлатнинг олдида турувчи долзарб масалалардан бири – иқтисодиётга инвестициялар жалб қилишдир. Зеро, барқарор ривожланиш ва мамлакат тараққиётини таъминлаш учун инвестициялар кўламини доимий равишда кенгайтириб бориш ўта муҳим вазифа ҳисобланади.

Инвестиция турлари ичида хорижий инвестициялар алоҳида ўрин тутади, чунки ишлаб чиқаришни инновацион технологиялар ва янги техника турлари олиб кириш орқали модернизация қилишни хорижий инвестицияларсиз амалга оширишни тасаввур қилиш қийин.

Хорижий инвестицияларни иқтисодиётга жалб этиш сиёсати мамлакатнинг ўзига хос жиҳатларини, жумладан жуғрофий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳолатини, миллий ва диний қадриятларини эътиборга олган ҳолда, ишлаб чиқилиши лозим.

Бугунги кунда хорижий инвестор эътиборини тортиш, уни мамлакат иқтисодиётига инвестиция киритишини таъминлаш осон иш эмас, чунки бу борада мамлакатлараро кескин кураш кетмоқда, турли давлатлар томонидан йилдан-йилга инвестицион муҳит жозибадорлигини таъминлашга хизмат қиладиган янги инновацион инструментлар қўлланиб келинмоқда. Бундай рақобат шароитида Ўзбекистон ҳам мавжуд имкониятлардан тўлақонли фойдаланиши зарур.

Шу ўринда, ислом молияси ва банк фаолиятини ривожлантириш ва шу орқали Яқин Шарқ мамлакатларидан, биринчи навбатда Форс кўрфази давлатларидан, бевосита ҳалқаро ислом молия муассасаларидан инвестиция жалб қилиш масаласига деярли эътибор қилинмаётганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Фақатгина Ислом тараққиёт банки ва унинг гуруҳига кирувчи ташкилотлардан молиявий маблағлар жалб қилиш билан чегараланиб қолинмоқда. Ваҳоланки, халқаро ташкилотлар томонидан ўтказилган

тадқиқотлар Ўзбекистонда ислом банк-молия тизими маҳсулотларига талаб юқори эканлигини кўрсатмоқда. Хусусан, бизнес вакилларининг 38%, ҳамда жисмоний шахсларнинг 55% диний қарашлари сабабли анъанавий кредитлардан фойдаланмасликларини айтишган бўлса, 61% бизнес вакиллари ва 75% жисмоний шахслар агар ислом банк-молия муассасалари Ўзбекистонда фаолият бошлашса, ўз молиявий амалиётларини ислом молия муассасаларида олиб бориш истагини билдиришган. Шунингдек, “Ислом тамойилларига асосланган даромад келтирувчи омонат ёки шериклик битимларига қанча маблағ йўналтирган бўлардингиз?” деган саволга 26,31% жисмоний шахслар 1 млн.дан - 5 млн. сўмгача бўлган, 23,69 фоизи эса 20 млн.сўмдан кўп бўлган (бўш) маблағларини ислом банкларига омонат сифатида қўйишга тайёр эканликларини билдиришган.

Кичик ва ўрта бизнеснинг Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётидаги улуши катталигига қарамасдан (иқтисодиётдаги улуши 70 фоиз бўлиб бандликнинг 78 фоизини таъминлайди) кичик ва ўрта бизнес вакиллари ўз бизнес фаолиятлари давомида жуда кўп муаммоларга, айниқса молия маблағлари жалб қилиш билан боғлиқ муаммоларга дуч келишади. Банк кредитлари бўйича мураккаб талабларнинг мавжудлиги, фоиз даражасининг юқорилиги, кафилик ёки гаров билан боғлиқ муаммолар шулар жумласидандир. Худди шу каби, аҳоли ҳам банклар билан боғлиқ муаммоларга, хусусан барча банкларда омонатлар бўйича шарт-шароит ва таклифнинг бир хил эканлиги, банклар томонидан жамғармага оид турли инновацион ечимлар таклиф қилинмаслиги, масалан инвестиция жамғармаларининг мавжуд эмаслиги каби муаммоларга дуч келишади. Буларнинг ҳаммаси ўз навбатида банкларда тадбиркорларни молиялаштириш учун маблағлар етишмовчилигига сабаб бўлмоқда.

Европа Тараққиёт ва Тикланиш банки маълумотларига кўра, юқоридаги омиллар сабаб кичик ва ўрта бизнеснинг тахминан 70 фоизи ўз жамғармалари ҳисобига ёки оила аъзолари, дўстларидан қарз олиб, ўзини-ўзи

молиялаштиришга ҳаракат қилади<sup>123</sup>. Албатта бу, нафақат Ўзбекистон банк тизимининг кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг молиявий эҳтиёжларини қондиришда етарли даражада самарали эмаслигидан далолат беради, балки пул маблағларини расмий банк-молия тизимидан ташқарида айланишига ва шу орқали яширин иқтисодий ривожланишига ҳам ҳисса қўшади.

Бу шароитда, мамлакатимизда анъанавий банк-молия тизимига ёндош равишда ислом молия тизимини жорий қилиш мавжуд муаммоларни ҳал қилиш ечимларидан бири бўлиши ва муайян ижобий натижалар бериши муқаррар.

---

<sup>123</sup> [Downloads/law-in-transition-2021-english-small-and-medium-sized-enterprise-growth.pdf](#)

## ХУЛОСА

Диссертация доирасида бажарилган тадқиқот ва таҳлиллар асосида қуйидаги якуний хулосаларга келинди:

1. Ислом банк-молия тизими 20 аснинг иккинчи ярмидан ривожланишни бошлаган, яъни анъанавий банк-молия тизимидан анча “ёш”, лекин шу билан бирга анъанавий тизимдан фарқли равишда реал иқтисодиётга бевосита боғлиқ ҳолда, молия бозорларини “қиздирувчиси” ва уни сунъий равишда “шиширувчиси” бўлган чайқов амалиётларига киришмасдан фаолият олиб боради. Шу сабабли ушбу тизимнинг кўлами анъанавий тизимга қараганда анча тор. Лекин шу билан бирга қуйидаги омиллар ушбу тизим ривожланишининг жиддий истиқболлари борлигини кўрсатади:

- ислом банк-молия муассасаларининг эҳтимолий миқдорлари ҳисобланувчи мусулмонлар сонининг кўплиги;
- ислом молия муассасаларининг сўнги глобал инқирозга бирмунча яхши бардош берганлиги туфайли дунё жамоатчилигининг алоҳида эътиборига сазовор бўлганлиги;
- ислом молия муассасалари даромадларининг лойиҳа натижаларига боғлиқлиги;
- ўзини оқламайдиган даражада катта хатар ва таваккалчиликка эга бўлган лойиҳаларни молиялаштирилишининг тақиқланиши;
- қимматбаҳо қоғозларни (сукук) фақат мавжуд активлар билан таъминланган аниқ лойиҳалар асосидагина чиқарилиши ва ҳ.к.з.

2. Анъанавий ва ислом банклари ўртасида бир қатор фарқли жиҳатлар мавжуд. Асосий фарқ анъанавий молия тизими ва ислом молия тизими ўртасидаги пулга бўлган муносабат билан белгиланади. Анъанавий банк пулни даромади кафолатланган сотиш ёки ижарага бериш мумкин бўлган маҳсулот сифатида кўради, берилган қарз маблағларини йўқотиш хавфи кам, чунки қарз маблағи ҳам, қарз бўйича фоизлар ҳам лойиҳанинг муваффақияти ёки муваффақиятсизлигидан қатъий-назар доимо кафолатланган бўлади, ислом молия тизимининг асосий бўғини бўлган ислом банки эса пулга

маҳсулот сифатида қараши қатъийан тақиқланган ва шу сабабли у ҳар бир лойиҳада ўзини сотувчи ёки бизнес ҳамкордек тутиши керак бўлади. Албатта бу бироз мураккаб муносабатлар бўлиб, бу ҳам ислом банки тизими ривожланишини бироз қийинлаштиради.

3. Ҳозирда дунёда ислом банк-молия муассасалари барча шаклларда мавжуд: банк ва нобанк, йирик ва майда, ихтисослаштирилган ва ихтисослаштирилмаган, оддий ва рақамли, миллий ва халқаро молия муассасалари ва ҳ.к.з. Ислом банк-молия тизими турли муаммоларга дуч келиши мумкин, лекин шунга қарамай, асосий вазифалардан бири жамият аъзоларига улар истаган банк тизимидан фойдаланиш имкониятини яратиш, яъни уларга танлов ҳуқуқи тақдим этишдир. Бунинг учун эса иккала банк тизими ривожланишига ҳам тенг имконият ва шарт-шароитлар яратиш лозим.

4. Бугунги кунда ислом молияси жаҳон молия тизимининг кичик, аммо муҳим қисми сифатида ривожланиб бормоқда. Ислом банк-молия тизими нафақат Малайзия, Туркия каби мусулмон давлатларда, балки МДХ мамлакатларида ва ҳатто Англия каби мусулмон бўлмаган давлатларда ҳам самарали натижаларга эришмоқда. Дунёда ислом банк-молия муассасаларининг турли кўринишлари мавжуд: тўлақонли ислом банклари, анъанавий банклар қошидаги “ислом дарчалари”, ислом микромолия ташкилотлари, ислом инвестиция ташкилотлари, ислом инвестиция жамғармалари, ва ҳоказо. Бизнинг мамлакатда буларнинг ҳар биридан керак ўринда фойдаланиш имкониятларини ўрганиб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш самарали натижалар бериши аниқ.

5. Ислом банклари фаолият доираси турли йўналишларни қамраб олади. Жумладан, келадиган фойда ёки зарар муайян нисбатда томонлар ўртасида тақсим қилиниши тамойилига мувофиқ равишда миждозлар билан шерикчилик асосида бирор соҳага сармоя киритиш (*мушорака ва музораба*), миждоз талаби бўйича бирор бир актив харид қилиб ва унинг нархига устама белгилаб, миждозга муддатли тўлов асосида сотиш (*муробаҳа*), миждозга зарур бўлган молиявий хизматлар кўрсатиш ёки унга бирор активни вақтинчалик



фойдаланишга бериб бунинг эвазига мижоздан ўрнатилган нарх-наво сиёсати (тариф)га мувофиқ ҳақ олиш (ижара) ва бошқа (кафолат бериш, пул ўтказиш каби) амалиётлар. Банк мижозига ҳеч қандай эвазсиз қарз бериши ҳам мумкин, лекин бу йўналишдаги фаолият банкнинг ноижорий/ижтимоий фаолияти сифатида эътироф этилади; Шунга ўхшаш амалиётлар анъанавий банк тизимида ҳам мавжуд. Демак, ушбу тизимни амалиётга жорий қилиш ўта мураккаб иш эмас, бунда асосийси қонунчиликни ислом банк-молия маҳсулотларини қўллаш учун мувофиқлаштиришдир.

6. Ҳар бир давлатнинг олдида турувчи долзарб масалалардан бири – иқтисодиётга инвестициялар жалб қилишдир. Хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб этиш сиёсати мамлакатнинг ўзига хос жиҳатларини, жумладан жуғрофий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳолатини, миллий ва диний қадриятларини эътиборга олган ҳолда, ишлаб чиқилиши лозим. Бугунги кунда жаҳон миқёсидаги жиддий рақобат шароитида хорижий инвестор эътиборини тортиш, уни мамлакат иқтисодиётига инвестиция киритишини таъминлаш осон иш эмас. Шундай экан, биз ҳам юртимиздаги мавжуд имкониятлардан тўлақонли фойдаланишимиз зарур. Хусусан, ҳозирги кундаги каби Ислом тараққиёт банки ва унинг гуруҳига кирувчи ташкилотлардан молиявий маблағлар жалб қилиш билан чегараланиб қолиш етарли эмас. Шу нуқтаи назардан, ислом банк-молия тизимини ривожлантириш ва натижада Яқин Шарқ мамлакатлари, биринчи навбатда Форс кўрфази давлатларидан ҳамда бевосита ҳалқаро ислом молия муассасаларидан инвестиция жалб қилиш масаласида жиддий ижобий ўзгаришларга эришишга эътибор бериш керак бўлади.

7. Ҳалқаро ташкилотлар томонидан ўтказилган тадқиқотлар Ўзбекистонда ислом банк-молия маҳсулотларига талаб юқори эканлигини кўрсатмоқда. Айниқса, кичик ва ўрта бизнес вакиллари ўз фаолиятлари давомида молия маблағлари жалб қилиш билан боғлиқ кўп муаммоларга дуч келишади. Банк кредитлари бўйича мураккаб талабларнинг мавжудлиги, фоиз даражасининг юқорилиги, кафиллик ёки гаров билан боғлиқ муаммолар шулар

жумласидандир. Худди шу каби, аҳоли ҳам банклар билан боғлиқ муаммоларга, хусусан барча банкларда омонатлар бўйича шарт-шароит ва таклифнинг бир хил эканлиги, банклар томонидан жамғармага оид турли инновацион ечимлар таклиф қилинмаслиги, инвестиция жамғармаларининг мавжуд эмаслиги каби муаммоларга дуч келишади. Буларнинг ҳаммаси ўз навбатида банкларда тадбиркорларни молиялаштириш учун маблағлар етишмовчилигига сабаб бўлмоқда.

8. Европа Тараққиёт ва Тикланиш банки маълумотларига кўра, юқоридаги омиллар сабаб кичик ва ўрта бизнеснинг тахминан 70 фоизи ўз жамғармалари ҳисобига ёки оила аъзолари, дўстларидан қарз олиб, ўзини-ўзи молиялаштиришга ҳаракат қилади<sup>124</sup>. Албатта бу, нафақат Ўзбекистон банк тизимининг кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг молиявий эҳтиёжларини қондиришда етарли даражада самарали эмаслигидан далолат беради, балки пул маблағларини расмий банк-молия тизимидан ташқарида айланишига ва шу орқали яширин иқтисодиётни ривожланишига ҳам ҳисса қўшади. Бу шароитда, мамлакатимизда анъанавий банк-молия тизимига ёндош равишда ислом молия тизимини жорий қилиш мавжуд муаммоларни ҳал қилиш ечимларидан бири бўлиши ва муайян ижобий натижалар бериши муқаррар. Жумладан, ислом банклари ва дарчалари очиш, ислом ижара ва инвестиция компаниялари тузиш ва улар фаолиятини кенгайтириш қуйидагиларга хизмат қилади:

- бугунги кунда ўз диний қарашлари туфайли банк-молия тизими имкониятларидан фойдаланмаётган, яъни мамлакат иқтисодиётида фаол иштирок этмаётган аҳоли ва тадбиркорлар иқтисодий жараёнларга жалб қилинади, уларнинг молиявий маблағлари банк тизимига кириб келади;
- молиявий маҳсулот ва хизмат турларининг кўпайиши молия бозорида рақобатнинг кучайишига, бу эса ўз навбатида аҳоли ва бизнес вакиллари учун молия маҳсулотлари ва хизматлари нархларининг пасайишига олиб келади;

---

<sup>124</sup>[Downloads/law-in-transition-2021-english-small-and-medium-sized-enterprise-growth.pdf](#)

- ислом молия маҳсулотларига бўлган талабни қондирилиши аҳоли ва бизнес вакилларининг нафақат моддий, балки маънавий эҳтиёжларини қондирилишини таъминлайди, бу эса ўз навбатида уларнинг давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатига бўлган ижобий муносабатини шакллантиради ва кучайтиради;
- ислом иқтисодиёти, молияси, банк иши йўналишларида мутахассисларни тайёрлашга ёрдам беради, чунки янги молия маҳсулотларини амалиётда қўллаш ушбу восита ва маҳсулотларни ўзига хос жиҳатларини бевосита тажриба асосида ўрганишга ёрдам беради;
- ислом молия восита ва маҳсулотларининг татбиқ қилиниши инвестиция муҳитини яхшилашга, молия тармоғини янги маҳсулотлар ва иштирокчилар ҳисобига кенгайтиришга ва янги сармоялар жалб қилишга ёрдам беради.
- Ислом иқтисодий тизимининг ўзига хос жиҳати шундаки, у инсонларнинг моддий эҳтиёжларидан ташқари руҳий, маънавий ва ижтимоий эҳтиёжларини ҳам инобатга олади ва шу сабабли эркин бозор қонунларини маъқуллаган ҳолда, жамият манфаатларини таъминлаш ҳамда шу эркин бозорда йўл қўйилиши мумкин бўлган адолатсизликларни олдини олиш мақсадида муайян маънавий-ахлоқий чегаралар ўрнатади.

9. Шундай қилиб, ислом иқтисодиётининг мақсади маънавий масъулиятга эга бозор иқтисодиёти тизимини яратиш дейиш мумкин. Ислом иқтисодиётида бойликларнинг жамият ичида адолатли тақсимланишига алоҳида эътибор қаратилади, бусиз ижтимоий барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлаш мумкин эмас, деб ҳисобланади. Ислом иқтисодиётида бойликларнинг бойлардан камбағал ва ижтимоий ҳимояга муҳтож табақаларга қайта тақсимланиши асосан ислом ижтимоий молияси воситалари ҳисобланувчи – *закот, садақа, қарзи ҳасан, такафул* ва *вақф* ёрдамида амалга оширилади.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

### **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар**

#### **I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари**

- 1.1. Ўзбекистон Республикасининг «Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида»ги қонуни. 2022 йил 20 апрель;
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (янги таҳрири). 2019 йил 30 декабрь;
- 1.3. Ўзбекистон Республикаси «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонуни. 2019 йил 25 декабрь;
- 1.4. Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида (янги таҳрири)»ги қонуни. 2019 йил 11 ноябрь;
- 1.5. Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида (янги таҳрири)»ги қонуни. 2019 йил 5 ноябрь;
- 1.6. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. 1995 йил 21 декабрь.

#### **II. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳуқумати қарор ва фармонлари**

- 2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони. ПФ-60, 2022 йил 28 январь;
- 2.2. Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги («2020 — 2025 йилларга мўлжалланган) фармони. ПФ-5992, 2020 йил 12 май;
- 2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармони. ПФ-5953, 2020 йил 2 март;

2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида хорижий инвесторлар кенгашини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. ПҚ-4519, 2019 йил 13 ноябрь;

2.5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ислом тараққиёт банки гуруҳи ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳи жамғармалари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. ПҚ-428, 2019 йил 23 май;

2.6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Инвестиция ва бошқарув компаниялари фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори. ПҚ-414, 2019 йил 17 май;

2.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. ПҚ-4300, 2019 йил 29 апрель;

2.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ислом тараққиёт банки гуруҳи ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳи жамғармалари билан шерикликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. ПҚ-4224, 2019 йил 5 март;

2.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик ва инновация соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони. ПФ-5583, 2018 йил 24 ноябрь;

2.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, ПФ-5495, 2018 йил 1 август;

2.11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. ПФ-5416, 2018 йил 16 апрель;

2.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони. ПФ-4947, 2017 йил 7 февраль.

### **III. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари**

3.1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси;

3.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи.

### **IV. Хорижий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**

4.1. АСТ 276, Islamic Banking Act 1983 (Incorporating latest amendment – Act A1307/2007), Malaysia.

4.2. АСТ 759, Islamic Financial Services Act 2013, Malaysia.

### **V. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар**

#### **Маҳаллий нашрлар**

5.1. Р.И Беккин. Исламские финансы в современном мире. – Москва. Издательский дом “Умма”, 2004.

5.2. Нодирбек Набижон ўғли. Исломда ижара ва музораба. – Т.: “Мовароуннахр”, 2005.

5.3. Р.И Беккин. Исламская экономика. – Москва. Издательство “Восток - Запад”, 2008.

5.4. Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Савдо, зироат ва вақф, Ҳадис ва ҳаёт, 11-жуз. – Т. “Шарқ”, 2008.

5.5. Jakhongir Imamnazarov. “Conceptual framework of sustainability of Islamic financial institutions amid global financial crisis”. Research Centre for East European Studies at the University of Bremen (“Жаҳон молиявий инқирози шароитида Ислом молия муассасалари барқарорлигининг концептуал асослари”) Мақолалар тўплами, Бремен университети қошидаги Шарқий Европа бўйича тадқиқотлар маркази томонидан чоп этилган, Штутгарт, Германия 2012й.

5.6. Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Бозор ва унга боғлиқ масалалар. – Т.: “Ҳилол-Нашр”, 2014.

5.7. Х.Хасанов. Ахлоқий (исломий) молиялаштириш тизими – инновацион молиялаштириш востиси сифатида (Ўзбекистон ва МДХ мисолида). “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 5, 2017 й.

5.8. Н.Аллаберганова Ислом кредит институтлари фаолиятининг назарий жиҳатлари. // “Молия ва банк иши” электрон илмий журнали. №1, 2019 й. 11-16 б.

5.9. Х.Хасанов, О.Давлатяров. Фоиз ставкаси ва инфляция даражаси ўртасидаги боғлиқликнинг исломий молиялаштириш жиҳатидан таҳлили. Стратегическое планирование – важный фактор стабильности устойчивого социально-экономического развития страны и регионов: материалы Форума экономистов/под общей редакцией. Т.Ахмедова. – Ташкент: IFMR, 2019. – С. 245-252.

5.10. Ж.Имамназаров. Ўзбекистонда ислом банк-молия тизимини шакллантириш ва ривожлантириш истиқбол ва имкониятлари. Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2018. - №9. 30-37-б.

5.11. С.Аброров. Ислом молияси тамойилларига асосланган молиявий инструментларнинг моҳияти ва унинг назарий жиҳатлари. “Иқтисодиёт ва таълим” илмий журнали, №2, 2019 й. 133-138 б.

5.12. С.Аброров Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришнинг янги омили: исломий қимматли қоғозлар ва унинг халқаро стандартлари. Ўзбекистон Республикаси ҳаракатлар стратегияси: макроиқтисодий барқарорлик, инвестицион фаоллик ва инновацион ривожланиш истиқболлари. – Т.: «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журналининг махсус сони, 2019. 76-83 б.

5.13. С.Аброров, Н.Қорабоев. Қимматли қоғозлар бозорида сукукнинг ролига оид илмий-назарий мулоҳазалар ва унинг ўзига хос жиҳатлари. “Иқтисодиёт ва таълим” илмий журнали, №1, 2020 й. 126-130 б.

5.14. А.Турсунов. Тижорат банкларида исломий банк хизмаларининг зарурлиги ва иқтисодий ўсишдаги аҳамиятининг назарий асослари // Бозор, пул ва кредит. 2020.-№6. С.14.

5.15. А.Турсунов. Тижорат банкларида исломий банк хизматларини кўрсатишнинг ташкилий ва назарий асослари // Халқаро молия ва ҳисоб. – Тошкент, 2020 (08.00.00, № 19).

5.16. С.Аброров. Ўзбекистонда сукук – исломий қимматли қоғозларни жорий этиш истиқболлари. 08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит” ихтисослиги: Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, Тошкент – 2020 йил.

5.17. Абу Юсуф Яъқуб ибн Иброҳим Куфий. Китоб Ал-Харож // таржимон А.Маннапова. Т.: “Ўзбекистон халқаро ислом академияси” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2021.

5.18. А.Турсунов. Тижорат банкларида исломий банк хизматларини ривожлантириш йўналишлари, 08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент шаҳри – 2021 йил.

### **Хорижий нашрлар**

5.19. Усманийлар халифалиги олимлар ва фақиҳлар кенгаши, Мажаллатул аҳкамул адлия. – Каратоший. 1876.

5.20. Абу Ҳусайн Муслим ибн Ҳажжож, Саҳиҳ Муслим. – Байрут. 1991.

5.21. Муҳаммад ибн Юсуф Ал-Солиҳий Аш-Шомий, Субуҳ ал-Ҳуда вар-Рошад. – Қоҳира. 1997.

5.22. Муҳаммад Амин ибн Обидин, Роддул мухтар аълал дуррул мухтар(Ҳошияту ибн Обидин). – Рийад. 2003.

5.23. Др. Сулаймон Ҳалаф, Эвазли шартномаларда ғарб таъсири, 384-бет.

5.24. Алоуддин ибн Муҳаммад Абубакр ибн Масъд Косоний Ҳанафий, Бадоиъус Санойй. – Байрут. Дарул Кутуб ал-Илмия. 2003.



5.25. Sami Al-Suwailem. Islamic economics in a complex world explorations in agent-based simulation. Jeddah: Islamic Reserch and Training Institute, 2008.

5.26. О.Трофимова. Мусульмане и ислам в Западной Европе. // Мировая экономика и международные отношения. 2009. №10. – С. 52-62.

5.27. Р.Беккин. Исламские Финансовые Институты и Инструменты в Мусульманских и Немусульманских Странах: Особенности и перспективы развития. Специальность 08.00.14 – Мировая экономика, Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. Москва — 2009.

5.28. Фуад Алиев. Исламское финансирование в Азербайджане. //ISR, Наследие, Heritage. 2010. № 1 (43). – С. 56-59.

5.29. M.U.Chapra / The Global Financial Crisis: Can Islamic Finance Help? // Islamic Economics and Finance: A European Perspective, edited by J.Langton, C.Trullols and A.Turkistani. London: Palgrave Macmillan, 2011, pp 135-142.

5.30. Syed Ali. Islamic finance and economic development//Lessons from the past and prospects for the future. Jeddah: Islamic Reserch and Training Institute, 2015.

5.31. И.А.Зарипов. Малайзия – флагман исламских финансов. // Вестник финансового университета. 2016. №4. с. 118-129.V

5.32. Abdelrahman Elzahi Saaid Ali. Regulation and Supervision of Islamic Microfinance. // Kuala Lumpur: IIUM Press International Islamic University Malaysia, 2018.

5.33. Л.С.Мокина. Исламские ценные бумаги как источник финансирования инвестиционных проектов и перспективы их размещения на финансовом рынке России. // Российское предпринимательство. 2017. Том 18. №22. – С. 3429-3446.

5.34. Умар ибн Шаббох, Тарих ал-Мадина. – Жидда. 1399 х.

5.35. Ал-Қарний, Ал-Ҳисба фил-Мозий вал-Ҳозир. – Мадина. 1411х.

5.36. M.Hassan. Aliyu S., Paltrinieri A. & Khan A. (2018). A Review of Islamic Investment Literature. Economic Papers: A journal of applied economics and policy. In Press. <https://doi.org/10.1111/1759-3441.12230>.

5.37. “COVID-19 инқирози ва Ислом молияси”, Ислом тараққиёт банки тадқиқоти. – [www.isdb.org](http://www.isdb.org). Сентябрь, 2020.

5.38. M.Nurjannah. Wahyuddin. Cash waqf: Economic solution during the Covid-19 pandemic. December 2020, FITRAH Jurnal Kajian Ilmu-ilmu Keislaman 6(2):223-242.

5.39. Абу Исо Ат-Термизий, Сунани Термизий шарҳи. – Т.:Ирфоннашр, 2021.

## **VI. Фойдаланилган бошқа адабиётлар**

6.1. Р.В.Абдуллаев. Ислом иқтисодиётида савдо ва тадбиркорлик. – Т.: “EFFECT-D” нашриёти, 2022. – 232

6.2. Р.Абдуллаев, С.Дусанов. Ислом иқтисодиётида молиявий муносабатлар. – Т.: Тошкент ислом университети, 2007. – 104 б.

6.3. Е.А.Байдаулет. Исломий молиялар ва банк тизими. // Таржимон: Ботирхўжа Жўраев. – Т.: O‘zbekiston, 2014. – 464 б.

6.4. Е.А.Байдаулет. Исломий молия асослари. // Тошкент: «O‘zbekiston» НМИУ, 2019. – 432 б.

6.5. Р.И.Беккин. Ислом иқтисодий модели ва замон. // Тошкент: «O‘zbekiston» НМИУ, 2019. – 360 б.

6.6. Usmani Muhammad Taqi. “Sukuk and their contemporary applications. (2007)” Translated from the original Arabic by Sheikh Yusuf Talal DeLorenzo, AAOIFI Shari’a Council meeting, Saudi Arabia. 15 p.

6.7. Hans Visser. Islamic Finance: Principles and Practice. – Edward Elgar, Cheltenham, UK • Northampton, MA, USA, - 2009. 184 p.

6.8. Warde Ibrahim, 2011, Islamic finance bankruptcy, financial distress and debt restructuring: A short report, (Harvard Law School, Cambridge).

6.9. Global islamic finance report 2018: key highlights. 17 p.

6.10. Global islamic finance report 2017. 306 p.

6.11. Islamic Finance Development Report 2019: Shifting Dynamics. The Islamic Corporation for the Development of the Private Sector and Refinitiv. 102 p.

6.12. Mohammed Imad Ali, Ikramur Rahman Falahi. Islamic banking and finance: principles and practices // Marifa Academy Private Limited, 2014. 242 p.

6.13. Шаймерден Чиканаев. Исламское финансирование в Казахстане. Grata International. 3 с.

6.14. Mahmoud Mohieldin. Realizing the Potential of Islamic Finance // World Bank, Economic Premise, Poverty Reduction and Economic Management (PREM) Network, March 2012, 77, 7 p.

6.15. Р.И. Беккин. Исламская экономическая модель и современность. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Изд. дом «Марджани», 2010. – 367 с.

6.16. Основы этических (исламских) финансов: учебное пособие. Под редакцией Е.А.Байдаулет. – Павлодар, 2014. – 325 с.

## **VII. Электрон ресурслар**

- 7.1. [www.islommoliyasi.uz](http://www.islommoliyasi.uz)
- 7.2. [www.islamic-finance.ru](http://www.islamic-finance.ru)
- 7.3. [www.investopedia.com](http://www.investopedia.com)
- 7.4. [www.cia.gov](http://www.cia.gov)
- 7.5. [www.sciencedirect.com](http://www.sciencedirect.com)
- 7.6. [data.worldbank.org](http://data.worldbank.org)
- 7.7. [www.tabunghaji.gov.my](http://www.tabunghaji.gov.my)
- 7.8. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)
- 7.9. [www.president.uz](http://www.president.uz)
- 7.10. [www.uzse.uz](http://www.uzse.uz)